

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“АУДИТ”

ўқув модулининг

ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУАСИ

Тошкент – 2016

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа
ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ТДИУ, иқтисод фанлари доктори, профессор,
Хасанов Б.А.
ТДИУ, иқтисод фанлари доктори, профессор,
Тўлаходжаева М.М.
ТДИУ, катта ўқитувчи, Исамухаммедов А.С.
ТДИУ, катта илмий - ходим изланувчи,
Салоҳиддинов С.А.

Тақризчилар: Ian Crawford, London, University Bath.

*Ўқув - услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Кенгашининг 2016 йил _____даги ____-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	139
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	142
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	168
VII. ГЛОССАРИЙ	171
VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	176

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур “Туризм” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг концептуал асосларини;
- бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётини ривожлантиришдаги вазифаларини;
- бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ташкил этишнинг усул ва услубиётлари ҳамда норматив-ҳуқуқий асосларини;
- бухгалтерия ҳужжатлари ва уларнинг айланиш тартибини;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва унга таъсир этувчи омилларни;
- бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ташкил қилишнинг амалдаги муаммолари ҳамда ривожлантириш истиқболларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси ҳисоб тизимидаги халқаро интеграция ва уни амалиётга татбиқ қилиш;
- молиявий ҳисобот юзасидан аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш;
- хўжалик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс этириш;

- хўжалик маблағларини баҳолаш;
- молиявий ҳисоботни тузиш, ўқиш ва таҳлил қила билиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва хулоса бериш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш ва таҳлил қилишда халқаро стандартлардан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит фанларининг назарий, илмий ва амалий жиҳатларини мувофиқлаштириш;
- аудиторлик текширувларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва ўтказиш;
- аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби ва унинг натижаларини расмийлаштириш бўйича *малакаларига*эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- турли иқтисодий мактаб намоёндаларининг молияга оид илмий қарашлари асосидаги синтезини шакллантира олиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати, унинг яқин истиқболдаги вазифалари ва стратегик йўналишларини ретроспектив ва перспектив баҳолай олиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳисоб тизимида оид янгиликлар, долзарб масалаларни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга унинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш;
- республикамизда тайёрланаётган бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг соҳасидаги мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари” модулини ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулининг “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” субмодуллари ҳамда “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Махсус фанлар” ўқув модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий ва инновацион ҳорижий таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси					Мустақил таълим
			жами	жумладан				
				Назай	Амали	машғуло	Кўчма машғуло	
1.	Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республика-сида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари	8	8	4	6	-	-	
2.	Активлар аудити	10	8	4	4			
3.	Мажбуриятлар аудити	12	8	2	4	2	2	
	Жами:	30	24	10	14	2	2	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари.

Аудитнинг пайдо бўлиши, унинг моҳияти, мақсади ва вазифалари. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъерий тартибга солиш тизими. Аудиторлик текширувининг турлари, хиллари ва шакллари. Аудит ва тафтиш. Аудитда жиддийлик тушунчаси ва аудиторлик таваккалчилиги (риски). Аудиторлик текширувларини режалаштириш. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъерий тартибга солиш тизими, унинг элементлари. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва унинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори ва унинг моҳияти. Аудиторлик текширувларини ташкил этиш ва натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш. Аудиторлик хулосаси ва ҳисоботи. Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши. Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисми. Аудиторлик

ҳисоботининг таҳлилий қисми. Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми. Аудиторлик ҳисоботи учун жавобгарлик.

2-мавзу: Активлар аудити.

Узоқ муддатли активлар аудити Жорий активлар аудити Узоқ муддатли активлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш кетма-кетлиги. Узоқ муддатли активлар аудитида фойдаланиладиган маълумот манбалари. Асосий воситалар аудити. Номоддий активлар аудити. Узоқ муддатли инвестициялар аудити.

Жорий активлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш кетма-кетлиги. Жорий активлар аудитида фойдаланиладиган маълумот манбалари. Товар-моддий захиралар аудити. Пул маблағлари аудити.

3-мавзу: Мажбуриятлар аудити.

Мажбуриятлар аудитининг мақсади, вазифалари ва маълумот манбалари.

Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити.

Ҳисоб-китоблар аудитининг мақсади, вазифалари ва маълумот манбалари. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар аудити. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити. Даъволар ва олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити. Бюджет билан ҳисоб-китоблар аудити. Ижтимоий суғурта ва таъминотга доир ҳисоб-китоблар аудити. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар аудити. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудити

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари

Аудитнинг пайдо бўлиши, унинг моҳияти, мақсади ва вазифалари. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъерий тартибга солиш тизими. Аудиторлик текширувининг турлари, хиллари ва шакллари. Аудит ва тафтиш. Аудитда жиддийлик тушунчаси ва аудиторлик таваккалчилиги (рисики). Аудиторлик текширувларини режалаштириш. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси.

2-амалий машғулот: Активлар аудити

Узоқ муддатли активлар аудити. Жорий активлар аудити.

3-амалий машғулот:

Мажбуриятлар аудити

Мажбуриятлар аудитининг мақсади, вазифалари ва маълумот манбалари.

Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити. Мол етказиб берувчилар ва

пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

№	Баҳолаш турлари	Энг юқори балл	Изоҳ
1.	Таълим олувчилар модулли ўқув ахборотини ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг мақсад ва натижаларини, модул мазмунини аниқ танланганлиги	1,0 балл	Модулли ўқув ахбороти ишланмаси – 1,0 балл.
2.	Модулли ўқув ахборот: график, расм кўринишда етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши		
3.	Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари	1,5 балл	Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши- 1,5 балл.
4.	Активлар аудити		
5.	Мажбуриятлар аудити		

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИДА куйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни→ “Аудиторлик текширувларини ташкил этиш жараёнида мазмунан тематик кетма-кетликни шакллантириш қандай амалга оширилади?”

2) Тингловчиларнинг илғор хорижий таълим тизимига оид қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни→мавжуд назарий кўникмалардан фойдаланилган ҳолда аудиторлик текширувига тайёргарлик кўриш жараёнининг ташкилий жиҳатларини амлиётга татбиқ қилиниши жорий.

“Б /Б /Б”

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим

3) Тингловчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

“Тушунчалар”- таҳлили

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Қўшимча маълумот
Аудиторлик дастурлари		
Аудиторлик режаси		
Аудит рисклари		
Аудиторлик хулосаси		

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТДА куйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни→“Аудиторлик текширувига тайёргарлик кўриш ва

режалаштириш даврида эътиборли жиҳатларнинг аҳамиятини ёрита олиниши”
“SWOT - таҳлил” жадвали

S (кучли томони)	W (кучсиз томони)
B (имкониятлар)	T (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг аудиторлик текширувлари режалаштириш ва ўтказиш бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “Концептуал жадвал”методидан фойдаланилади.

Концептуал жадвал

Аспект таҳлили	Анъанавий таълим	Модулли таълим
Машғулот мақсади		
Машғулот мазмуни		
Ўқишнинг ҳаракатланувчи кучлари		
Машғулотда ишлаш методлари		
Ўқитувчи вазифаси		

3) **“Инсерт” методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			

“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

4) “Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Олинган бўнақлар		
Кредитга олинган маблағларни мақсадли ишлатилиши		
Олинган аванслар харидорлар буйича деталлаштириш		
Олинган суғурта қопламаларини акс эттириш		
Фаолият турини соҳасини алмаштириш		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

5) Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



Намуна: Мажбуриятлар таркиби

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

Режа:

- 1.1. Аудитнинг пайдо бўлиши, унинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.
- 1.2. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъерий тартибга солиш тизими.
- 1.3. Аудиторлик текширувининг турлари, хиллари ва шакллари. Аудит ва тафтиш.
- 1.4. Аудитда муҳимлик тушунчаси ва аудиторлик rischi. Аудиторлик текширувларини режалаштириш.
- 1.5. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси.

Таянч иборалар: *Аудит, назорат, тафтиш, риск, молиявий ҳисоб стандартлари, аудиторлик фаолияти, аудиторлик текшируви, аудиторлик фаолиятини меъерий тартибга солиш тизими, аудитор, аудитор ёрдамчиси, аудитнинг мақсади, аудиторлик фаолияти стандартлари, ички аудит, ташиқи аудит, мажбурий аудиторлик текшируви, операцион аудит, мувофиқлилик (мослик) аудити, молиявий ҳисобот аудити, ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви, аудиторнинг ахлоқ қоидалари ва мутахассислик меъёрлари, мустақиллик, ҳолислик, конфиденциаллик, аудиторлик ташиқлотларининг мажбуриятлари, аудиторлик ташиқлотларининг жавобгарлиги, аудиторлик ташиқлотининг ҳуқуқлари, аудиторлик ташиқлотининг буюртмачиси, аудитда жиддийлик тушунчаси, аудиторлик rischi, аудиторлик текширувларини режалаштириш, аудиторлик таваккалчилиги (риск), ички хўжалик rischi, назорат rischi, аниқланмаслик rischi, жиддийлик даражаси, аудитни режалаштириш, аудитнинг умумий режаси, аудитнинг дастури, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси, ижобий аудиторлик хулосаси, салбий аудиторлик хулосаси.*

1.1. Аудитнинг пайдо бўлиши, унинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

Аудит шу кунга қадар узоқ, тарихга эгадир. Биринчи мустақил аудиторлар Европанинг акциядорлик компанияларида XIX асрларидаёқ пайдо бўлган. Аудит сўзи турли таржималарда у "эшити" ёки "эшитмоқда" деган маънони англатади.

Аудитнинг пайдо бўлиши корхонани бевосита бошқариш билан шуғулланаётганлар (маъмурият, менеджерлар) ва унинг фаолиятига пул қўяётганлар (мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар) манфаатларини ажралиши натижаси билан боғлиқдир. Улар фақатгина корхона бошқаруви ва унга қарам бўлган бухгалтерлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларни асос қилиб олишлари мумкин эмас эди ва хошлашмасди ҳам. Акциядорлар алданмаётганликларига, маъмурият томонидан тақдим этилган ҳисобот корхонанинг амалдаги молиявий ҳолатини тўлиқ экс этаётганлигига тўлиқ,

ишонч ҳосил қилишни истар эдилар. Молиявий маълумотни тўғри эканлигини текшириш ва молиявий ҳисоботни тасдиқлаш учун, акциядорларни фикри бўйича ишониш мумкин бўлган шахслар таклиф этилар эди. Аудиторга нисбатан қўйиладиган асосий талаблардан унинг сўзсиз ҳалоллийлиги ва мустақиллигидир. Бухгалтерия ҳисобининг мураккабланишига аудиторнинг жиддий малакавий тайёргарликка эга бўлишлигини тақозо этади.

Мистер Джорж аудитни пайдо бўлиш босқичи бўйича қуйидаги фикрни билдиради «Агарда аудитга молиявий назорат сифатида қаралса, биринчи бўлиб аудиторлик тизимини Хитой яратган. Эски Хитой ёзувларининг маълумот беришича, эрамыздан аввалги 700 йилда давлат пули ва мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳокимият амалдорларини назорат қилиш учун Бош аудитор лавозими мавжуд бўлган. Ҳокимият аудиторларининг мажбурияти, ҳуқуқи ва шакллари сулоладан – сулолага қараб ўзгариб турган. 1983 йил Хитой янги Конституциясининг 91 – моддасига асосан Давлат аудиторлик мажбурияти ташкил қилинади.

Ўрта асрлардан бошлаб Европада ҳокимият шартномаларини турли жавобгарлар томонидан тасдиқлаб, қайд этиш одат тусига кирди ва шу йўсинда аста – секин бухгалтерия ҳисоби ва назорат шакллари бошлади, XIV асрда икки ёқлама ёзиш усули пайдо бўлди ва мулк йўналиши устидан назорат кучайди.

Кўплаб мамлакатлар иқтисодида акционерлик жамиятлари пайдо бўла бошлади. Албатта, бундай шароит молиявий инқирозларни ҳам четлаб ўтмади ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қила оладиган бухгалтерия – экспериментларига талаб ошди. Англия парламенти вариантни назорат қилиб туриш учун зарур қонунлар тўпламини қабул қилди. Буларнинг ҳаммаси аудиторлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини назорат қилишга қаратди»¹.

Ушбу масала бўйича Эрнес ўзининг «Аудит асослари» дарслигида қуйидаги маълумотларни келтирган: «Айрим манбаларга кўра бухгалтер-аудитор касби XVII асрнинг ўрталарида Европанинг акционерлик компанияларида акционерлар, кредиторлар ва солиқ хизмати ходимлари ўртасидаги мунозарали масалаларни ҳал қилиб бериш зарурати туфайли шакллани бошлаган. Ўша пайтларда мустақил фаолият кўрсатиб, корхонанинг ишлаб чиқариш молия фаолияти тўғрисида аниқ хулоса берадиган мутахассисларга эҳтиёж кучайган.

Натижада, 1862 йили Англияда, 1867 йили Францияда, 1937 йили эса АҚШ да мажбурий аудит тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Ҳозирги пайтда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўзининг ташкилий ҳуқуқий инфратузилмаларига эга бўлган аудит институтлари фаолият кўрсатмоқда.

Аудиторлик касби турли хил мамлакатларда турлича номланиб келинган. Масалан, Америкада жамоатчи – бухгалтер, Францияда бухгалтер эксперт ёки счётавр бўйича комиссар, Германияда хўжалик назоратчиси, ёки китоблар (Das Buch) назоратчиси, қатор англо – саксония мамлакатларида компаниянинг молиявий фаолиятини назорат қиладиган тафтишчи кабилар.

¹www.apb.org.uk - (Auditing Practices Board).

Аудиторлик фаолиятининг ривожланишига 1929–1933 йилларда жаҳон иқтисодий таназзули катта туртки бўлди. Бу даврда акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг кўпчилиги инқирозга юз тутдилар. Натижада ҳисоботларни, хусусан, баланс, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини тасдиқлаш тартибини қатъий белгилаш уларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини мустақил аудиторлар томонидан текшириш эҳтиёжи юзага келган.

Аудит XIX аср ўрталарида Шотландияда ҳам вужудга кела бошлаган.

Ингилиз темирйўлчилари, суғурта ва бошқа инвесторлар Шимолий Америкага йўл олишганида улар билан бирга йирик ингилиз сармоядор (кредито) ларининг манфаатларини ҳимоя қиладиган мустақил тафтишчи – аудиторлар ҳам бирга борганлар.

1844 йилда Англияда акциядорлик компанияларининг бухгалтерия счётларини, акциядорларга бериладиган ҳисоботларни йилига камида бир марта мустақил бухгалтерлар текширувидан мажбурий ўтказилишини талаб қиладиган қонунлар чиқарилган.

Дастлаб аудиторлик вазифалари аниқ белгиланмаган бўлиб, барча инвесторлар, акциядорлар, кредиторлар аудиторларни ўзларининг ҳимоячиси сифатида қабул қилганлар.

Аудиторлар ҳақида уларни акциядорлар олдидаги маъсул шахслар деб қараш 1929 йилда «Компаниялар тўғрисидаги қонун» чиқарилиши билан ўзгарди. Ушбу қонунга мувофиқ барча компаниялар ўзларининг молиявий ҳисоботларида фойда ва зарарларни мажбурий равишда кўрсатишлари белгилаб қўйилди.

Тарихий манбалардан маълумки, марказлашган давлатчиликнинг барпо бўлиши ҳамда ривожланиши натижасида мамлакатни бошқариш учун ҳисоб, назорат ва молия ишларига зарурият кучайган. Уларнинг илдизлари инсониятнинг узоқ тарихига бориб тақалади. Масалан, аудиторлик профессор П.И. Камышанов маълумотларига кўра тахминан эрамыздан олдинги 200 йилларда касб сифатида шакллана бошлаган. Бу пайтларда квесторлар, яъни Рим Империяси даврида молия ва судлов ишларини олиб борувчи мансабдор шахслар жойлардаги ҳукумат бухгалтерлари устидан назорат қилиб турганлар. Квесторларнинг ҳисоботлари Римга юборилиб, имтиҳон қилувчилар томонидан эшитилган. «Аудиторлар» лотинчадан «эшитувчи» деган тушунча ҳам шундан келиб чиққан.

Демак, «Аудит» тушунчаси лотинча бўлиб, «auditing» - айнан таржимаси «у эшитяпти», «эшитувчи» деган маъноларни билдиради.

Амир Темур тузукларида ҳам ҳисоб, молия ва назорат ишлари мамлакатни бошқаришда муҳим восита бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Масалан, «Раиятдан мол – хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш, унинг ободончилиги, хавфсизлигини амалга оширувчи кишилар тузуги» да салтанатни бошқаришда ҳисоб ва назорат ишлари ҳақида шундай дейилган: «... ҳар ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Булардан бири раият учун бўлиб, ундан йиғиладиган солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисоботини олиб борсин. Олиқ – солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб

борсин ва раиятдан йиғилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқаради. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб – кетиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг мол – мулки, вориссиз мол – мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин».

«Сипоҳга ҳақ тақсимлаш тузуги» да эса ўша замонга хос назорат тизими ҳақида қуйдаги маълумотлар келтирилган: «Мулк қилиб берилган ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинласинлар. Бири вилоятдан йиғилган молни ёзиб, раият аҳволини текшириб турсинки, жогирдор фуқарога жабр зулм етказиб, уларнинг ҳолини хароб этмасин. У вилоятдан йиғилган бутун мол ашёларни кирим дафтарига ёзиши лозим. Иккинчи вазир эса (даромад) нинг харж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзсин ва (йиғилган моллардан) сипоҳийларнинг маоши учун тақсим қилсин. Қайси амирга мулк берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга терс бўлса, у вилоятни ҳолиса..га ўтказиб, уч йилгача ўша жогирдорга ҳақ берилмасин» [17]»².

Акциядорлик компаниялар бошқарувлари йил давомида энг камида бир маротаба бухгалтерия ҳисобварақлари ва акциядорлар олдидаги ҳисоботни текшириш учун мутахассисни тақлиф этиши зарур эканлиги тўғрисида аудитнинг тарихий ватани бўлмиш Англияда 1844 йилда компаниялар тўғрисида қонунлар туркуми қабул қилинган.

Россияда аудитор унвони Пётр I томонидан киритилган. Аудитор лавозими иш юритувчи, котиб ва прокурорларнинг қайсидир мажбуриятларини ўзида жамлаган эди. Россияда аудиторларни қасамёдли бухгалтерлар деб атардилар. Аудит институтини ташкил этиш тўғрисидаги барча учта уринишлар (1889, 1912 ва 1928 йиллар) муваффақиятсизлик билан тугади.

1929-1933 йилларда дунёда вужудга келган иқтисодий инқироз бухгалтер-аудиторларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Бу вақтда, аудиторлик текшируви сифати ва унинг мажбурийлигига қўйиладиган талаблар кескин кучаяди, бу турдаги хизматларга бозор эҳтиёжи ўсиб боради. Инқироз якунлангандан кейин, амалда барча давлатлар йиллик ҳисоботларда мавжуд бўлиши лозим бўлган маълумотлар ҳажмига мажбурий талаблар киритадилар, ушбу ҳисоботлар ва аудиторлар хулосалари чоп этилиши мажбурий деб белгиланади. Аудит қаллобликка қарши кучли қурол бўлиб қолади.

1940 йилларнинг охиригача аудит асосан амалга оширилган пул операцияларини тасдиқловчи ҳужжатларни текширишдан ва молиявий ҳисоботларда ушбу операциялар тўғри гуруҳланганлигини текширишдан иборат эди. Бу, ибора жоиз бўлса, тасдиқловчи деб аталадиган аудит эди.

1949 йилдан сўнг мустақил аудиторлар, самарали ички назорат тизимида

² Karla Johnstone. Auditing: A Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.

хато қилиш эҳтимоли унча кўп бўлмайди ва молиявий маълумотлар етарли даражада тўлиқ ва аниқ бўлади деб ҳисоблаб, компаниялардаги ички назорат масалаларига эътиборни кўпроқ, қарата бошладилар.

Аудит ривожланишининг учинчи босқичи - бу текширув ўтказишда ёки маслаҳат беришда вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчиликка йўналтириш, таваккалчиликни олдини олиш ва бартараф этишдир, яъни: миждознинг бизнес шартларидан келиб чиққан ҳолда, асосан хатоликларга йўл қўйилиши мумкин бўлган ёки товламачилик таваккалчилиги энг юқори бўлган жойларни танлаб текширувчи аудитдир.

1970 йилларнинг бошида аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш жараёни бошланди. Англияда молиявий ҳисобот ҳақиқийлигини назорат қилиш соҳасида ишловчи мутахассислар, шу жумладан, давлат муассасаларида ишловчилар ҳам аудиторлар деб аталар эди. Францияда мустақил молиявий назорат соҳасида, бухгалтерия ҳисобини бевосита юритиш билан шуғулланадиган, ҳисобот тузадиган ва молиявий ҳисобот ҳақиқийлиги юзасидан назоратни таъминловчи ҳисобварақлар ҳақида маслаҳат хизматларини амалга оширадиган бухгалтер-экспертларнинг икки малакавий ташкилоти фаолият кўрсатади. АҚШ да молиявий ҳисобот ҳақиқийлиги текширувини дипломли жамоат бухгалтери амалга оширади.

«Кўшма корхоналарнинг вужудга келиши аудит таракқиётида муҳим роль ўйнади.

Аудитор мулкдор олдида жавобгар бўлиб қолди ва баланс боғлиқлиги қонун ва қоидаларга мослигини тасдиқлаб, ҳаққоний баҳо бериш керак эди. Шу даврларда консолидациялашган баланслар ҳам вужудга келди ва ички аудит лавозимлари пайдо бўлди. Уларнинг асосий фаолияти бухгалтерия хизматини назорат қилиш бўлиб, асосий эътибор пул маблағларига қаратилди. Шу сабабли XIX-аср охири ва XX-аср бошларида ташқи аудиторларда танлаб олиб, текшириш усулларини қўллаш ривож топди.

Аудитнинг гуркираб ривожланиши 1930 йилдаги чуқур иқтисодий тангликдан сўнгги даврларга тўғри келади. Масалан, АҚШда 1932 йилда “Қимматли қоғозлар ҳақиқийлиги тўғрисида Дололатнома (АКТ)” қабул қилинди. Бу акция ва облигациялар чиқариб, турли штатларда фаолият кўрсатадиган хусусий корпорацияларни мустақил аудитдан ўтказишни тартибга солувчи биринчи федерал қонун эди. 1939 йилдан бошлаб бухгалтерларнинг Америка институти изланишлар бюллетени ва аудит муолажаларига тааллуқли ҳисоботларни чоп эта бошлади – бу аудитни стандартлаштиришга тегишли биринчи расмий ҳужжат эди.

Иккинчи Жаҳон уришидан сўнг бутун жаҳонда иқтисодий фаолиятни аудитсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Албатта, умумий қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва аудит тамойиллари тўлдирилди. Бухгалтерларнинг Америка Институти «Умумий қабул қилинган аудит стандартлари» ни тасдиқлади ва Ички тафтишчилар институти «Ички тафтишчи мажбуриятлари» ни чоп этди.

АҚШ да 1973 йилдан бошлаб молиявий ҳисоб стандартлари бўйича кенгаш ташкил қилинди. Америка дипломланган аудиторлар институти аъзолари сони

70 минг кишидан ошди ва аудиторларнинг жавобгарлиги ҳам кенгайди. Стандартларга риоя қилмаган аудиторларни дипломланган аудиторлар сафидан чиқариш чоралари кўрилди. Масалан, Америка холис бухгалтерлар институти аудиторлик хулосаларининг ҳақиқийлигини текшириб, алоҳида аъзоларни институт таркибидан чиқариш бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эди. Аудиторларнинг касбий этик меъёрлари ишлаб чиқилди»³.

Барча ривожланган давлатларда, бухгалтер-аудитор касбини эгаллаш истаги бўлган шахслар кўп йиллар давомида ўқиши ва амалий фаолият кўрсатиши ҳамда имтиҳонлар топшириши лозим. Аудиторлар Палатаси вакиллари, ушбу касб бўйича барча шахсларни бирлаштирувчи ташкилотлар мунтазам равишда уларнинг ишларини текшириб боради. Агар аудиторлик фаолияти қониқарсиз деб топилса, уларни аудиторлар Палатаси таркибидан чиқариш масаласи қўйилади, бу эса, келажакда фаолият кўрсатишлигини тақиқлаш демакдир.

Аудитнинг моҳияти

Аудит - бунга ваколати бўлган шахслар - аудитор (аудиторлик ташкилот) лар томонидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботининг ишончлилиги ҳамда молия-хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, эканлигини аниқлаш мақсадида мустақил экспертиза ва таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоботларга қўйиладиган талабларга мувофиқлигини, уларнинг тўлиқлиги ва аниқлигининг текшириш демакдир. Шунингдек, аудит таркибига консалтинг, яъни мижозларга шартномага асосан хизматлар кўрсатиш ҳам киради.

Ҳар қандай тушунча, айниқса илмий атама ўзининг моҳиятини ифодаловчи таърифга эга бўлиши керак.

Аудиторлик фаолиятининг таърифи ўзининг тарихий тараққиёт йўлида турли манбаларда турлича баён қилинган. Масалан, проф. Бэзлейнинг таърифига кўра, «аудит-бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни ушбу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилишидир»⁴.

Аудиторлик фаолияти ва аудиторлик касбининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонунда қуйидагича ифодаланган, ««Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тақиқланади» (2-модда).

«Аудитор - аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир.

Агар, аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки

³ Karla Johnstone. Auditing: A Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.

⁴ Timothy Louwers: Auditing and Assurance services. 5th Edition 2012.

аудиторлик ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, у аудиторлик текшируви ўтказишга жалб этилиши мумкин.

Аудитор аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги ҳамда бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида аудиторлик ташкилотига зарар етказганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилоти олдида жавобгар бўлади» (3-модда)»⁵. Шунингдек, қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, «Аудиторнинг ёрдамчиси аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик ҳисоботида, аудиторлик ҳулосасида аудиторнинг эксперт ҳулосасида ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатда имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлмаган тарзда аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик текширувида иштирок этаётган жисмоний шахсдир.

Аудитор ёрдамчисининг меҳнат шартлари қонун ҳужжатларида қайд этилган тартибда тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти аудиторнинг ёрдамчисига нисбатан татбиқ этилади.

Аудиторнинг ёрдамчиси сифатида ишланган вақт аудитор малака сертификатини олиш учун зарур бўладиган иш стажига қўшилади».

Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, «Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахсдир.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

Аудиторлик ташкилотлари вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўла олмайдилар. (ЎЗР 13.12.2002 й. 447-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

ЎЗР 13.12.2002 й. 447-II-сон Қонунига мувофиқ тўртинчи - олтинчи қисмлари тегишинча бешинчи - еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин

Аудиторлик ташкилотлари очик турдаги акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қуйидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин:

аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида 51 фоизи бир ёки бир неча аудиторга тегишли бўлиши керак (чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси тузилган ҳолат бундан мустасно);

аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги камида икки аудитордан иборат бўлиши керак;

⁵Timothy Louwers: Auditing and Assurance services. 5th Edition 2012.

аудиторлик ташкилотининг рахбари фақат аудитор бўлиши керак;

аудитор ташкилотининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Адлия вазирлиги аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритади. Аудиторлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги тузилган шартнома асосида амалга оширилади»

Аудитнинг мақсади - амалдаги қонунчилик, аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солувчи тизим, аудитор ва мижоз ўртасидаги ўзаро шартнома мажбуриятлари билан белгиланадиган аниқ масалани ечишдан иборатдир. Аудиторлик фаолиятининг мақсади - хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини ишончлилигини ҳамда амалга оширилган молиявий ва хўжалик операцияларнинг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Аудитнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ҳисоботларнинг ишончлилигини тасдиқлаш ёки ишончсизлигини қайд этиш;

- текширилаётган даврда корхона фаолияти натижасида ҳисоб ва ҳисоботда харажатлар, даромадлар ва молиявий натижалар тўлиқ, ишончли ва аниқ акс этилганлигини текшириш;

- ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузиш, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални баҳолаш услубига оид қоидаларини тартибга солувчи амалдаги қонунчиликка ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга ошириш;

- хусусий ва айланма маблағлар, молиявий захиралар ва заём манбаларидан оқилона фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

Молиявий ҳисобот аудитининг асосий мақсади - бу маълум бир вақтда корхона фаолияти натижаси бўйича ҳисоботда активлар, мажбуриятлар, хусусий маблағлар ва молиявий натижалар тўлиқ, ишончли ва аниқ акс этилганлигига ҳаққоний баҳо бериш, корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсати амалдаги қонунчиликка ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш.

Аудиторлик текшируви давомида баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тўғри тузилганлиги, тушунтириш хати маълумотларининг ишончлилиги текширилади. Бунда қуйидагилар аниқланади:

- ҳисоботда барча активлар ва пассивлар акс этилганлиги;

- ҳисобот тузишда барча ҳужжатлардан фойланилганлиги;

- амалдаги мол-мулкни баҳолаш услуби корхона ҳисоб сиёсатида қабул қилингандан қай даражада фарқ қилишлиги;

- фойда солиғи ва бошқа солиқлар бўйича солиққа тортиладиган база тўғри ҳисобланганлиги.

Аудитор қуйидагиларни текшириши лозим:

- корхона мулкдорлари томонидан Низом капитали ҳажмининг ўзгартирганлиги тўғрисидаги қарорлари тўлиқ бажарилганлиги;
- баланснинг актив ва пассив ҳисобварақлари бўйича синтетик ва таҳлилий ҳисоб маълумотларининг бир бирига мос келишлиги;
- ҳисоботда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўлиқ акс этилганлиги.

Аудиторлик хулосасини тайёрлаш жараёнида қуйидагилар текширилиши лозим:

- корхонада амалга оширилган алоҳида хўжалик операциялари қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ акс этилиши ва мол-мулкни баҳолаш тартибига риоя қилиниши;
- даромадлар ва харажатлар ҳисобот даврлари бўйича тўғри акс этилиши;
- ҳисобда ишлаб чиқариш бўйича жорий харажатлар (айланиш чиқимлари) ва капитал қўйилмалар ажратилган ҳолда акс этилиши;
- ҳар ойнинг 1-санасига таҳлилий ҳисоб маълумотлари айланма ва таҳлилий ҳисоб ҳисобварақлари қолдиқлари бир бирига мос келишлигининг таъминланиши.

Асосий мақсадга эришиш ва хулоса тақдим этиш учун аудитор қуйидаги масалалар бўйича ўз фикрини шакллантириши лозим.⁶

ҳисоботнинг умумий қабул қилинишга мумкинлиги, ҳисобот ўзига нисбатан талаб қилинадиган барча шартларга умуман мувофиқлиги ва бир бирига зид бўлган маълумотлар мавжуд эмаслиги;

асосланганлиги (кўрсатилган суммалар асосланган равишда ҳисоботга киритилганлиги);

яқунланганлиги (барча керакли бўлган суммалар ҳисоботга киритилганлиги, хусусан активлар ва пассивларнинг барчаси ушбу компанияга тегишли булганлиги);

баҳолаш (барча табақалар тўғри баҳоланганлиги ва хатосиз ҳисобланганлиги);

табақалаштириш (ҳисобварақда ёзилган сумма асосланган ҳолда унда қайд этилганлиги);

ажратиш (баланс тузилган санадан олдинроқ ёки бевосита ушбу санадан кейин амалга оширилган операциялар амалга оширилган даврда тўғри акс этилганлиги);

батартиблик (алоҳида операциялар бўйича суммалар таҳлилий ҳисоб дафтар ва китобларида қайд этилганларга мувофиқлиги, улар тўғри рақамланганлиги, якуний суммалар Бош китобда қайд этилган суммаларга мувофиқлиги);

ошкоралик (барча табақалаштирилган маълумотлар молиявий ҳисоботга киритилганлиги ҳамда ҳисобот ва унинг иловаларида тўғри акс этилганлиги).

Умуман турли мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам аудит амалиёти ва ташкил қилиниши ўз хусусиятларига эга.

Қуйидаги 1.1-жадвалда турли мамлакатларда аудитнинг ташкилий тавсифларини кўриб чиқамиз.

⁶ Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

Аудиторлик фаолиятини ташкил қилиш ҳар бир мамлакатнинг хусусияти, давлат тузилиши, иқтисодий даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда амалга ошади.

1.1-жадвал

Турли мамлакатларда аудитнинг ташкилий тавсифлари⁷

Мамлакатлар	Кўрсаткичлар		
	Аудитнинг асосий мақсади	Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи органлар	Аудитор кадрлар тайёрлаш тизими
Англия	Бухгалтерия ҳисобининг ҳаққонийлигини назоратқилиш, ҳисобот тизими ва корхона молиявий ҳисоботи тўғрисида фикр билдириш	Дипломланган бухгалтер ва аудиторлар кўмитаси	Дипломланган бухгалтер ва аудиторлар кўмитаси
Франция	Иқтисоднинг нодавлат секторида молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлигининг ташқи молиявий назорати	1. Бухгалтер – экспедитор органи 2. Тафтишчилар миллий палатаси	1. Бухгалтер-экспедитор органи 2. Тафтишчилар миллий палатаси
АҚШ	Холис аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботни текшириш ва эксперт – консултатив фаолият	1. Аудиторлар уюшмаси федерацияси 2. Ички тафтишчилар институти 3. Бухгалтерлар институти	1. Дипломланган аудиторлар институти 2. Ички аудиторлар институти
Швеция	Компаниялар, корхоналар, банклар, ташкилотлар молиявий ҳисоботини ва хўжалик муомалаларини бухгалтерия счётларида акс эттирилишини текшириш	1. Аудиторлик фаолияти комиссияси 2. Аудиторларнинг Швеция жамияти (SRS)	1. Аудиторлик фаолияти бўйича комиссия 2. Аудиторлар малакасини ошириш институти (UPEB) 3. Аудиторларнинг Швед жамоаси

⁷ Mark S. Beasley. Auditing Cases: An Interactive Learning Approach. 5 th Edition. 2011.

Россия	Бухгалтерия ҳисоботларини РФ қонунчилигига мослигини мустақил бухгалтерия экспертизаси орқали аниқлаш	РФ президенти қошидаги аудиторлик фаолияти бўйича коммисия (ЦАЛАК) ва РФ МБ, Россия аудиторлар палатаси	ЦАЛАК МФ ва РФ МБ ўқув – методик маркази
Ўзбекистон	Молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ҳамда қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ва у билан боғлиқ молиявий ахборотни текшириш	1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. 2. Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 3. Ўзбекистон Республикаси аудиторлар палатаси	1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2. Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси 3. Ўзбекистон Республикаси аудиторлар палатаси

Аудиторлик фаолиятини ташкил қилиш ҳар бир мамлакатнинг хусусияти, давлат тузилиши, иқтисодий даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Миқдорий баҳолашга мойил маълумот – аудит учун маълум стандартларга мос ва сон кўрсаткичлари билан ифодаланган, сифат жиҳатдан тавсифнома бериш учун зарур маълумотлар керак бўлади.

Миқдорий ўлчаш мумкин бўлган маълумот турли шаклда бўлиши мумкин. Масалан, молиявий ҳисобот хўжалик маблағлари ва уларнинг иш жараёнидаги ҳаракатларни натура ҳолда ифодалаш, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт бирлиги, алоҳида шахснинг солиқ декларацияси, контрактларнинг суммалари ва ҳоказо.

Бу маълумотларни баҳолаш мезонлари ҳам турлича бўлади.

Масалан, қайта рўйхат қилиш усули билан моддий бойликларнинг сақланишини аниқлаш ёки ғазна ҳисоботлар аудити ёрдамида пул маблағларининг ўз вақтида кирим қилиниши, самарали ва мақсадга мувофиқ ишлатилишини текшириш мумкин. Фойдаланиладиган мезонлар аудитнинг мақсадидан келиб чиқади.

Хўжалик тизими – хўжалик тизимига кўп ҳолларда юридик шахслар, яъни корпорация, давлат муассасаси, жамият – бирлашма, хусусий корхоналар киради. айрим ҳолларда хўжалик тизимини бўлинма, сектор, цех ва айрим олинган шахслар ҳам ифодалаш мумкин.

Аудиторлар жавобгарлиги чегараларини белгилашда хўжалик тизимини аниқлаш билан бирга аудит даврини ҳам аниқлаб олиш зарур бўлади. Кўп ҳолларда бу давр 1 йилга тэнг бўлиши ёки ундан ҳам ошиши мумкин. Текшириш даврини белгилашда охириги ўтказилган холис аудит хулосаси берилган ҳисобот давридан текширилиши керак бўлган ҳисобот давригача

оралиқ олинади.

Далилларни йиғиш ва баҳолаш – далиллар бу сон кўрсаткичлари билан ифодаланган маълумотни белгиланган мезонларга мослигини аниқлаш учун аудитор фойдаланадиган манбалардир. Далиллар турли шаклда бўлиши мумкин, жумладан миждозларнинг оғзаки жавоблари, контрактлар, аудиторнинг шахсий кузатишлари. Муҳими аудит олдидаги мақсадга эришиш учун далиллар сифатли ва етарли даражада тўпланиши шарт бўлиб, бу аудитнинг асосий қисмлардан ҳисобланади..

Етарли билимга эга ваколатли шахс – аудитор белгиланган мезонларни тўғри тушуниши учун етарли билимга эга, далилларнинг шакли ва миқдорини билиш учун ваколатли маъсул шахс бўлиши керак. Шу билан бирга аудитор мустақил бўлмоғи даркор.

Ҳатто аудиторнинг хизматлари текширилаётган компания томонидан тўланаётганига қарамай, у тўла мустақиллигини сақлаб қолади ва текшириш натижаларига ишонч ҳосил қилиши мумкин. лекин аудитор шу компаниянинг бошқарув тизимига кирса ёки шу компаниянинг хизматчиси бўлса – бу ички аудит бўлиб, мустақиллик чегараланган бўлади.⁸

Фикрлар бериш – текшириш натижалари аудиторлик хулосаларида ўз аксини топади. Хулосалар турлича бўлиши мумкин, лекин доимо улар фойдаланувчига миқдорий маълумот белгиланган мезонларга қай даражада мос келишини ёритиб бериши керак. Хулосалар шакли жиҳатидан ҳам фарқ қилади, яъни молиявий ҳисобот билан боғлиқ бўлган техник хулосалардан тортиб, маълум шахслар учун тайёрланган оддий оғзаки хулосаларгача. Аудиторлик хулосаларини тайёрлаш бу текшириш жараёнининг сўнгги босқичидир.

Юқорида келтирилган тушунчалар аудит нима деган саволга тўла жавоб беради. буни аниқроқ очиб бериш учун қуйидаги 1.2-жадвалда умумлаштириб кўрсатиш мумкин.

1.2-жадвал

Аудитнинг асосий тушунчалари

Тушунча	Моҳияти
Миқдорий баҳолашга мойил маълумот	Аудитнинг мақсадидан келиб чиқиб текшириш учун олинадиган маълумот
Хўжалик тизими	Аудит ўтказиш чегаралари
Далиллар йиғиш ва баҳолаш	Аудит ўтказиш усуллари қўллаш ва етарли исбот олиш
Етарли билимга эга, ваколатли мустақил шахс	Текшириш ўтказаётган шахснинг билими ва ўз касби устаси эканлиги
Фикрлар бериш	Олинган натижалар ҳақида маълумот бериш

Келтирилган тушунчалар аудитга берилган умумий таъриф бўлиб,

⁸ Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

мулкнинг турли кўринишлари мавжуд шароитда аудитнинг турларини аниқроқ ўрганиб чиқиш зарурлигини уқтиради.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими.

Ўзбекистонда аудит 1991 йилда ташкил топа бошлади. Ушбу даврда аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Асосий меъёрий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (янги таҳрир) 2000 йил 26 май, Тошкент ш.

3. Янги таҳрирдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кучга киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қарори. 2000 йил 26 май, Тошкент ш.

4. "Молиявий назоратни ўтказиш ва хўжалик ҳаётига аудиторлик шаклидаги назоратни тадбиқ, этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги 198-сонли Қарори.

5. "Аудиторлар ва аудиторлик фирмаларни Давлат рўйхатидан ўтказиш Низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 июндаги 293-сонли Қарори.

6. "Юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия) бериш тартиби тўғрисида Низом". Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1993 йил 10 майда 41-сон билан тасдиқланган.

7. "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли Қарори.

8. "Аудиторнинг малакавий сертификатини бериш тўғрисидаги Низом". Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 13 октябрда 977-сон билан рўйхатга олинган.

9. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари.

Аудиторлик текшируви натижалари кўпчилик иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун асос бўлганлиги сабабли барча давлатларда аудит етарли даражада қатъий тартибга солинади. Уларнинг айримларида (масалан, Францияда) аудитнинг меъёрлари, меъёрий ҳужжатларини белгилаб, аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини рўйхатга олиш ва улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш йўли билан давлат ушбу жараёнга аралашади. Бошқа давлатларда (АҚШ, Англия) ушбу жараён касбий ижтимоий аудиторлик ташкилотлар томонидан тартибга солинади.⁹

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини

⁹ Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

меъерий тартибга солиш тизими ташкил топиш босқичидадир. Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш идораларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, давлат ва ижтимоий аудиторлик ташкилотларининг аҳамияти ва фаолиятини аниқлаш жараёни кетмоқда. Қуйида беш асосий босқичдан иборат, кўп босқичли аудиторлик фаолиятини тартибга солиш меъерий тизими ажратиб кўрсатилиши мумкин:

Биринчи босқич - молиявий-иқтисодий тизимда аудитнинг ўрни, аҳамияти, вазифаларини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрир) 2000 йил 26 май.

Иккинчи босқич - барча объектлар учун мажбурий бўлган аудиторлик фаолиятини тартибга солиш умумий масалаларини белгиловчи қонунчиликка оид ва меъерий ҳужжатлар. Уларга қуйидагилар киради:

1. "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли Қарори.

2. "Аудиторнинг малакавий сертификатини бериш тўғрисидаги Низом". Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 13 октябрда 977-сон билан рўйхатга олинган ва бошқалар.

Учинчи босқич - Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланаётган аудиторлик фаолияти стандартлари. Улар аудиторлик хизмати бозоридаги барча субъектлар учун аудит меъерларини белгилайди.

Тўртинчи босқич - аудиторлик фаолияти ва аудитнинг махсус турларини ўзига хос бўлган масалаларини тартибга солувчи аудиторлик фаолиятининг махсус стандартлари ҳамда вазирлик ва идораларнинг меъерий ҳужжатлари.

Бешинчи босқич - аудит ўтказишда тегишли аудиторлик ташкилоти аудиторлари ҳаракатини тартибга солувчи фирма доирасидаги аудиторлик стандартлар.

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахслар (аудиторлик ташкилотлар) аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Аудиторлик ташкилотлари очик турдаги акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қуйидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин:

аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида 51 фоизи бир ёки бир неча аудиторга тегишли бўлиши керак (чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси тузилган ҳолат бундан мустасно);

аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги камида икки аудитордан иборат бўлиши керак;

аудиторлик ташкилотининг раҳбари фақат аудитор бўлиши керак;

аудитор ташкилотининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида

давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Адлия вазирлиги аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритади. Аудиторлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритиш тартиби қонун ҳужжаталари билан белгиланади.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги тузилган шартнома асосида амалга оширилади..

Аудиторлик фирмаларини табақалаштиришда асосий белгилари деб қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- фаолият тавсифи (бажариладиган вазифалар);
- кўрсатиладиган хизматлар ҳажми.

Фаолият тавсифи (бажариладиган вазифалар) бўйича аудиторлик фирмалар универсал ва махсулаштирилган ташкилотларга ажратилдилар.

Универсал аудиторлик фирмалар мажбурий аудит ўтказишнинг у ёки бу турини амалга ошириш учун бир нечта лицензияга эга бўлишлари ва турли хил ишларни бажаришлари мумкин. Булар қуйидагилардан иборат: умумий аудит, банк аудити ва бошқа турдаги аудиторлик текширувларини амалга ошириш; бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш; иқтисодий субъектнинг хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил қилиш, актив ва пасивларни баҳолаш; молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоби бўйича маслаҳатлар бериш; бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича ўқитишни амалга ошириш; ҳисобни компьютерлаш; ўз фаолияти доирасида бошқа хизматларни бажариш.

Махсулаштирилган аудиторлик фирмалари нисбатан торроқ доирада ишларни амалга оширадилар ва ишларнинг маълум бир турлари бўйича ихтисослашадилар (масалан, аудиторлик текширувлар, ўқитиш ва бошқалар).

Аудиторлик фирмалар аудиторлик фаолиятдан ташқари қандайдир бошқа ишбилармонлик ва унга боғлиқ, бўлган фаолият билан шуғуллана олмайдилар.

Аудиторлик фирмаси универсал ёки махсулаштирилган бўлишига қарамадан у, албатта, асосий хизмат тури, яъни мажбурий аудитни амалга ошириши лозим. Акс ҳолда у аудиторлик фирма деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Кўрсатиладиган хизматлар ҳажми бўйича аудиторлик фирмалар йирик, ўрта ва кичикларга ажратилдилар. Универсал фирмалар кўп ҳолатларда йирик ва ўрта бўладилар.

Кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг асосий мезони деб сотувдан тушган тушум ҳажми ҳисобланиши лозим. Бунда ўлчов бирлиги тариқасида энг кам бир ойлик маош миқдоридан фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида асосан кичик аудиторлик фирмалар кўпчиликни ташкил этади.

Бизнинг мамлакатимизда аудит институти ривожлана бориши муносабати билан аудиторлик фирмалар уюшма, иттифоқ ва бошқа бирлашмаларга бирлаша бошладилар. Бундай бирлашишдан мақсад - аудиторлик фаолиятини ривожлантириш, тажриба алмашиш, таъсир доирасини ажратиш.

Мамлакатимизда аудиторлар ва бухгалтерларнинг ижтимоий-касбий бирлашмалари ташкил этилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлари миллий Ассоциацияси (ЎБАМА), Аудиторлар Палатаси (АП).

ЎБАМА – бухгалтерлар, аудиторлар, илмий ва педагогик ходимлар, солиқлар бўйича маслаҳатчиларнинг республика жамоат ташкилоти бўлиб, ўз аъзоларини улар манфаатлари ва мақсадларининг умумийлиги, ҳудудий ёки профессионал ҳимоялашда амалий ёрдам кўрсатади.

ЎБАМА бухгалтерия ҳисоби, аудиторлик фаолияти, солиққа тортиш, хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори, корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили бўйича қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Шу билан бирга бухгалтерия ходимлари ва аудиторларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этади.

Аудиторлик палатаси – малака сертификатига эга мустақил аудиторларни ихтиёрий тарзда бирлаштирувчи, мустақил нотижорат жамоат ташкилоти. АП нинг асосий мақсади аудиторларнинг профессионаллик даражасини ривожлантириш ва қўллаб қувватлашга ёрдам бериш, ўз аъзоларининг касбга оид манфаатларини давлат ва жамоат органларида ҳимоя қилиш ҳамда касбга оид талаблар бўйича барча ўзгаришлар тўғрисидаги ва ахборот таъминоти бўйича алоқа ўрнатишдан иборат.

Аудиторлик хизмати бозорида фаолият кўрсатаётган аудиторлик фирмаларни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: хорижий аудиторлик ва консалтинг фирмалари, ўрта ва кичик фирмалар.

Энг таниқли хорижий аудиторлик фирмаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: Ernst & Young, KPMG, PricewaterhouseCoopers, Deloitte Tohmatsu International. Бу фирмалар томонидан амалга оширилаётган хизматлар нархи маҳаллий фирмаларнинг шунга ўхшаш хизматлар нархидан анча қимматроқдир, лекин Ғарбий инвесторлар айнан ушбу фирмаларнинг аудит бўйича хулосаларини тан оладилар. Кўпчилик маҳаллий фирмалар аудит бўйича ишларни малакалироқ бажарадилар, хорижий фирмалар эса аудитнинг халқаро стандартларини ва илғор иш услубини тарқатишга ёрдам қиладилар.¹⁰

Аудиторлик ташкилотининг касбий ходимлари бажараётган вазифалари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилиши мумкин:

- аудиторлик текшируви раҳбарлари;
- аудиторлар (гуруҳ раҳбарлари);
- аудитор ёрдамчилари;
- аудиторлик текширувларининг оддий иштирокчилари;
- бошқа мутахассислар.

Фирмада бухгалтерия ҳисоби бухгалтерия томонидан юритилади. Йирик бўлмаган аудиторлик ташкилотлар соддалаштирилган икки даражали бошқарув тизимига эга бўлишлари мумкин - аудиторлик ташкилотнинг раҳбари, одатда, текширув раҳбари ҳам ҳисобланади.

¹⁰ Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

Аудиторлик стандартлар аудитнинг сифати ва ишончилигига қўйиладиган меъерий талабларни белгиладиган ва уларга риоя қилганда аудиторлик текшируви натижаларини маълум даражада кафолатли бўлишини таъминлайдиган умумий асосий талабларни ифодалайди. Иқтисодий шароитлар ўзгариб бориши билан, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар эҳтиёжларини янада ҳам тўлиқроқ қондириш мақсадида, аудиторлик стандартлар мунтазам равишда қайтадан кўриб чиқилиши лозим.

Аудиторлик стандартлари асосида аудиторларни тайёрлаш учун ўқув дастурлари ҳамда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш учун ўтказиладиган имтиҳонларга қўйиладиган умумий талаблар шакллантирилади.

Суд жараёнида аудиторлик стандартлар ўтказилган аудит сифатини исботлаш ва аудиторлар жавобгарлиги даражасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Стандартлар аудит ўтказиш учун умумий ёндошиш, аудиторлик текшируви миқёси, аудиторлар ҳисоботларининг турлари, услубиёт масалалари ҳамда аудит қандай шароитларда ўтказилаётганлигидан қатъий назар, ушбу касб вакиллари қандай асосий тамойилларга риоя қилиш лозимлигини белгилайди. Ўз амалиётида стандартдан четга чиқишга йўл қўйган аудитор, бунини сабабларини тушунтириб беришга тайёр бўлиши лозим.

Стандартларнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат, яъни, улар:¹¹

- аудиторлик текширувининг юқори сифатли бўлишини таъминлайди;
- аудиторлик амалиётига янги илмий ютуқларни жорий этишга ёрдам беради;
- аудиторлик текшируви жараёнини фойдаланувчилар томонидан тушунишга ёрдам беради;
- касбнинг ижтимоий мақомини шакллантиради;
- давлат томонидан назоратни бартараф этади;
- аудиторга миждозлар билан музокаралар олиб боришга ёрдам беради;
- аудиторлик жараёнининг алоҳида бўлимлари боғланишини таъминлайди.

Ўзбекистонда халқаро тажрибага асосланиб, аудиторлик фаолиятининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу фаолиятга оид стандартларни ишлаб чиқилишини тақазо этади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни даврида, маълум бир йўналишга оид миллий стандартлар бўлмаган тақдирда, аудитор ўз фаолиятини халқаро стандартлар ёрдамида, улар мавжуд бўлмаса - ўзининг касбий тажрибаси ва фаросатига таяниб тартибга солиши лозим.

Хозирги кунгача республикаимизда аудиторлик фаолиятига доир масалаларни акс эттирувчи қуйидаги миллий стандартлар қабул қилинган:

1. 3-сонли "Аудитни режалаштириш" АМС.
2. 5-сонли "Аудитор иши сифатини назорат қилиш" АФМС.
3. 6-сонли "Аудитни ҳужжатлаштириш" АФМС.

¹¹ Mark S.Beasley. Auditing Cases: An Interactive Learning Approach. 5 th Edition. 2011.

4. 9-сонли "Муҳимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги" АФМС.
 5. 10-сонли "Молиявий ҳисобот таркибидаги бошқа маълумотлар" АФМС.
 6. 11-сонли "Маълумотларга компьютер ёрдамида ишлов бериш шароитида аудит" АФМС.
 7. 13-сонли "Таҳлилий амаллар" АФМС.
 8. 14-сонли "Аудиторлик танлаш" АФМС.
 9. 16-сонли "Эксперт ишидан фойдаланиш" АФМС.
 10. 24-сонли «Молиявий ҳисоботнинг чалкашликлари аниқланганда аудиторлик ташкилотининг иш тутиши» АФМС.
 11. 25-сонли «Аудиторлик текшируви ўтказилаётганда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текшириш» АФМС.
 12. 31-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти билан танишиш" АФМС.
 13. 50-сонли "Аудиторлик далиллар" АФМС.
 14. 55-сонли «Ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш таомиллари» АФМС.
 15. 56-сонли «Молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар» АФМС.
 16. 60-сонли «Бошқа аудиторнинг иш натижаларидан фойдаланиш» АФМС.
 17. 70-сонли "Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосаси" АФМС.
 18. 80-сонли «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудиторнинг ҳисоботи» АФМС.
 19. 90-сонли "Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари" АФМС.
- Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифатини ва унинг натижалари ишончилигини кафолатлайди.

1.3. Аудиторлик текширувининг турлари, хиллари, шакллари. аудит ва тафтиш.

Аудиторлик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларни таҳлили аудитни қуйидаги турларга бўлиш мумкинлигини келтириб чиқаради: операцион аудит, мувофиқлик(мослик) аудити ва молиявий ҳисобот аудити.

Операцион аудит - корхона хўжалик механизмининг алоҳида бўлимлари фаолиятини, уларнинг самарадорлиги, ишончилиги ва бошқарув учун фойдалигини баҳолаш мақсадида амалга ошириладиган текширувдир. **Операцион аудит** – иқтисодий самарадорлик ва унинг мезони бўлган тўла меҳнат унумдорлигига баҳо бериш мақсадида хўжалик тизими бўғинлари фаолиятини текширишни ўз ичига олади. Аудит тугатилгандан сўнг бошқарувчига аксарият ҳолларда хўжалик муомалаларини такомиллаштириш борасида йўл – йўриқлар кўрсатилади.

Операцион аудитда текширувга бошқарув ташкилий тизимининг ҳажми,

бухгалтерия ҳисобининг ташкилий услуби ва техникаси, компьютер тизимлари, маркетинг услублари ва бошқа жавҳалар киритилиши мумкин.

Бошқарув самарадорлиги хўжалик тизимининг турлича бўлишига боғлиқлиги сабабли аниқ операцион аудитни ифодалаш мушкул. Масалан, бирон – бир ташкилотда қимматли қоғозларни сотиб олгандан кўра кўчмас мулк харид қилиш самаралироқлиги аниқланиб, тегишли маслаҳатлар берилса. Бошқа корхонада умумий меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи омиллар ўрганилиб, ишлатилмаётган захиралардан фойдаланиш йўллари кўрсатилади.

«Операцион аудит – бошқарув масалалари бўйича корхонанинг турли таркибий бўлинмаларига маслаҳат бериш каби фаолият (масалан маркетинг ишларини баҳолаш, корхона таркибий тузилмасини баҳолаш ва ш.к.)»¹².

Операцион аудитда текшириш фақатгина бухгалтерия ҳисоби билан чегараланмайди, балки бошқарув тизими, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш, компьютер муомалалари алгоритмини такомиллаштириш, маркетинг ва умуман аудиторнинг мутахассислигидан келиб чиқиб, турлича соҳаларни қамраб олиши мумкин.

Операцион аудитнинг мушкуллиги шундаки, унинг маълумотларини объектив баҳолаш қийин. Масалан, молиявий ҳисобот аудитида ҳисоботни белгиланган бухгалтерия стандартларига мос равишда тузулганлигини аниқлаб баҳо беришда йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиш бир мунча энгилдир. Шунинг учун операцион аудит моҳияти жихатидан кўпроқ маъмурият учун маслаҳатлар бериш, яъни кон салтингдан иборат, деса ҳам бўлади. Охириги йиллар ичида бу аудит тури ривожланган мамлакатларда кўпайиб бормоқда.

Мувофиқлилик (мослик) аудити - бу корхона хўжалик тизимида амалдаги қонунчиликка оид ҳужжатлар ва йўриқномалар билан белгиланган меъёрларга ҳамда маъмурият ходимлари учун ишлаб чиқилган муолажа ва қоидаларга қандай риоя этилаётганлигининг текширувидир. Шунингдек, мувофиқлилик аудити корхона мулкдорлари ва акциядорлари буюртмасига асосан тавсия қилинган бошқарувга оид меъёрлар (муолажалар)га корхона Низомига мувофиқ қай даражада маъмурият (раҳбарият) томонидан риоя этилаётганлигини текшириш мақсадида ҳам амалга оширилиши мумкин. **Мувофиқлилик (мослик) аудити** – юқори бошқарув (маъмурият) томонидан белгиланган кўрсатма ва қоидаларни хўжалик тизимида бажарилиши даражаси устидан ўтказиладиган назорат мослик аудитнинг мақсадини ташкил қилади. Масалан, бошқарувчилар томонидан ўрнатилган, бажарилиши шарт бўлган муолажаларга бухгалтерия ходимлари томонидан амал қилиниши, моддий бойликларнинг сақланишининг таъминланиши ва уларнинг сарифланиши белгиланган чегаралардан чиқмаслигига риоя қилиш даражаси ёки кредиторлар ва банклар билан тузилган битимларга корхона томонидан амал қилинишини назорат қилиш ва бошқалар.

«Мувофиқлик аудити – ушбу корхона бўлинмалари фаолияти, унинг маъмурияти ва зарур бўлганда юқори органлар томонидан белгиланган ёки қонун ҳужжатларида кўрсатилган қоидаларга мувофиқлигини текширишдан

¹²Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

иборат. Масалан, тузилган шартномаларни юридик талаблар нуқтаи назаридан текшириш ва баҳолаш, рискларни камайтириш ва ҳ.к.»¹³.

Бюджет томонидан молиялаштириладиган ташкилотлар назорат қилинганда ҳам асосан мослик аудити ўтказилади, чунки бундай ташкилотларда бажарилиши лозим бўлган қоидалар аниқ кўрсатилади.

Мослик аудитининг натижалари аудитни белгилаган бўғини учунгина маълум қилинади, негаки бу аудит натижалари ҳисоботдан кенг фойдаланувчиларга тааллуқли бўлмайди. Айрим ҳоллардабир ташкилот ўзига бўйсунуши керак бўлган такилотни назорат қилиш учун ҳам мослик аудитни белгилаши мумкин. Масалан, ҳукумат томонидан солиқ тўловчиларнинг декларациясини текшириш учун аудиторларни жалб қилиш мумкин.

Молиявий ҳисобот аудити ҳисоб ва ҳисоботда қайд этилган маълумот белгиланган мезонларга мувофиқлигини текшириш учун амалга оширилади. Одатда, бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойиллари ва қоидалари мажмуи мезонлар бўлиб ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот аудити – бу аудитнинг асосий тури бўлиб, молиявий ҳисобот белгиланган мезонлар асосида тайёрланганлигини аниқлайди. Белгиланган мезонлар бу асосан умумий қабул қилинган бухгалтерия шартларидир. Молиявий ҳисоботга бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот ва шу ҳисоботларга тааллуқли бўлган тушунтиришлар киради.

Молиявий ҳисобот аудити натижаларидан ҳар-хил гуруҳлар, турли мақсадлар учун фойдаланади. Албатта, ҳар бир фойдаланувчи ўзи аудит ўтказганидан кўра иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан битта аудитор ҳамма учун хулоса тайёрлаб берганлиги маъқул. Агар фойдаланувчини умумий аудит натижалари қониқтирмаса, у қўшимча маълумотлар олиши мумкин. Масалан, корхонага ссуда бериш бермаслик масаласини ҳал қилиш учун банкка умумий аудит натижалари етарли бўлса, иккита корхонанинг қўшилиши масаласини ҳал қилиш учун кенгроқ маълумотлар зарур бўлади. Бундай ҳолларда корпорациялар қўшимча аудит ўтказиш учун шахсий аудиторлардан фойдаланиши мумкин.

Проф. Х. Мусаевнинг фикрича, «Молиявий аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий кўрсаткичларини текширишга қаратилган. Бундай аудит кўпгина ҳолларда таъсисчилар, инвесторлар ва бошқа ташқи манфаатдорларнинг буюртмалари асосида ўтказилади. Молиявий аудитнинг асосий мақсади молиявий натижаларнинг ҳаққоний, асосли эканлиги, молиявий ҳисоботнинг тўғри тузилганлигига баҳо беришдан иборат»¹⁴.

Буюк Британия Миллий Аудит Марказида аудиторларни қуйидаги гуруҳларга ажратади: «Ривожланган мамлакатларда аудиторлар асосан тўртта гуруҳга ажратилади. масалан, АҚШда буларга бош ҳисоб хизмати аудиторлари, солиқ инспекторлари, ички хўжалик аудиторлари ва холис бухгалтерлар киради.

¹³Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

¹⁴Mark S.Beasley. Auditing Cases: An Interactive Learning Approach. 5 th Edition. 2011.

Бош ҳисоб хизмати аудиторлари – федерал ҳукумат хизматлари тармоғига киради ва фақат конгресс олдида ҳисобот бериб, конгресснинг аудиторлик вазифаларини бажаради, моҳияти жиҳатидан тўла мослик аудити функциялари асосида иш юратади. Бундан ташқари федерал ҳукумати томонидан амалга оширилаётган турли режаларнинг унумдорлиги ва самарадорлигини баҳолайди.

Солиқ инспекторлари – федерал солиқ қонунларининг бажарилишини назарот қилишади. Аудит қилинадиган солиқ тушумлари оддий яъни жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлардан тортиб, мураккаб, яъни юридик шахсларнинг, жумладан йирик компанияларнинг фойдаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай аудиторларга солиқ қонунчилигини мукамал билиш талаб қилинади.

Ички хўжалик аудиторлари – ички аудит корхона, бирлашма ёки ташкилотнинг бошқарув тизимига кириб, менежерлар учун назорат функцияларини бажаришда ёрдам беради. Ички хўжалик аудиторларининг малака даражаси шу корхонанинг бошқарув тизими талабларига биноан белгиланиб, мустақиллиги чегараланган.

Бу тоифадаги аудит корхона маъмуриятини зарур маълумотлар билан таъминлаб, бухгалтерия хизмати ва бошқа функционал тизимлар билан ҳамкорликда иш юратади

Холис бухгалтерлар – аудиторлик фирмаларнинг асосий вазифаси бу очиқ чоп этиладиган молиявий ҳисоботларни текшириш ва тўғрилигини тасдиқлашдир. Бундай ҳисоботлардан юқорида таъкидланганидек, ҳар хил тоифадаги гуруҳлар фойдаланади. Шу сабабли ҳозирги кунда иқтисодиётда «Аудитдан ўтган молиявий ҳисобот» деган жумла кенг ишлатилмоқда. Бу, ўз навбатида, «Холис аудитор» деган иборанинг ишлатилишини тақозо этди.

Холис бухгалтерларни тайёрлаш ва бу номга сазовор бўлиш йўллари турли мамлакатларда турлича, лекин ҳар бирида ҳам «бухгалтерия ҳисоби» бўйича махсус диплом, бухгалтерия соҳасида маълум иш стажи ва махсус имтиҳонларни топшириш талаб қилинади. айрим давлатларда, масалан, холис аудитор бўлиш учун холис бухгалтерлар қайта тайёрланиб, аудит фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома берилади.

Аудит фаолиятини олиб бориш учун рухсатномалар бериш ҳам турлича амалга оширилади. Айрим давлатларда бу фаолият давлат томонидан амалга оширилса, бошқаларида касбий уюшмалар рухсатнома беради»¹⁵.

«Аудиторлик фаолияти (профессионал хизматлар бундан мустасно) махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади.

Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия махсус ваколатли давлат органи томонидан берилади. Бу орган:

аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларини, шу жумладан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

аудиторлик ташкилоти лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия

¹⁵www.nao.gov.uk - (UK National Audit Office)

талабларига ва шартларига риоя этишини назорат қилади;

аудитор малака сертификатини олиш учун даъвогарларга малака талабларини белгилайди;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси билан келишган ҳолда аудитор малака сертификати олиш учун ўқув дарстурларини ва малака имтихонларини топшириш тартибини тасдиқлайди;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси иштирокида аудитор малака сертификатини олиш ҳуқуқига доир малака имтихонини ўтказди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ва бекор қилади, шунингдек ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади;

аудиторлар малака сертификатини беради, амал қилишини тугатади ва бекор қилади;

малака сертификатига эга бўлган аудиторлар реестрининг ҳамда аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотларни ҳисобини юритади.

Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Аудиторлик фаолиятини лицензиясиз амалга оширганлик қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка олиб келади»¹⁶.

Шундай қилиб, аудиторлар ва аудит ҳақидаги тушунчаларни умумлаштириб қуйдаги 1.3–жадвал шаклида ифодлашга ҳаракат қиламиз. Шунинг назарда тутиш керакки, операцион аудитда мезонларни белгилаш, молиявий аудит ёки мослик аудитига нисбатан бир мунча мураккабдир.

Аудит хиллари бўйича ички ва ташқи аудитга ажратилади.

1.3. - жадвал

Аудиторлик назоратининг турлари ва аудиторларнинг тури

Аудит	Аудитор	Мисол
Бошқарув аудити	Бош ҳисоб хизмати аудиторлари ички хўжалик аудиторлари	Умумий меҳнат унумдорлигига ташкил қилинган ҳисоблаш маркази фаолиятининг таъсири
Мослик аудити	Бош ҳисобчи хизмати аудиторлари, солиқ инспекторлари, ички хўжалик аудиторлари, мустақил аудиторлик фирмалари	Кредиторлар ва банклар билан тузилган битимларга амал қилиниши
Молиявий аудит	Мустақил аудиторлик фирмалари, ҳолис аудиторлар	Молиявий ҳисоботнинг йиллик аудити

¹⁶Karla Johnstone. Auditing: A Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.

Ички аудит бошқарув назоратининг ажралмас ва муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Йирик корхоналарда раҳбариятнинг юқори бўғини ташкилот фаолияти ва қуйи раҳбарият тизими юзасидан кундалик назорат билан шуғулланмаслиги оқибатида ички аудитга эҳтиёж вужудга келади. Ички аудит айнан ушбу фаолият тўғрисида маълумот беради ва менеджерлар ҳисоботларининг ишончилигини тасдиқлайди. Ички аудитнинг кераклиги, асосан, заҳиралар камомадини олдини олиш ва корхона ичида керакли бўлган ўзгаришларни амалга оширишдан келиб чиқади.

Йирик корхоналарда ички аудиторларнинг маълум вазифаларини бош бухгалтер ёки молиявий директорга бўйсунган бухгалтерия қошидаги тафтиш гуруҳлари бажарадилар, лекин ички аудиторларнинг вазифа доиралари кенгрок ва қуйидагилардан иборат:

активлар ҳолати юзасидан назорат қилиш: раҳбарият томонидан қарорлар қабул қилинишида фойдаланадиган маълумот аниқ эканлигини тасдиқлаш;

ички тизимга оид назорат муолажалари бажарилишини тасдиқлаш;

ички назорат тизими самарадорлигини таҳлил қилиш ва маълумот устидан ишлаш;

бошқарув маълумот тизими томонидан тақдим этиладиган маълумот сифатига баҳо бериш.

Британиялик тадқиқотчилар фикрига кўра, «Ички аудит-бу корхоналар фаолиятини манфаатдорларнинг буюртмасига асосан дахлсиз аудиторлар томонидан текшириш ва асосли хулосалар беришдир.

Ички аудитнинг мақсади корхонада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш, корхона ходимларининг ўз вазифаларини тўлиқ бажарилишига яқиндан ёрдам беришдан иборат»¹⁷.

Бу борада юқоридаги фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки ички аудит корхона бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, корхонанинг штатдаги ички аудиторлар томонидан амалга оширилади. Ташқи аудиторлар кўп жиҳатдан ички аудит натижаларига таянади. Умуман олганда, «Ички аудиторлар ўзлари ишлайдиган корхоналар фаолиятини текширади. Аммо, улар қоидага кўра, корхона маъмурияти (директорлар кенгаши) таркибига кирадилар. Бундай назорат (ўз-ўзини назорат қилиш) шакли АҚШ да ўтган, XX-асрнинг 30-йилларида юзага келиб, кейинчалик Ғарбий Европа ва Японияда тарқалган.

Ҳозирги вақтга келиб кўп ҳолларда ички аудиторларнинг функциялари, ҳатто ўз компанияси таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоботларини текшириш доирасидан ҳам четга чиқади. Ички аудиторлар корхонанинг иқтисодий сиёсати ва бошқарув масалаларида кўпроқ иштирок этмоқдалар. Ички аудиторлар юқори малакали мутахассилар бўлиб, ўз мақомига кўра катта ваколатларга эга»¹⁸.

Ташқи аудит корхоналар буюртмалари (шартномалар) га асосан мустақил аудиторлар, аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, ташқи аудитнинг хусусиятларидан бири текширувни амалга ошираётган аудиторлар текширув олиб борилаётган хўжалик юритувчи субъектда ҳеч

¹⁷Karla Johnstone. Auditing: A.Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.

¹⁸www.aicpa.org

қандай манфаатга эга эмаслигидир, яъни: таъсисчи, мулк эгаси, акциядор, текширилаётган иқтисодий субъектнинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботиға қўйиладиган талабларига риоя қилиниши учун масъул раҳбар ва бошқа мансабдор шахслар эмас ҳамда корхона раҳбарияти билан қаримдош (отаси, онаси, рафиқаси, акаси, укаси, опаси, синглиси, ўғли, қизи) ва улар билан хизмат юзасидан алоқадор эмас.

«Ташқи аудит – бу ташқи манфаатдорларнинг буюртмаларига асосан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва экспертиза қилишдир.

Ташқи аудитнинг асосий буюртмачилари давлат бошқаруви органлари, таъсисчилар, инвесторлар, кредиторлар, солиқ идоралари, банк муассасалари ва бошқа манфаатдорлар ҳисобланади»¹⁹.

Қонунда белгиланишича, «Аудиторлик текширувининг буюртмачиси аудиторлик текшируви ўтказилишини қўзғатувчи хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, шунингдек устав капиталида қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдордаги улушга эга қатнашчилар ва акциядорлар, назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир»²⁰.

Агар аудиторлик фирмалари ўзларининг таъсисчилари, филиаллари, ваколатлари бўлган иқтисодий субъектларни ҳамда ушбу иқтисодий субъектга бухгалтерия ҳисобини юритиш, тиклаш ва молиявий ҳисоботини тузиш хизматларини кўрсатсалар, улар томонидан ташқи аудиторлик текширувини амалга ошириш мумкин эмас. Юқорида қайд этилган жиҳатларни яшириш аудиторлик текширувини амалга ошириш учун берилган лицензияни бекор қилиниши учун асос бўлиши мумкин.

Ташқи аудитни ўтказишдан мақсад текширилаётган иқтисодий субъектнинг молиявий-хўжалик ҳолатини аниқлаш ва йиллик молиявий ҳисоботини тасдиқлашдир. Шунингдек, ташқи аудит шартномага асосан бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйилганлигини яхшилаш, молия самарадорлигини ошириш, солиққа тортиш базаси юзасидан, текширилаётган субъект ва унинг сегментлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш бўйича бир қатор тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Аудиторлар ёки аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилган ташқи аудит натижалари текширилган корхонанинг ҳисоби, ички назорати ҳолатлари, йиллик ҳисоботи ишончлилиги тўғрисида хулоса тузиш ва тақдим этиш йўли билан расмийлаштирилади.

Қонуннинг 9-моддасига кўра, «Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир. Аудиторлик текшируви мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда ўтказилади».

Мажбурий аудиторлик текшируви - амалдаги қонунчиликка мувофиқ аудит ўтказилиши мажбурий деб белгиланган корхоналарнинг молиявий

¹⁹Karla Johnstone. Auditing: A.Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.

²⁰ Karla Johnstone. Auditing: A.Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.

ҳисоботини ҳар йиллик аудиторлик текширувини амалга ошириш.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ, «қуйидагилар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- суғурта ташкилотлари;

• инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ва уларнинг бошқарув компаниялари;

• манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадалларидан ташкил топган хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;

• маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий ажратмаларидан ташкил топган бюджетдан ташқари фондлар;

• Низом жамғармасида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси хўжалик юритувчи субъект бўлади. Аудиторлик ташкилотини танлаш хўжалик юритувчи субъект мулкдори, шунингдек қатнашчилари (акциядорлари) нинг умумий йиғилиши билан келишиб олинади.

Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача мидорда жарима ундиришга, шунингдек унинг раҳбарини қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Жариманинг тўланиши хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишдан озод қилмайди»²¹.

«Хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши жарима солиш учун асос ҳисобланади.

Қуйидагилар:

ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майгача йиллик молиявий ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилмаслиги;

аудиторлик хулосаси мавжуд эмаслиги хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши деб эътироф этилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект олдинги йил учун ўз йиллик молиявий ҳисоботини ҳисобот йилининг 1 майгача аудиторлик текширувидан ўтказди ва аудиторлик текшируви тамом бўлгандан кейин 15 кун мобайнида тегишли солиқ органига аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этади.

Аудиторлик хулосаси нусхаси солиқ органига белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъект солиқ органига аудиторлик хулосаси мавжуд эмаслигининг сабабини акс эттирувчи тушунтиришни ёзма шаклда тақдим этиши керак.

²¹ Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлash сабабли аудиторлик хулосаси мавжуд бўлмаса, солиқ органи хўжалик юритувчи субъектга белгиланган тартибда жарима солади.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади.

Жарима жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ундирилади. Ўз вақтида тўланмаган жарима миқдори солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ пеня ҳисобланган ҳолда сўзсиз ундириб олинади.

Жарима миқдори*	Бир йилда маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган ялпи тушум миқдори (ҚҚС ҳам шу жумлага киради)**
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 50 баравари	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 500 бараваригача
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 75 баравари	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 500 бараваридан 15 минг бараваригача
Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 100 баравари	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 15 минг бараваридан ортиқ

Жарима ставкалари табақалаштирилган ва мажбурий текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот йили охирида маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан олинган ялпи тушуми миқдorigа қараб белгиланадиган миқдорларда ундириб олинади.

*Жарима миқдорини аниқлашда энг кам ойлик иш ҳақининг жарима солиш тўғрисида қарор чиқарилган санадаги миқдоридан фойдаланилади.

**Бюджетдан ташқари ва хайрия жамғармалари учун ялпи тушум деганда амалдаги тушумлар, шу жумладан аъзолик бадаллари тушунилади.

Хўжалик юритувчи субъект жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Тўланадиган жарималар тўлиқ миқдорда республика бюджетига ўтказилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан солиқ органи томонидан жазо жаримаси қўлланилмаганлиги бошқа назорат қилувчи орган томонидан аниқланган тақдирда тегишли солиқ органининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар»²².

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви - лозим бўлган ҳолда, хўжалик юритувчи субъектнинг қарори билан амалга оширилиши мумкин.

«Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарorigа

²² Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

биноан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкии.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади»²³.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказишда хўжалик юритувчи субъект ўз олдига асосан қўйидагиларни мақсад қилиб қўйиши мумкин:

корхонада бухгалтерия ҳисобини ташкил этилиши ва юритилиши амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш;

бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини самарадорлигини баҳолаш;

солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва солиққа тортишга доир ҳисоб-китоблар аҳволини текшириш ва ҳ.к.

Булардан ташқари қонунда назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳам белгилаб берилган. Унга кўра, «Аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти томонидан улар ўртасида тузилган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш юзасидан тузилган шартномага асосан ўтказилади.

Аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувининг белгилаган орган ҳисобидан амалга оширилади.

Айнан бир хил асосларга кўра айнан бир аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текширишга такрор жалб этилишига йўл қўйилмайди»²⁴ дейилган.

Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилигига мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувидан зишга топшириқ беришлари мумкин. Бундай топшириқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида қўйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлганида берилади:

кўзгатишган (қайта кўрилатган) жиноий ишлар;

фуқаролик ишларини қабул қилиш (қайта кўриш);

хўжалик судининг идоравий тасарруфидаги ишлар ва ҳ.к.

Аудиторлик текширувини белгилаган органлар текширув ўтказиш учун барча шароитларни яратишлари, аудиторларни хавфсизлигини таъминлашлари лозим.

Аудит - бу иқтисодий жараён бўлиб, унда етарли билимга эга бўлган ва махсус малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий ахбороти тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаб, ўз фикрини билдиришидир.

Агар Ғарб мамлакатларида аудит 150 йилдан буён маълум бўлса, Ўзбекистонда эса, мустақил фаолият соҳаси сифатида хўжалик юритишда давлат монополиясидан воз кечиш ва бозор иқтисодига ўтиш натижасида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан шакллана бошлади. Шунинг учун

²³ Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

²⁴ Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

аудиторлик фаолияти ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш зарурдир. Таъкидлаш жоизки, олдин ҳам мамлакатимиздаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда хўжалик фаолиятини назорат ва тафтиш қилиш амалга оширилган. Аммо, назорат ва тафтиш билан аудит тушунчалари бир – бирларига яқин бўлса ҳам, уларни битта нарса деб тушуниш тўғри эмас.

Бозор муносабатларининг ривожланиши ва мулк шаклининг ўзгариши тафтиш ўтказиш борасида жуда катта ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Аудит ва тафтиш тушунчалари кенг маънода хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти устидан ўрнатиладиган иқтисодий назоратни ташкил этиш усуллари ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларни тузишни тафтиш қилишда маълум изоҳлар берилган ҳолда аудиторлик фаолияти стандартлари ва нормалари қўлланилиши мумкин. Аудит ва тафтишнинг бундай ўхшаш жиҳатлари кўп, аммо принципиал фарқлари ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам иқтисодий назорат шакллари ва методларининг ривожланиши истиқболларни тадқиқ қилишда аудит ва тафтиш ўртасидаги фарқларни очиқ бериш муҳим аҳамиятга эга. Бундай фарқларни қуйидаги белгилари бўйича туркумлаш мумкин:

Аудит ва тафтиш ўртасидаги юқоридаги фарқлар умумий тарзда айрим адабиётларда келтирилган. Ҳозирги кунда буларни умум қабул қилинган қарашлар деб ҳисоблаш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республикамызда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва мулк шаклининг ўзгариши натижасида тафтишнинг ўрнини аудит эгаллаши тезлашди. Аммо, тафтиш бутунлай йўқолиб кетмайди ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мустақамланишига қараб сақланиб қолади.

Малакали аудиторнинг асосий сифатларидан бири - жамият олдида ўз масъулиятини ҳис этишдир. Шунинг учун аудиторлар барча аудиторлик хизматларини кўрсатишда мижоз билан ўзаро муносабатларни белгиловчи қуйидаги ахлоқ қоидалари ва мутахассислик меъёрларини ишлаб чиқилишини ва уларга риоя қилинишини зарур деб ҳисоблайдилар: аудиторнинг мустақиллиги, ҳалоллиги ва ҳаққонийлиги.

Мустақиллик - аудиторнинг текширилаётган корхонада бирорта ҳам молиявий ёки бошқа мулкый манфаатдор бўлмаслиги; агар аудитор корхона мулкдорларидан бири ҳисобланса ёки юқори бўғин раҳбарияти билан қаримдошлик алоқасида бўлса, у бундай корхонани текшириш ҳуқуқига эга эмас.

Холислик - ушбу ишга тааллуқли бўлган фақат шубҳасиз далилларни назарда тутиб фикр юритиш қобилияти, бу, ўз навбатида, интеллектуал ҳалолликни келиб чиқаради.

Конфиденциаллик - текширув ёки бошқа бир аудиторлик хизматларини кўрсатиш вақтида аудитор томонидан олинган маълумот конфедициал ҳисобланади ва учинчи шахслар фойдаланиши ёки уларга тақдим этилиши фақатгина мижоз руҳсати (ёзма равишда берилган) ёки суд қарорига мувофиқ, амалга оширилиши мумкин. Шак-шубҳасиз, агар мижоз тўғрисидаги маълумот овоза қилинганда ёки тарқатилганда унга моддий ёки бошқа зарар келтирмаса

ҳам, конфиденциаллик тамойилига риоя қилиниши шарт.

1.4-жадвал

Аудит ва тафтиш ўртасидаги фарқлар

№	Фарқ қиладиган белгилар	Аудит	Тафтиш
1	Мақсадлари	молиявий ҳисобот ишончлилиги юзасидан фикр билдириш, хизматлар кўрсатиш, мижозга ёрдам бериш ва ҳамкорлик қилиш	баргараф этиш мақсадида камчиликларни аниқлаш ва айбдор шахсларни жазолаш.
2.	Тавсифи	ишбилармонлик фаолияти	ижроий фаолият, фармойишларни бажариш
3.	Ўзаро ҳуқуқий муносабат асослари	Фуқаролик ҳуқуқи, хўжалик шартномаларга асосан амалга ошириш	Маъмурий ҳуқуқ, мажбурийлик, юқори ташкилот ёки давлат идоралари фармойишларига мувофиқ амалга ошириш
4.	Бошқарув алоқалари	горизонтал (-) алоқалар, мижоз билан муносабатларда тэнг ҳуқуқлилиқ, унинг олдида ҳисобот бериш	вертикал () алоқалар, юқори бўғин томонидан тайинланиш, ижроси тўғрисида унга ҳисобот бериш
5.	Хизматларга тўлов тамойиллари	тўловни мижоз-корхона ёки аудиторлик текширувини буюртмачиси шартнома асосида амалга оширади	тўловни юқори бўғин ёки давлат идораси амалга оширади
6.	Амалий масалалар	мижознинг молиявий ҳолатини яхшилаш, пассив (инвестор, кредитор) лар жалб қилиш, мижозга маслаҳатлар билан ёрдам бериш	активларни сақлаш, суиистеъмолчиликларни баргараф этиш ва олдини олиш
7.	Натижалар	Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тузиш билан яқунланади. Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини тасдиқловчи аудиторлик хулосасининг яқуний қисми чоп этилиши мумкин	далолатнома - бу барча аниқланган, хатто аҳамиятсиз бўлган камчиликлар қайд этилган ички ҳужжат. Далолатнома юқори ташкилотга ёки бошқа идораларга тақдим этилиши мумкин.

Аудиторнинг касбий юқори малакага эгаллиги, хабардорлилиги ва

инсофлилиги. Аудитор керакли бўлган касбий малакага эга бўлиши, уни юқори даражада ушлаб туриши, ўз фаолиятида меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиши зарур. Ишга бошқа аудиторларни ёки ёрдамчи ходимларни жалб қилганда, аудитор уларнинг касбий хабардорлигига ишонч ҳосил қилиши ва улар бажараётган ишларни назорат қилиб бориши лозим. Агар аудитор маълум бир соҳада етарли даражада касбий малакага эга бўлмаса ёки ўз тавсиялари тўғрилигига тўлиқ ишончи бўлмаса, у бирорта ҳам хизмат кўрсатмаслиги керак.

Мижоз билан иш олиб борганда, аудитор ўзининг барча билимлари ва тажрибасидан фойдаланиши ва бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш ва шунга тааллуқли бошқа жабҳалардаги янгиликлар ва ўзгаришлардан хабардор бўлиши лозим.

Аудитор амалга оширилган аудиторлик текшируви сифати учун маълум бир масъулиятга эга. Молиявий ҳисоботлар юзасидан масъулиятдан аудиторлик хулосаси юзасидан масъулиятни ажратиш лозим. Аудитор фақат текширилаётган корхонанинг молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги хулоса учун масъул. Молиявий ҳисобот мазмуни тўғрисида масъулият текширилаётган корхона раҳбари зиммасида бўлади.

Аудиторга нисбатан унинг ахлоқий даражасини белгиловчи муайян малакавий талаблар қўйилади.

Аудитор ўзининг касбий мажбуриятларини бажараётганда қуйидаги қоидалар ва ахлоқ талабларига амал қилиши лозим:

- 1) одоб-ахлоқнинг умумий меъёрларига;
- 2) аудиторлик стандартларининг талабларига;
- 3) қонунчилик билан амалга киритилган талабларга;
- 4) фирманинг ички аудиторлик стандартлари талабларига. Аудитор ўз ҳамкасблари билан хайрихоҳлик руҳида алоқалар ўрнатишга интилиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти миждоз билан ўзаро алоқа ўрнатганда, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги юзага келади.

Аудиторлик ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилши учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш;

аудиторлик текшируви ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил белгилаш; (ЎзР 13.12.2002 й. 447-П-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш;

аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

учиичи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектдан олиш;

ишончли аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган барча ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш;

аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга аудиторлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш.

Аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари. Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти билангина шуғулланиши мумкин ҳамда у:

аудиторлик фаолиятини амалга ошириётганида ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

аудиторлик текшируви ўтказилишга доир шартнома тузишдан олдин буюртмачининг талабига биноан аудиторлик фаолиятини ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни, аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини тақдим этиши;

хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларининг талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътирозлари асосланган қонун ҳужжатларининг нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

аудиторлик ҳисоботида молиявий-хўжалик операцияларининг қонунийлиги бузилиши фактларининг ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс эттириши;

хўжалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари зарар етказганлигини аниқ тасдиқлаб турган фактларни аниқлаган тақдирда бу ҳақда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига (мулкдорига) маълум қилиши ҳамда аудиторлик ҳисоботида тегишли қайдни киритиши шарт. Зарур ҳолларда аудиторлик текширувининг натижаларини маълум қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашчиларнинг (акциядорларнинг) умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши шарт.

Аудиторлик ташкилоти зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги. Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри яқундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт.

Ўз навбатида мижоз(хўжалик юритувчи субъект) нинг аудиторлик текшируви ўтказилаётгандаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам мавжуд.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект куйидаги ҳуқуқларга эгадир:

аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини олиш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш тартиби тўғрисида ҳамда аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни тўғрилаш ҳақида аудиторлардан маслаҳат ва тавсиялар олиш.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторга керакли шароитларни яратиб бериши, унга зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисобот тузиш қоидалари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш тартиби бузилишларини бартараф этиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъект ушбу қонунга мувофиқ амалга оширилаётган аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш ёки унга ҳалақит бериш мақсадларида у ёки бу ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этишга ҳақли эмас.

Хўжалик юритувчи субъект қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси. Аудиторлик текширувининг буюртмачиси аудиторлик текшируви ўтказилишини кўзғатувчи хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, шунингдек устав капиталида қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдордаги улушга эга қатнашчилар ва акциядорлар, назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси куйидаги ҳуқуқларга эга:

аудиторлик ташкилотини мустақил танлаш;

ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказилаётганда аудиторлик текширувининг йўналиши ва ҳажмини белгилаш;

аудиторнинг эътирозлари асосланган қонун ҳужжатларининг нормалари тўғрисидаги зарур ахборотни аудиторлик ташкилотидан олиш;

аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини олиш (ЎзР 13.12.2002 й. 447-П-сон Қонуни таҳриридаги хат боши).

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аудиторлик текширувининг буюртмачиси аудиторлик текширувини ўтказишга доир шартномага мувофиқ аудиторлик хизматларининг ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт.

1.4. Аудитда жиддийлик тушунчаси ва аудиторлик rischi. Аудиторлик текширувларини режалаштириш.

Аудиторлик текширувини режалаштираётганда жиддийлик (моддийлик, муҳимлик) ни белгилаш лозим. Жиддийлик аҳамиятсиз ҳисобланган, яъни фойдаланувчиларни хато фикрда бўлишига йўл қўймайдиган, молиявий ҳисобварақларда қайд этилиши мумкин бўлган нотўғри сумманинг энг кўп миқдоридир.

Аудитда жиддийликни аниқлаш 9-сон «Жиддийлик ва аудиторлик rischi» номли Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартида белгилаб берилган. Унга кўра, «Аудитда хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ишончилигига каттагина ҳажмда таъсир кўрсатадиган ҳолатлар жиддий ҳолатлар деб эътироф этилади.

Барча жиддий муносабатларда молиявий ҳисоботнинг ишончилиги деганда молиявий ҳисобот кўрсаткичлари аниқлигининг шундай даражаси тушуниладики, бунда ушбу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлади. Ахборотнинг жиддийлиги унинг хусусияти бўлиб, уни ана шундай ахборотдан оқилона фойдаланувчининг қарорларига таъсир кўрсатишга қодир қилади»²⁵.

Жиддийлик тушунчаси аудитга оид манбааларда умумий негизга асосланган ҳолда турлича таърифланган. Масалан, проф. М.М. Тулаходжаеванинг таърифига кўра «Ҳисоботдаги фойдаланувчиларни қарорлар қабул қилишда чалғитиши мумкин бўлган, оқибатда бефойда молиявий сарф-харажатлар, нобудгарчиликка ва зарарларга олиб келадиган хато ва тушириб қолдиришлар жиддий, муҳим (моддий) ҳисобланади»²⁶.

Умумий аудиторлик амалиётида жиддийлик чегараларини қуйидагича белгилаш қабул қилинган:

$$0 < Ж < 1 \text{ ёки (фоиз ҳисобида } 0 < Ж\% < 100)$$

Ушбу чегара оралиғидаги эҳтимоллик хўжалик субъектлари ҳисоботларининг ишончилигига таъсир кўрсатадиган хатолар мавжудлигини аниқлаш, тегишли аудиторлик қарорларини қабул қилиш учун ушбу хатоларни баҳолаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини ифодалайди. Бу жиддийликни сифат жиҳатдан тавсифлайдиган таркибий қисмдир. Жиддийликнинг миқдорий жиҳатини тавсифлайдиган таркибий қисми эса унинг маълум даражалари орқали ифодаланади.

«Муҳимлик тушунчаси деганда молиявий ҳисоботни бузишнинг энг юқори қиймати тушунилади, ундан бошлаб ана шу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишга қодир бўлмай қолади.

Муҳимлик даражасининг мутлақ қийматини аниқлашда аудитор хўжалик

²⁵ ЎЗР 9-сон «Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги» номли Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти.

²⁶ Michael C. Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

юритувчи субъектнинг аудит қилинадиган, бундан кейин молиявий ҳисоботнинг базавий кўрсаткичлари деб номланадиган ҳисоботи ишончлилигини тавсифлайдиган энг муҳим кўрсаткичларни асос сифатида қабул қилиши керак.

Аудитор:

аудиторлик русум-қоидаларининг табиати, вақти ва теранлигини белгилаш;

бузилишлар таъсирини баҳолаш пайтида муҳимликни кўриб чиқиши керак»²⁷.

Муҳимлик (моддийлик) ни баҳолаш аудиторнинг тажрибаси ва малакасига боғлиқдир ва корхона фаолиятининг ҳажми ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг ўзи томонидан ҳар бир мижоз учун белгиланади. Шунинг учун турли аудиторлар ва аудиторлик фирмалар ушбу муаммога мутлақо бошқача ёндошадилар.

Молиявий ҳисоботнинг айрим кўрсаткичлари етарли даражада аниқ бўлмаслиги мумкин. Лекин, бунинг асосида ҳисобот умуман ишончсиз ёки у ҳақиқий ҳолатни аниқ акс этмайди деган хулоса чиқариш мумкин эмас. Ноаниқликлар ҳисоб-китобларда йўл қўйилган хатолардан (масалан, эскириш суммаларини ҳисоблашда) ёки баҳолашдан (масалан, асосий воситаларнинг эскириш муддатлари, ишончсиз дебиторлик қарзлар) келиб чиқиши мумкин. Аммо, аудитор томонидан бундай ноаниқликлар топилганда, ҳисоботга тегишли тузатишлар киритилиши лозим. Лекин, мижоз томонидан ҳар доим дарҳол тузатишлар киритилмайди, тузатишлар умуман киритилмаслик ҳоллари ҳам учраб туради.

Кўпчилик ҳолларда аудиторлар бухгалтерия ҳисоботидаги ноаниқликларни ўтказиб юборадилар, масалан:

улар арзимас бўлиб молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар қарорларига таъсир қилмаса ва, бинобарин, муҳим ҳисобланмаса;

арзимас хатоларни аниқлаш ва уларни тўғрилаш учун сарфланадиган харажатлар юқори бўлса;

бунга сарфланган вақт бухгалтерия ҳисоботини чоп этилиши муддатини узайтириб юборса.

Шундай қилиб аудитор ҳисоб кўрсаткичлари мутлоқ аниқ ва бухгалтерия ҳисоби аниқ эмас деб фараз қиладилар.

Энг муҳим кўрсаткичлар сифатида қўйидагиларни олиш ва уларга нисбатан қўлланиладиган фоизларни тавсия сифатида белгилаш мумкин (3-жадвал).

Ушбу кўрсаткичларни батафсилроқ Р. Дўсмуратовнинг «Аудит асослари» номли дарслигида кўриб чиқиш мумкин.

Индуктив ёндашиш - ҳар бир модда учун алоҳида баҳо беришни тахмин қилади, ундан кейин баҳоларни бир бирига қўшиш йўли билан умумий моддийлик аниқланади. Лекин, бундай ёндошишни ўта эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим, зеро ҳисоботнинг қайсидир бир банди бўйича хато муҳим

²⁷ Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

бўлмаслиги, лекин бошқа бир банди бўйича – муҳим (моддий) бўлиши мумкин.

Муҳимлик (моддийлик) ни баҳолашда икки асосий ёндашиш қўлланилади – индуктив ва дедуктив. Дедуктив ёндашиш – молиявий ҳисоботнинг умумий моддийлиги аниқланишини тахмин қилади ва ундан кейин, ҳар бир ҳисобварақ бўйича иш ҳажмини аниқлаш учун, ҳисоботнинг алоҳида моддалари бўйича берилган баҳо тақсимланиб чиқилади.

3-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг асосий кўрсаткичлари бўйича жиддийлик даражасини ҳисоблаш

Асосий кўрсаткичлар	Асосий кўрсаткич қиймати (м.с.)	%	Жиддийлик даражасининг суммаси, (м.с)
Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан олинган тушум (2-шакл, 010-сатр)	723491,0	5	36175,0
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннари (2-шакл, 020-сатр)	177826,0	3	5335,0
Жами давр харажатлари (2-шакл, 040-сатр)	32833,0	3	985,0
Корхонанинг хусусий капитали (1-шакл, 460-сатр)	241567,0	10	4831,0
Балансинг умумий суммаси (1-шакл активдаги 380-сатр ёки пассивидаги 700-сатр)	135945,0	5	13595,0
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (1-шакл, 150-сатр)	322762,0	3	6455,0
Тақсимланмаган фойда	23819,0	2	476,0

Дедуктив ёндошишни қўллаш йўли билан алоҳида бандлар бўйича моддийликни баҳолаш суммаси, молиявий натижалар ҳисоботи, баланс ёки пул маблағларининг оқимлари учун йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдордан юқорироқ бўлиши ҳолатини бартараф этиш имконини беради.

Аудиторлик таваккалчилиги (риси)

Аудиторлик таваккалчилиги (риси) – бу аудиторлик текширувининг, миждознинг ички назорат тизимининг самарасизлиги, аудиторлар томонидан миждоз хатоларини аниқлай олмаслиги таваккалчилигини баҳолашдир.

Аудиторлик таваккалчилиги тушунчаси 9-сон АФМС да қуйидагича ифодаланган, Унга кўра, «Аудиторлик таваккалчилиги - аудитор томонидан субъектив равишда белгиланадиган, аудиторлик текшируви якунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончлилиги тасдиқланганидан кейин аниқланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олиши мумкинлигини эътироф этиш ёки аслида бундай бузилишлар молиявий ҳисоботда бўлмасда, унда жиддий

бузилишлар мавжудлигини эътироф этиш эҳтимолидир»²⁸.

Фараз қилайлик, агар аудитор салбий хулоса берса ёки хулоса беришдан воз кечса ўзини хавф-хатаргага қўймаслиги мумкин. Аммо бу нотўғри фикр, чунончи, аудитор учун бу ҳолда миждозларни йўқотиш хавфи вужудга келади. Бундан ташқари, аудитор ҳар қандай, ҳатто, миждоз-корхона молиявий ҳисоботини тўлиқ тасдиқлайдиган хулоса берганида ҳам, у шартнома мажбуриятлари билан боғлиқ хавф-хатарни ўз зиммасига олади. Аудиторлик фаолиятида учрайдиган бундай хавф-хатарлар йиғиндисини кейинчалаик аудиторлик рискларнинг мақбул тўплами дейиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай малакали ва пухта ўтказилган аудиторлик текшируви ҳам аудиторлик рискини тўлиқ бартараф эта олмайди. Шунинг учун аудиторлик амалиётида унинг мақбул чегараси 5% деб қабул қилинган. Яъни, аудиторлик ташкилоти томонидан берилган юзта аудиторлик хулосасидан бештаси мунозарали масалалар бўйича нотўғри хулосалар бўлиши мумкин. Бундай риск яъни, 5% миқдоридан нотўғри хулоса бериш эҳтимоли аудиторлик ташкилоти учун жиддий ҳисобланмайди ва унинг рақобатбардошлигини пасайтирмайди. Аксинча, бу кўрсаткич (5%) ни янада пасайтиришга уриниш беҳуда куч ва маблағ сарфлашга олиб келади ҳамда рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Миқдорий усул аудиторлик таваккалчилигининг кўп сонли моделларини миқдорий ҳисоблашни фараз қилади. Булар ичидан энг оддийси:

$$A_t = C_t \times N_t \times M_t,$$

бунда:

A_t – аудиторлик текшируви ўтказилгандан кейин молиявий ҳисоботда аниқланмай қолган моддий хатоларни мавжуд бўлишлигини қабул қилиш тахмини тўғрисида аудиторнинг фикрини акс этувчи аудиторлик текшируви самарасизлиги таваккалчилиги (аудиторлик таваккалчилиги);

C_t – компания хусусиятлари билан боғлиқ бўлган таваккалчилик (соф таваккалчилик), яъни: ички назорат тизими самарадорлигини кўриб чиқишдан олдин, ҳисоботда белгиланган миқдордан юқори бўлган хатолар мавжуд бўлишлиги тахмини;

N_t – миждознинг ички (ички хўжалик) назорат тизими билан боғлиқ бўлган таваккалчилик;

M_t – тестлар ўтказиш муолажалари самарасизлиги билан боғлиқ бўлган таваккалчилик (муолажа таваккалчилиги) – тестлар ўтказиш жараёнида, аудитор учун қабул қилиниши мумкин бўлган миқдордан юқори хатоларни аниқланмай қолиниши тахмини.

Умумий аудиторлик амалиётида аудиторлик рискларининг мақбул тўпламига қуйидагича ёндашув ишлаб чиқилган ва улар инглиз тилидаги бош ҳарфлари бўйича қуйидаги формула кўринишида ифодаланган:

$$DAR = IR \times CR \times DR$$

²⁸ Michael C. Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.

DAR (Desired audit risk) – аудиторлик рискларининг мақбул тўплами;
IR (Internal risk) – ичкихўжаликриски;
CR (Control risk) – назоратриски;
DR (Direction risk) – аниқланмасликриски.

Хулоса қилиб айтганда, жиддийлик ва риск даражасини баҳолаш аудиторлик текширувини муҳим босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг малакали амалга оширилиши нафақат сифат аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси тузиш, балки аудиторлик ташкилоти каби, миждоз-ташкilotнинг ҳам барқарор ривожланишига замин яратади.

Корхонада **ички назорат тизимини** (ИНТ) баҳолаш мақсадлари – корхонанинг жорий хўжалик ишларини тартибга солиш ва самарадорлик билан амалга оширишдир: раҳбариятнинг молиявий-хўжалик сиёсати талабларини бажариш, корхона активларини сақлаш, ҳужжатлар, яъни маълумотлар тўлиқ ва аниқ даражада бўлишлигини таъминлаш.

Ички хўжалик назорат ишончилигини баҳолаш, назорат муолажалари хўжалик операцияларини ҳисобга олиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатолар ва камчиликларни олдини олиш, аниқлаш ва тўғрилашга қаратилган бўлиши лозим. Баҳолаш муолажаларини етти хил йўналишлар бўйича амалга ошириш тавсия этилади: ҳақиқийлик, тўлиқлик, рухсат берилиши, аниқлилик, табақалаштириш, ҳисоб, даврлаштириш. Назоратнинг муайян объектларини аудит қилиш жараёнида ички назорат ва ҳисоб тизимини бевосита баҳолашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик операцияларнинг ҳақиқийлиги қайд қилинган операциялар ҳақиқатдан ҳам ҳужжатлардаги кўрсаткичлар билан тасдиқланганлигини билдиради.

Тўлиқлилик – барча амалга оширилган хўжалик операциялар бухгалтерия ҳисобида акс этилган, бирортаси ҳам қолиб кетмаганлигини ифодалайди.

Рухсат берилиши – иқтисодий субъектнинг ҳисоб сиёсати бўйича ҳисобга олинишдан олдин барча операциялар тегишли рухсатномага эга эканлигини курсатади.

Аниқлилик – бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ва регистрларидаги барча кўрсатилган суммалар тегишли равишда ҳисобланганлигини кўрсатади.

Табақалаштириш – барча операциялар тегишли ҳисобварақларда тўғри акс этилганлигини ифодалайди.

Ҳисоб – тегишли операциялар бўйича ҳисоб жараёни тугалланганлиги ва ҳисоб умумий қабул қилинган стандартларга жавоб беришлигини аниқлатади.

Даврлаштириш – барча операциялар улар содир этилган давр расмийлаштирилганлиги ҳамда бухгалтерия ҳисобининг тегишли даврида акс этилганлигини кўрсатади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимига текширувнинг тегишли йўналишлари бўйича барча тизим ёки назоратнинг алоҳида воситалари ишончилигига баҳо бериш ёки аудиторлик экспертизасини режалаштиришга таъсир кўрсатувчи қарорларни қабул қилиш, тегишли далилларга

асосланганлигини кўрсатган ҳолда, аудиторлик ташкилоти томонидан ҳужжатлаштирилиши лозим.

Аудитда эксперт хизматидан фойдаланиш

Аудиторлик фаолиятига оид турли хизматларни кўрсатиш даврида текширилаётган корхоналар хусусиятлари, баъзан, фаолиятнинг муайян доираларида махсус билимларга эга бўлишликни талаб қилади. Тушунарлики, аудитор корхона ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятининг барча томонларини малакали текшириши ёки маълум жиҳатларини баҳолаш имкониятига эга эмас. Ушбу сабабларга кўра жиддий муаммолар ва аҳамиятли хатолар очилмасдан ва аниқланмасдан қолиши мумкин. Шу боис, аудиторлар ва аудиторлик фирмалар аудиторлик текширувини ўтказишга бошқа мутахассисларни, яъни экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт – бу бухгалтерия ҳисоби ва аудитдан бошқа бўлган жавҳада билимлар, кўникмалар ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассисдир. Эксперт қуйидаги масалалар бўйича гувоҳномалар ёки хулосалар тақдим этиши мумкин:

асосий воситаларни баҳолаш;

узоқ муддатли контрактлар бўйича бажарилган ишларни баҳолаш;

товар-моддий бойликларни, шу жумладан, улар миқдори ва таркибларини баҳолаш;

фойдали қазилмалар захираларини тоқ-кончилик нуқтаи назаридан аниқлаш ва уларни тавсифлаш;

тузилган шартномалар, амалдаги қонунчилик ва йўриқномалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

ошқоравий муносазаралар ва суд жараёнлари натижалари тўғрисида ҳуқуқий нуқтаи назаридан фикр билдириш.

Барча ушбу ишлар турини бажариш учун қуйидаги мутахассислар жалб этилиши мумкин:

актуарийлар (суғурта бўйича мутахассислар);

кўчмас мол-мулкни баҳоловчилар;

ҳуқуқшунослар;

геологлар;

муҳандислар;

агрономлар;

зоотехниклар;

ветеринар тиббий ходимлари.

Мутахассисларнинг юқорида қайд этилган рўйхати текширувнинг аниқ шароитларига кўра кенгайтирилиши мумкин.

Аудиторлик текшируви билан боғлиқ бўлган ёки текширув натижалари бўйича аудитор билан бир қаторда масъулиятли бўлиш учун, билимнинг қайсидир бир тор жавҳаси бўйича ҳаққоний маълумотлар олиш мақсадида эксперт хизматларидан фойдаланилади. Аудиторлик текшируви вақтида экспертлар сифатида жисмоний шахслар билан бир қаторда, юридик шахслар ҳам жалб қилинишлари мумкин. Эксперт тегишли малакага эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларга (жисмоний шахс учун) ва мазкур фаолият билан

шуўулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат томонидан берилган махсус рухсатномага эга бўлиши (юримдик шахс учун) лозим.

Аудиторлик текширувига экспертларни жалб қилиш ва уларни ишлари натижаларидан фойдаланиш тартиби 16-сон АФМС да белгилаб берилган. Унда, «Эксперт сифатида аудиторлик ташкилоти юримдик шахс ҳисобланган ихтисослаштирилган ташкилот ишидан фойдаланиши мумкин.

Аудит ўтказаетганда аудиторлик ташкилоти баҳоловчи, муҳандис, геолог, технолог ва бошқа эксперт ишидан фойдаланиши мумкин.

Аудит ўтказишда эксперт ишидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорни аудиторлик ташкилоти тадқиқ қилинадиган ҳолатлар характери ва мураккаблигидан, уларнинг муҳимлилик даражасидан, шунингдек бошқа аудиторлик русум-қоидаларининг ушбу ҳолатларга нисбатан мақсадга мувофиқлиги, мумкинлиги ва ишончлилигидан келиб чиқиб қабул қилади.

Аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш чоғида ишидан фойдаланадиган эксперт қуйидагиларга эга бўлиши шарт:

1. Тегишли ҳужжатлар (диплом, лицензия ва ҳоказолар) билан тасдиқланган тегишли малака.

2. Хулоса тузишни аудиторлик ташкилоти кўзда тутаётган соҳада тегишли мулоҳазалар, тавсиялар, маълумотномалар ва ҳоказолар билан тасдиқланган тегишли тажриба ва обрўга эга бўлиш.

Қуйидаги ҳолларда аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш чоғида эксперт ишидан фойдаланмаслиги керак:

1. Агар эксперт-жисмоний шахс унга нисбатан аудит ўтказаетган хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ёки устун турувчи муассиси ёхуд раҳбари бўлса ёки кўрсатилган шахслар билан яқин қариндош ёки қуда-анда ёки бошқа мансабдор шахси бўлса ёхуд унга доир аудиторлик ташкилоти аудит ўтказаетган хўжалик юритувчи субъектнинг штатдаги ходими бўлса.

2. Агар эксперт-юримдик шахс унга доир аудиторлик ташкилоти аудит ўтказаетган хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ёки устун турувчи муассиси (иштирокчиси), кредитор, сугурталовчиси бўлса ёхуд хўжалик юритувчи субъект эксперт-юримдик шахсининг асосий ёки устун турувчи муассиси (иштирокчиси) ҳисобланса.

Агар эксперт тайинланганидан кейин юқорида кўрсатилган ҳолатлар юзага келса ёки маълум бўлиб қолса, аудиторлик ташкилоти эксперт хулосасининг объективлиги тасдиғини таъминлайдиган қўшимча аудиторлик русум-қоидаларини амалга ошириши ёки бошқа экспертни тайинлаши керак.

Эксперт хизматларини кўрсатиш шартномасида умум қабул қилинган шартлардан ташқари қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

1. Иш мақсади ва ҳажми.

2. Муайян масаладир тавсифи.

3. Агар талаб этилса, хўжалик юритувчи субъект билан экспертнинг ўзаро муносабатлари тавсифи.

4. Хўжалик юритувчи субъект ахборотининг сир тутилиши.

5. Эксперт ўз ишида амалга ошириш ниятида бўлган тахминлар ва усуллар ҳақидаги ҳамда уларнинг аудиторлик ташкилоти эксперт ишидан фойдаланган

олдинги даврлардаги тахминлар ва усулларга мувофиқлиги хусусидаги маълумотлар.

6. Эксперт хулосасининг шакли ва мазмуни.

Эксперт ўз иши натижаларини ёзма шаклдаги хулоса (ҳисобот, ҳисоб-китоб ва ҳоказолар) кўринишида тақдим этади.

Эксперт хулосаси етарлича тўла ва батафсил бўлиши керак, токи улар билан танишган тажрибали аудитор ёки бошқа эксперт улар билан танишиб, эксперт томонидан ўтказилган иш тўғрисида тасаввурга эга бўла олсин. Хусусан, эксперт хулосасида қуйидагилар акс этирилиши керак:

1. Уни аудит қилишда эксперт ўз ишини бажарган хўжалик юритувчи субъектнинг номи.

2. Ўтказилган иш объекти ва эксперт масъулиятининг чегараси.

3. Қўлланган иш усуллари, шу жумладан, уларнинг аввалги даврларда фойдаланилган усулларга мувофиқлиги.

4. Ўтказилган иш билан боғлиқ ҳар қандай ҳал этилмайдиган жиддий шубҳалар.

5. Ўтказилган иш натижалари.

Эксперт хулосаси уч қисмдан: кириш, тадқиқ этиш ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши керак.

Эксперт хулосасига киритилган маълумотлар равшан ва шундай тарзда ифодаланиши керакки, токи уларнинг мазмуни ва шакли шубҳадан холи бўлсин ҳамда турли тўлқинлар қилиш имконияти бўлмасин.

Эксперт хулосаси қоғозда, машинкада ёки аудиторлик ташкилоти билан келишилган бошқа воситада, улардаги маълумотлар сақланишини таъминлаган ҳолда тайёрланиши керак, улар аудиторлик ташкилоти иш ҳужжатларининг архивда сақланиши учун белгиланган муддат давомида сақланиши шарт.

Эксперт хулосасида қуйидаги мажбурий реквизитлар бўлиши шарт:

1. Ҳужжатнинг номи.

2. Ҳужжат санаси.

3. Экспертнинг ўз имзоси ва унинг расшифровкаси. Эксперт-юримдик шахс хулосаси унинг муҳри билан тасдиқланиши шарт.

Эксперт ўз хулосасини камида икки нусхада тайёрлайди, улардан бири аудиторлик ташкилоти аудит ўтказётган хўжалик юритувчи субъектга, иккинчиси аудиторлик ташкилотига тақдим этилади.

Эксперт иши натижалари аудиторлик ташкилоти томонидан қуйидагиларга нисбатан кўриб чиқилиши керак:

1. Эксперт хулосаси асосланадиган ахборот.

2. Эксперт томонидан ўз хулосасини тайёрлашда фойдаланилган тахминлар ва усуллар, шу жумладан, уларнинг олдинги даврларда фойдаланилган тахминлар ва усулларга мувофиқлиги.

3. Ўтказилган аудитнинг умумий натижалари.

Агар аудиторлик ташкилоти томонидан эксперт иши натижалари кўриб чиқилаётганда эксперт хулосаси билан хўжалик юритувчи субъект ахбороти (ҳужжатлари) ўртасида жиддий номувофиқликлар аниқланса ёки аудиторлик ташкилоти эксперт иши натижалари асосланмаган деб ҳисобласа, аудиторлик

ташкilotи эксперт хулосасининг асосланганлигини текширишни таъминлайдиган кўшимча аудиторлик русум-қоидаларини бажариши ёки бошқа экспертни тайинлаши керак.

Эксперт хулосаси аудиторлик ташкilotининг иш хужжатларига киритилиши керак.

Агар истисно ҳолда эксперт оғзаки тушунтиришлар берса, бундай тушунтиришларни аудиторлик ташкilotи ўзининг иш хужжатларида акс эттириши шарт.

Аудиторлик хулосасида аудитни ўтказишда аудиторлик ташкilotи эксперт иши ва эксперт хулосасидан фойдалангани тўғрисида кўрсатмалар бўлмаслиги шарт.

Эксперт хулосасини олиш мумкин бўлмаган, бирор-бир текширилган ҳолатларни баҳолашда экспертнинг ўзига жиддий ишончсизлиги, шунингдек хўжалик юритувчи субъект билан эксперт ёки аудиторлик ташкilotи билан эксперт ўртасида ҳал этилмаган келишмовчиликлар мавжуд бўлган ҳолларда аудиторлик ташкilotи ўтказилган аудит натижалари бўйича, шубҳасиз, ижобий хулосадан фарқ қиладиган аудиторлик хулосасини тайёрлаш масаласини кўриб чиқиши мумкин.

Аудит ўтказиш чоғида эксперт ишидан фойдаланиш, шу жумладан, бундай ишда аудиторлик хулосасига ҳавола этиш аудиторлик хулосасини тайёрлаган аудиторлик ташкilotи зиммасидан хулоса учун жавобгарликни соқит қилмайди» деб баён қилинган.

Аудиторлик текширувларини режалаштириш.

Одатда аудиторлик текшируви ҳар доим маълум бир муддат билан чекланади (ўртача 2-3 ҳафта). ушбу чекланишлар оқибатида қуввати бўйича йирик ва ҳатто ўрта бўлган корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳар доим ҳам ёппасига текширишни амалга ошириш имкони бўлмайди. Шунинг учун, ҳар бир иқтисодий субъектнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда текширув стратегиясини танлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу қуйидагиларни назарда тутати:

- мижоз фаолияти тўғрисида тўпланган маълумотни кўриб чиқиш;
- таваккалчилик ва ички назорат самарадорлигини олдиндан баҳолаш;
- операцияларни алоҳида гуруҳлар бўйича текширувнинг батафсиллиги, моҳияти ва давомийлигини аниқлаш.

Аудиторлик текширувининг стратегияси энг оқилона йўлларни танлаш асосида ушбу текширувнинг мақсадларига эришиш, аудиторнинг тажрибаси, малакаси, аудиторлик фирма ва мижознинг узоқ муддатли ҳамкорлигига, яъни: мижознинг хусусиятларини қай даражада билиши, аудит жараёнида ечиладиган масалалар тавсифи ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Аудиторлик текширувининг стратегияси аудитор томонидан ёзма равишда тузилган режа шаклида бўлиши лозим ва унинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- 1) тестларнинг ҳажми, тури ва кераклилигини олдиндан белгилаб олиш;
- 2) улар ўтказилиши муносабати билан чиқимларни баҳолаш;

3) текширув бошлангунга қадар барча асосий масалалар бўйича миждоз билан ўзаро ҳамфикрликка эришиш;

4) мазкур миждозда аудиторлик текшируви ўтказиш асосланганлиги ва унинг сифати тўғрисида исботларга эга бўлиш.

Режалаштиришдан олдин қуйидаги босқичлар мавжуд: режалаштиришдан олдинги тайёргарлик; корхона тўғрисида умумий маълумот олиш (фаолият, алоқалар хусусиятлари, ҳуқуқий мажбуриятлари ва бошқалар); моддийликни баҳолаш; аудиторлик таваккалчилигини баҳолаш; ички назорат тизими ва унинг самарасизлик таваккалчилигини баҳолаш.

Кўпчилик аудиторлик фирмалар миждознинг тармоқ хусусиятларига мослашган текширув режасига оид ўзларининг ички стандартларини ишлаб чиқадилар.

Одатда режалаштириш қуйидагилардан иборат:

жадвалларни ишлаб чиқиш;

аудиторлик текширувининг муддатларини белгилаш ва уни миждоз билан муҳокама қилиш;

ижрочи гуруҳ аъзоларига йўриқнома бериш;

фирма ичидаги қуйи бўлимлар билан алоқалар ўрнатилишини ташкил этиш;

миждоз билан аудит стратегияси ва унга тайёргарлик кўришни муҳокама қилиш.

Режалаштириш аудит ўтказишнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, аудит ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг умумий режасини ишлаб чиқишдан, шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида холис ва асосли фикр шакллантирилиши учун звурр бўлган аудиторлик русум-қоидаларини амалга ошириш ҳажми, турлари ва изчиллигини белгилайдиган аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Аудитни режалаштиришни аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишнинг умумий қоидаларига, шунингдек қуйидаги хусусий қоидаларга мувофиқ ўтказиши керак, яъни:

Режалаштиришнинг комплекслиги;

Режалаштиришнинг узлуксизлиги;

Режалаштиришнинг мақбуллиги.

Аудитни режалаштиришнинг комплекслиги қоидаси бирламчи режалаштиришдан бошлаб аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузишга қадар режалаштириш барча босқичларининг ўзаро боғланган ва уйғун бўлиши таъминланишини тақозо этади.

Аудитни режалаштиришнинг узлуксизлиги қоидаси аудиторлар гуруҳига ўзаро боғланган топшириқларни белгилаш ва режалаштириш босқичларини муддатлар ҳамда хўжалик юритувчи турдош субъектлар (алоҳида балансга ажратилган таркибий бўлинмалар, филиаллар, ваколатхоналар, шуъба жамиятлар) бўйича балансда ўз ифодасини топади. Аудит узоқ вақт даврига режалаштирилганда хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик кузатуви бир

йил давомида амалга оширилса, аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни ва оралик аудиторлик текширувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда аудитни ўтказиш режа дастурларига ўз вақтида тузатишларни киритиши керак бўлади.

Аудитни режалаштиришнинг мақбуллиги қоидаси шундан иборатки, режалаштириш жараёнида аудиторлик ташкилоти аудиторлик ташкилотининг ўзи белгилаган мезонлар асосида аудит умумий режаси ва дастурининг мақбул вариантини танлаш имконияти учун режалаштиришнинг вариантлилигини таъминлаши керак.

Аудитни режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилоти қуйидаги асосий босқичларни ажратиши керак:

Дастлабки режалаштириш;

Аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;

Аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш

Аудитни дастлабки режалаштириш мазмуни. Аудитни самарали режалаштириш учун аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан аудитни ўтказиш билан боғлиқ асосий ташкилий масалаларни келишиб олиши керак.

Дастлабки режалаштириш босқичида аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти билан танишиши ва қуйидагилар тўғрисида ахборотга эга бўлиши шарт:

Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, умуман, мамлакат (минтақа) даги ва иқтисодий вазиятни ва унинг тармоқ хусусиятларини акс эттирадиган ташқи омиллар ҳақида;

Хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, унинг индивидуал хусусиятлари билан боғланган ички омиллар ҳақида.

Аудитор қуйидагилар билан ҳам танишиши керак:

а) хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий-бошқарув тузилиши;

б) ишлаб чиқариш фаолияти турлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси;

в) капитал таркиби ва акциялар курси (хўжалик юритувчи субъект акциялари котировкаланиши керак бўлган ҳолда);

г) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чекланиши хусусиятлари;

д) рентабеллик даражаси;

е) хўжалик юритувчи субъектнинг асосий харидорлари ва таъминотчилари;

ж) ташкилот тасарруфида қоладиган фойдани тақсимлаш тартиби;

з) шубҳа ва тобе ташкилотлар мавжудлиги;

и) хўжалик юритувчи субъект томонидан ташкил этилган ички назорат тизими;

к) ходимлар меҳнатида ҳақ тўлашни шакллантириш қоидалари.

аудитор учун қуйидагилар хўжалик юритувчи субъект тўғрисида ахборот олиш учун манбаҳисобланаши керак:

хўжалик юритувчи субъект устави;

хўжалик юритувчи субъектнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

кузатув ва (ёки) ижроия органлари акциядорлар йиғилишларининг ёхуд

хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа шу сингари бошқарув органлари мажлислари баённомалари;

хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини ва унга ўзгартиришлар киритишни тартибга солувчи ҳужжатлар;

бухгалтерия ҳисоботлари;

статистика ҳисоботлари;

хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш ҳужжатлари (режалар, сметалар, лойиҳалар);

хўжалик юритувчи субъектнинг контрактлари, шартномалари, битимлари;

аудитор маслаҳатчиларининг ички ҳисоботлари;

ички фирма йўриқномалари;

солиқ текширувлари материаллари;

суд даъволари материаллари;

хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилишларини тартибга соладиган ҳужжатлар, унинг филиаллари ва шуъба жамиятлари рўйхати;

хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва ижрочи ходимлари билан суҳбатлардан олинган маълумотлар;

хўжалик юритувчи субъектни, унинг асосий участкалари, омборларини кўздан кечиришда олинган ахборот.

Дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш имкониятини баҳолайди. Агар аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишни мумкин деб ҳисобласа, у аудитни ўтказиш учун штатни шакллантиришга ўтади.

Аудиторлар гуруҳига кирадиган мутахассислар таркибини режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилоти қуйидагиларни ҳисобга олиши шарт:

аудитнинг ҳар бир босқичи: тайёргарлик, асосий ва якунлаш босқичи иш вақти бюджетини;

гуруҳ ишининг тахмин қилинаётган муддатларини;

гуруҳнинг миқдорий таркибини;

гуруҳ аъзоларининг мансаб даражасини;

гуруҳ ходимларининг ворислигини;

гуруҳ аъзоларининг малака даражасини.

Қуйида режалаштирилишдан олдинги бўлган босқичлар кўриб чиқилади.

Корхона тўғрисида умумий маълумот олиш. Ушбу босқичда аудитор мижоз билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал этиши керак. Мижоз қайси сабабларга кўра аудитор хизматига мурожаат қилаётганлигини аниқлаши, текширув ўтказиш учун ходимлар жадвалини шакллантириши, мижоз билан шартнома тузиши лозим.

Мижоз билан олдиндан танишиш жараёнида аудитор қуйидагиларни баҳоланади:

1) мижознинг молиявий барқарорлиги;

2) иқтисодий муҳитда мижознинг мавқеи;

3) агар мижоз олдинги аудитордан маълумот олишга рухсат бермаса ёки олдинги аудитор маълумот беришдан бош тортса, мижознинг бундан олдинги

аудиторлик фирмаси билан муносабатлари.

Аудитор ҳуқуқшунослар, бошқа аудиторлик фирмалар, тадбиркорлар ва бошқалар томонидан тақдим этилган маълумотдан фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, мижоз билан бир неча йиллардан буён ҳамкорлик қилаётган фирмалар келажакда ҳамкорликни давом эттириш эҳтимолини баҳолашлари мумкин. Мунозарали масалалар ҳамкорликнинг бекор қилинишига олиб келиши мумкин. Келишилмовчиликлар суд орқали кўрилганда, мустақиллиги йўқотилиши сабабли, аудитор мижоз билан ишни давом эттириши мумкин эмас.

Корхона тўғрисида умумий маълумот кейинчалик ҳисобот ишончилиги тўғрисида асосланган хулоса тайёрлаш учун керак бўлади. Хусусан, корхонанинг тармоқ ва фаолиятининг ўзига хос бўлган хусусиятларини, унинг ташкилий тузилишини аниқлаш, ташқи, молиявий ва бошқа алоқаларини текшириш, ҳуқуқий мажбуриятлари билан танишиш лозим.

Корхона тўғрисида асосий маълумот манбаси қуйидагилардир:

1) бошқарув ходимлари билан муҳокамалар ўтказиш, “биринчи қўлдан” маълумот олиш имконини яратиш мақсадида ҳисоб юритиш билан боғлиқ бўлмаган юқори бўғин раҳбарияти ва ижрочи ходимлар билан учрашиш.

2) активлар мавжудлигига ва бут сақланаётганлигига ишонч ҳосил қилиш, ишлаб чиқариш ишлари ва жараёни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мақсадида, асосий бўлимларда, ишлаб чиқариш устахоналарида, омборларда бўлиш ва уларни кўриш чиқиш.

1) ташқи ва ички ҳисоботлар ва чоп этилган ҳужжатлар. Иш бўйича нашрлар ва газеталар, тармоқ бўйича тахлилий ҳисоботлар, асосий рақобатчилар ва тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан солиштиришлар, давлат ва солиқ идораларининг ушбу корхонага тааллуқли бўлган тегишли ҳужжатлари ташқи ҳужжатлар ҳисобланади. Молиявий ҳисоботлар, ҳар ойлик молиявий маълумот, директорлар Кенгаши, дирекция бошқаруви, акциядорлар кенгашларининг баённомалари, аудиторлар ва маслаҳатчиларнинг ички ҳисоботлари, фирма ичидаги муолажалар ва ҳисоб сиёсатга оид йўриқномалар ички ҳисоботлар ва чоп этилган ҳужжатлар ҳи собланади.

2) Турли жавҳалар бўйича корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисида маълумот олиш, турли бўғин раҳбарларнинг жавобгарлиги ва ҳуқуқлари даражасини билиш олиш корхона сиёсатини тушуниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мижоз-корхона фаолияти билан танишишнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Умумий иқтисодий омиллар.

Мижознинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи ва аудитор ўз эътиборини қаратиши лозим бўлган умумиқтисодий омиллар сирасига қуйидагилар киради:

- қайта молиялаш ставкалари;
- муомаладаги пул миқдори;
- хорижий валютанинг алмашув курси;
- халқаро келишувлар;

- қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар;
- фаолиятнинг умумий шартлари - вақтинчалик қийинчиликлар, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, инфляция.

2. Иқтисодиёт тармоғи.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ўрганиши жараёнида аудитор хўжалик юритувчи субъект тармоғида юзага келадиган, шу жумладан, қуйидаги шароитлар ҳақида хабардор этилиши лозим:

- тармоқнинг ўсиши ва молиявий натижалари тўғрисида;
- тармоқ маҳсулотлари ва унинг рақобатбардошлилигига оид бозор талаби тўғрисида;
- юқори технологиялар, янги русумларнинг ўзгартирилиши таъсирига оид бизнес таваккалчилиги тўғрисида;
- тармоқдаги ишлаб чиқариш ва унинг ташқи омилларга боғлиқлигининг циклли ва мавсумий характери тўғрисида;
- тармоқнинг иқтисодий ҳолати, сермеҳнатлиги, капитал ҳажми ҳақида;
- тармоқдаги меҳнат шарт-шароитлари ҳақида;
- тармоқнинг рентабеллиги, тармоқдаги нархлар - таркиби ва истеъмолчиларнинг нархларнинг ўзгаришига бўлган муносабатлари, тармоқдаги технологиялар ҳолати тўғрисида;
- тармоқ маҳсулотларига бўлган талабнинг тушиб кетиши, кутилаётганларининг ўзгариб кетиши, нархлардаги рақобат ҳақида;
- тармоқнинг молиявий ва статистика кўрсаткичлари ва ҳоказолар тўғрисида.

Кўшимча равишда аудитор тармоқ, бош жамият раҳбарияти ҳақида маълумотлар эълон қилиниши, шунингдек, оммавий ахборот воситаларидан тармоқдаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ахборот олиши мумкин.

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти.

3.1. Муҳим тавсифлар - бошқарув, мулк:

- мулк тури - хусусий, давлат мулки;
- мулк эгалари ёки уларга алоқадор шахслар манфаатлари;
- капитал таркиби, шу жумладан, режадаги ўзгаришлар;
- ташкилий таркиб;
- стратегик режалаштириш, раҳбарият кутаётган натижалар;
- молиялаш ресурслари ва усуллари.

Умумий раҳбарлик:

- ишбилармонлик обрў-нуфузи ва иш тажрибаси;
- ташқи назорат қилувчи органлардан мустақиллик;
- йигилишларнинг ўтказилиши муддатлари;
- жамоада ишлаш тажрибаси;
- касб маслаҳатчиларини ўзгартириш.

Жорий раҳбарлик:

- иш тажрибаси ва обрў-нуфуз;
- мослашувчанлик;
- энг муҳим молия ходимлари ва уларнинг бошқаришдаги мақоми;
- бухгалтерия департаменти ходимлари;

- ходимларни тақдирлашларнинг усуллари ва турлари;
- режалар ва бюджетдан фойдаланиш;
- раҳбариятнинг ахборот тизими.

Ички аудит функциялари:

- ички назорат тизимининг ҳолати.

3.2. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти - маҳсулот, бозор, етказиб берувчилар, харажатлар, операциялар:

- фаолият тури;
- жойлашиш ўрни;
- ходимлар билан ишлаш сиёсати, талаб, ҳақ тўлаш даражаси, контрактлар, мажбуриятлар;

- чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматлар тури:

- ишлаб чиқариш циклини ўрганиш ва: буюртманинг бажарилиши бошланишини, материаллар; ишлаб чиқариш динамикаси, ишлаб чиқаришни ниҳоясига етказиш, тайёр маҳсулотни сақлашни ташкил қилишга, маҳсулотни истеъмолчига жўнатишга оид буюртманоманинг тузилишини белгилаш;

- товарлар ва хизматларнинг ишончли етказиб берувчиларини ўрганиш;
- тадқиқотлар ва ривожлантириш;
- активлар ва мажбуриятлар ҳолати;
- юридик ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилишнинг ҳолати;
- раҳбарлик қилишнинг жорий ва режали ахборот тизими.

4. Молиявий ҳолат - хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига таъсир қилувчи омиллар:

- ҳисобнинг ҳолати;
- молиявий ва статистика кўрсаткичлари;
- ривожланиш тамойили.

5. Ҳисоботга оид талаблар - молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши чоғида таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи омиллар.

6. Қонунчилик:

- мунтазам русум-қоидалар ва зарур талаблар;
- аудит талаби;
- солиққа тортишлар;
- молиявий ҳисоботдан фойдаланиш.

7. Юқорида санаб ўтилган ахборотни олиш учун аудитор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

8. Аввалги аудитор билан алоқа боғлаш;

8.2. Ўтган йилнинг йил охирига бўлган молиявий ҳисоботини ва жорий йилнинг оралиқ молиявий ҳисоботини ўрганиш;

8.3. Бошқа инстанцияларга юборилган хўжалик юритувчи субъект ҳисоботларини ўрганиш;

8.4. Хўжалик юритувчи субъектнинг маъмурий идорасига бориш, бу жараёнда аудитор қуйидаги русум-қоидаларни амалга ошириши лозим:

а) раҳбар таркиб ходимлари билан молия масалалари бўйича учрашиш ва улардан маълумотлар олиш ёки ўзи қуйидагиларни аниқлаши;

- аудит учун жавоб берувчи ҳар бир раҳбар, маъмурият аъзосининг

лавозим мажбуриятлари;

- ташкилий тузилма чизмаси;

- барча бўлимлар, товар омборлари ва корхоналарнинг жойлашган жойи ва нисбий муҳимлиги;

б) хўжалик юритувчи субъект маҳсулотнинг характери ва турлари тўғрисидаги, ишлаб чиқариш усуллари ва унинг жойлаштирилиши, ички бошқариш таркиби тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи ички фармойишлар ёки маърузаномани олиш;

в) ҳисобварақлар режаси, хўжалик юритувчи субъектнинг операцияларини молиялаш усуллари, узоқ муддатли қарзлар реестри, хизмат кўрсатувчи банкларнинг номлари билан, банк билан мижоз ўртасида маълум бир суммага оид қарзларнинг берилиши, бошқа банк хизматлари тўғрисидаги келишувлар билан танишиб чиқиш;

г) акциядорлик компанияларига нисбатан олганда аудитор қуйидаги маълумотлар: исм-шарифи, манзили, сертификатлари сони, олинган акциялари сони, акциядорнинг компаниядаги функцияси ёритилган акциялар эгаларининг рўйхатини олиши лозим:

д) қуйидагилар ҳақида ахборот олиши:

- харид қилиш шароитлари ҳақида (тўловлар шартлари, чет элдан харид қилишлар учун аккредитив хатларидан фойдаланиладими-йўқми);

- сотиш шароитлари ҳақида (тўлов шартлари, чет элдан харид қилишлар учун аккредитив хатларидан фойдаланиладими-йўқми);

- амалий муносабатларда бўлган қатнашчилар ўртасидаги операциялар ҳақида;

- сотиб олиш ва сотиш, ссудалар, таннархдан паст бўлган (ишлаб чиқаришни ташкил қилиш соҳасида, юридик ва маъмурий хизматлар) хизматлардан фойдаланиш ёки уларни кўрсатиш;

е) мижоз иқтисодий томондан боғлиқ бўлган барча мижозлар ва етказиб берувчилар, филиаллари ва шуъба корхоналар реестрини олиш;

ж) олдиндан тузилган бухгалтерия баланси тўғрисидаги маълумотларни олиш;

з) бухгалтерия ҳисобварақлари "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ юритилаётгани ёки йўқлигини аниқлаган ҳолда бошлангич бухгалтерия ёзувларини рўйхатга олиш журналлари ва Бош дафтар билан танишиб чиқиш;

и) мижознинг олдиндан тайёрланадиган бухгалтерия баланси, реестрлар, ёзувларнинг тўғриланиши ва қўшимча ёзувлар, инвентарлаш бўйича йўриқномалар, молиявий ҳисоботларнинг тайёрлиги учун жавобгарлилик даражасини аниқлаш;

к) аудитни ўтказишнинг навбатдаги жадвалини тақдим этиш, мавжуд моддий бойликларни инвентарлаш, нақд пулларни ва қимматли қозғоларни ҳисоб-китоб қилиш муддатлари тўғрисида келишиб олиш;

н) мижознинг қуйидаги белгиланган шакллар намуналари ва ҳужжатларини етказиб беришларга оид талабномалар, сотишга оид буюртмалар, сотилган материалларга оид ҳисобварақ-фактуралар, ишлаб

чиқаришга оид буюртмалар, тилхатлар, чеклар, тўлов қайдномалари, сотишлар ва кредитлар тўғрисида ҳисоботлар, сотиб олишлар ва кредит тўғрисида ҳисоботларни олиш;

м) аудитор ишлайдиган иш жойини ўрганиб чиқиш.

8.5. Аудитор бош корхонага бориши ва бу вақтда:

а) раҳбар билан амалий учрашув ўтказиши;

б) ишлаб чиқариш циклини ўрганиши ва: буюртмани бажаришнинг бошланиши, материалларга оид буюртманомаларнинг тузилиши, ишлаб чиқариш динамикаси, ишлаб чиқаришнинг тугалланганлиги, тайёр маҳсулотни сақлашни ташкил қилиш, маҳсулотнинг истеъмолчига жўнатилишини белгилаб олиши;

в) маҳсулот ҳаракатининг ҳужжатлар асосидаги тасдиқномасини олиши;

г) корхона ва ускуналарнинг ҳолатига эътиборни қаратиши;

д) материал омборларига бориши ва: инвентарь қайдномаси ҳолатини, товар-моддий бойликлар ва келиб тушаётган материаллар ҳисобини, инвентарлаш далолатномаларини текшириб кўриши лозим.

9. Хўжалик юритувчи субъект муқим бўлиб ҳисобланган ҳолларда:

унинг иқтисодий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни қуйидагилардан олиш мумкин:

а) хўжалик юритувчи субъектнинг доимий ҳужжатларидан;

б) олдинги йилга оид ишчи ҳужжатлардан;

в) олдинги йилда аудиторлик текширишини ўтказган аудиторлар гуруҳи маълумотларидан;

г) жорий йил учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий сметаларидан;

д) жорий йил учун хўжалик юритувчи субъектнинг оралиқ молиявий ҳисоботлари;

е) бир йил мобайнида хўжалик юритувчи субъектга нисбатан касбга оид мажбуриятларини бажариб келган аудиторлик гуруҳининг ахборотидан олиниши мумкин. Бундан мажбуриятларга оралиқ молиявий ҳисоботларни текшириш, солиққа тортишни режалаштириш, бошқаришни оқилона йўлга қўйиш бўйича хизматлар, хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан суҳбатлашишлар кирди.

Аудитнинг умумий режаси ва дастурини тайёрлаш. Аудитнинг дастури аудит режасининг ривожланиши ҳисобланиб текширувнинг ҳар бир аниқ бўлими учун керакли бўлган аудиторлик муолажалар рўйхатидан иборатдир. Аудиторлик дастурлар қуйидаги икки турда бўлади:

1) корхона ички назорат тизими тўғрисида маълумот тўплаш учун муолажалардан таркиб топган назорат тестлари дастури;

2) бевосита ҳисобварақлардаги қолдиқлар тўғрисида маълумот тўплаш учун муолажалардан таркиб топган ҳисобварақлардаги қолдиқларни текшириш дастури.

Аудиторлик дастури қуйидаги омиллардан таркиб топган:

1) аудиторларнинг ишлаш жадвали.

Жадвал аудиторлик хулосасини тайёрлаш учун текширув даврида

тўпланган материаллар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва тақдим этиш чегараланган муддатларини белгилайди. Жадвални тузиш пайтида, фойда олишни таъминлаш мақсадида, олишга мўлжалланган ҳақнинг ҳисобга олган ҳолда ва унинг доирасида, текширувнинг алоҳида турлари ва бўлимларини текшириш учун сафланадиган вақт масаласи ҳал этилади;

2) батафсил муолажалар.

Аудит дастури ёзма равишда тайёрланади. Дастурла аудиторлик текшируви режасини амалга ошириш учун керакли бўлган барча муолажалар ҳамда текширувнинг ҳар бир бўлими бўйича мақсад ва вазифалар муфассал ёритилади;

3) аудит бўйича ишни назорат қилиш.

Дастурда текширувга юборилган аудиторлик гуруҳининг барча аъзолари улар зиммасига қўйилган талабларни билишлиги назарда тутилади. У бир вақтнинг ўзида аудиторлик гуруҳдаги кичик аудиторлар ва ассистентлар топшириқларни қай даражада бажараётганлигини назорат қилувчи асосий ҳужжат ҳисобланади;

4) ходимлар.

Дастурда аудиторлик текширувини ўтказиш учун керакли бўлган ходимлар сони, улар ишининг ҳажми ва мазмуни белгиланади.

Одатда аудитни асосий аудитор, аудитор ёрдамчилари ва ассистентларидан иборат гуруҳ амалга оширади.

Молиявий ҳисобот моддалари тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида миқдорий хатолар ва камчиликларни текшириш учун операциялар тестлари ишлаб чиқилади.

Ушбу тестларни ўтказишда қуйидагилар аниқланади:

- операцияларни амалга ошириш учун тегишли рухсатнома мавжудлиги;
- журналлар ва таҳлилий ҳисоб дафтарларида ўтказмалар тўғри берилганлиги ва натижалар тўғри жамланганлиги;
- Бош китобга маълумот тўғри кўчирилганлиги.

Аудит умумий режаси ва дастурини ишлаб чиқишга киришаркан, аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект тўғрисидаги дастлабки билимларга, шунингдек, ўтказилган таҳлилий русум-қоидаларнинг натижаларига асосланиши керак.

Таҳлилий русум-қоидаларни ўтказиш ёрдамида аудиторлик ташкилоти аудит учун аҳамиятли бўлган соҳаларни аниқлаши керак.

Таҳлилий русум-қоидаларнинг мураккаблиги, ҳажми ва ўтказиш муддатларини аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект молия ҳисоботи маълумотларининг ҳажми ва мураккаблигига қараб ўзгартириши керак бўлади.

Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш жараёнида аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектда амал қилаётган ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолайди ва ички назорат тизими хатарини (назорат хатарини) баҳолашни амалга оширади. Агар ички назорат тизими нотўғри ахборот пайдо бўлгани тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирса, шунингдек, нотўғри ахборотни аниқласа, уни самарадор деб ҳисоблаш мумкин. Ички

назорат тизимининг самарадорлигини баҳоларкан, аудиторлик ташкилоти аудиторлик исбот-далилларининг етарли миқдорини тўплаши шарт. Агар аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботнинг ишончилиги хусусида етарли даражада ишонч ҳосил қилиш учун ички нazorат тизими ва бухгалтерия ҳисоби тизимигаасосланишга қарор қилса, у бўлғуси аудит ҳажмини тегишли тарзда тузатиши керак бўлади.

Аудит умумий режаси ва дастурини тайёрлаш пайтида аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботни ишончли деб ҳисоблаш имконини берадиган жиддийлик ва аудиторлик хатарининг унинг учун мақбул даражасини белгилаши керак.

Аудиторлик хатарини режалаштираркан, аудиторлик ташкилоти, хўжалик юритувчи субъект аудитидан қатъи назар, ушбу ҳисоботга хос бўлган молиявий ҳисоботнинг ажралмас хатари ва нazorат хатарини белгилайди. Белгиланган хатарлар ва жиддийлик даражаси ёрдамида аудиторлик ташкилоти аудит учун аҳамиятли соҳаларни аниқлайди ва зарур аудиторлик русум-қоидаларини режалаштиради. Аудит жараёнида режалаштириш пайтида белгиланган аудиторлик хатари ва жиддийлик даражасининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузаркан, аудиторлик ташкилоти ҳисоб ахборотида ишлов бериш даражасини инобатга олиши керак, бу ҳам аудиторлик ташкилотига аудиторлик русум-қоидаларининг ҳажми ва тусини аниқроқ белгилаш имконини беради.

Аудиторлик ташкилоти, агар буни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, текширилаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан аудит умумий режаси ва дастурининг айрим қоидаларини келишиб олиши мумкин. Бунда аудиторлик ташкилоти умумий режа ва дастурда акс эттирилган усулларни танлашда мустақил ҳисобланади, лекин ўз ишининг натижалари учун мазкур умумий режа ва мазкур дастурга мувофиқ тўлиқ масъулият ҳис этади.

Аудиторлик ташкилоти бажараётган русум-қоидаларнинг натижаларини умумий режа ва дастурни тайёрлаш пайтида батафсил ҳужжатлаштириш керак, чунки мазкур натижалар аудитни режалаштириш учун асос ҳисобланади ва бутун аудит жараёни давомида ишлатилиши мумкин.

Аудитнинг умумий режасини тузиш. Умумий режа аудит дастурини амалга оширишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши керак.

Аудит жараёнида аудиторлик ташкилотидида умумий режанинг айрим қоидаларини қайта кўриш учун асослар пайдо бўлиши мумкин. Режага киритилаётган ўзгартишларни, шунингдек, ўзгартишлар сабабларини аудитор батафсил ҳужжатлаштириши керак.

Умумий режада аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш муддатларини назарда тутиши ва аудитни ўтказиш муддатларини, ҳисобот (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосасини тузишни назарда тутиши шарт. Вақт сарфини режалаштириш жараёнида аудитор қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

Ҳақиқий харажатлар;

Бундан олдинги даврда (такрорий аудит ўтказилган тақдирда) вақт сарфи

ҳисоб-китоби ва унинг жорий ҳисоб-китоб билан алоқаси;

Жиддийлик даражаси;

Аудиторлик хатарларининг амалга оширилган баҳолари.

Умумий режада аудиторлик ташкилоти дастлабки таҳлил натижалари асосида аудитни ўтказиш усулини белгилайди, ички назорат тизимининг ишончилигини, аудит хатарларини баҳолайди. Танлаб аудит ўтказишга қарор қилинган тақдирда аудитор аудиторлик танламасини "Аудиторлик танламаси" аудит стандартсига мувофиқ шакллантиради.

Бошқарувни ва бажарилаётган аудит сифатини назорат қилишни режалаштиришга доир қоидалар умумий режанинг таркибий қисми ҳисобланади. Умумий режада қуйидагиларни назарда тутиш тавсия қилинади:

Аудиторлик гуруҳини, аудитни ўтказишга жалб этиладиган аудиторлар миқдори ва малакасини шакллантириш;

Уларнинг касбий хислатлари ва мансаб даражаларига мувофиқ аудиторларни аниқ аудит участкалари бўйлаб тақсимлаш;

Команданинг барча аъзоларига уларнинг вазифалари хусусида йўл-йўриқ бериш, уларни хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек, аудит умумий режаси қоидалари билан таништириш;

Раҳбарнинг режа бажарилиши ва аудитор ассистентлари ишининг сифати, улар томонидан иш ҳужжатлари юритилиши ва аудит натижалари тегишлича расмийлаштирилишини назорат қилиши;

Аудиторлик гуруҳи раҳбарининг аудиторлик русум-қоидаларини амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ услубий масалаларини тушунтириши;

Муайян фактни баҳолашда аудиторлик гуруҳи раҳбари билан унинг оддий аъзоси ўртасида ихтилофлар пайдо бўлганда аудиторлик гуруҳи аъзоси (ижрочи)нинг алоҳида фикрини ҳужжатли расмийлаштириш.

Аудиторлик ташкилоти умумий режада ички аудит ролини, шунингдек аудит ўтказиш жараёнига экспортларни жалб этиш заруратини белгилайди.

Аудит умумий режасининг намунавий мазмуни 5.1-жадвалда келтирилган.

5.1-жадвал

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИНГ РЕЖАСИ

Текширилаётган ташкилот: «Файз» ОАЖ ХК

Аудит даври 1.03 – 25.03. 2015 й.

Киши-соатлар сони: 3

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Абдуллаев О.К.

Аудиторлик гуруҳи таркиби: Ахмедов К., Эргашев И.

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари - 2%

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси – 5%

N	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изоҳлар
1	Молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби	10.03-	Ахмедов	

	регистрлар кўрсаткичлари бир бирига мувофиқлигини текшириш	11.03	К	
2	Бухгалтерия баланси тўғри тузилганлигини текшириш	10.03-11.03	Ахмедов К	
3	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тўғри тузилганлигини текшириш	10.03-11.03	Ахмедов К	
4	Бошқа шаклдаги ҳисоботлар тўғри тузилганлигини текшириш	10.03-11.03	Ахмедов К	

Имзолар: _____ Аудиторлик ташкилоти раҳбари
 _____ Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Аудитнинг дастурини тузиш. Аудит дастури аудит умумий режасини ривожлантириш ҳисобланади ва аудит режасини амалда рўёбга чиқариш учун зарур бўлган аудиторлик русум-қоидалари мазмунининг батафсил рўйхатини ўз ичига олади. Дастур аудитор ассистентлари учун батафсил йўриқнома бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари учун иш сифатини назорат қилиш воситаси ҳисобланади.

Аудитор аудит дастурини ҳужжатли расмийлаштириши, ҳар бир бажариладиган аудиторлик русум-қоидасини рақам ёки код билан белгилаши керак, токи аудитор иш жараёнида ўзининг иш ҳужжатларида уларга ҳавола қилиш имкониятига эга бўлсин.

Аудиторлик дастурини назорат воситалари тестлари дастури кўринишида ва моҳиятига кўра аудиторлик русум-қоидалари дастури кўринишида тузиш керак.

Назорат воситалари тестлари дастури ички назорат ва ҳисоб тизимининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш учун мўлжалланган ҳаракатлар мажмуининг рўйхатидан иборат. Назорат воситалари тестларининг мақсади шундан иборатки, улар хўжалик юритувчи субъект назорат воситаларининг жиддий камчиликларини аниқлашда ёрдам беради.

Моҳиятига кўра аудиторлик русум-қоидалари ўз ичига бухгалтерия ҳисобида ҳисобварақлар бўйича оборотлар ва сальдо тўғри акс эттирилганлигини батафсил текширишни олади. Моҳиятига кўра аудиторлик русум-қоидалари дастури ана шундай аниқ батафсил текширишлар учун аудитор ҳаракатлари рўйхатидан иборат бўлади. Моҳиятига кўра русум-қоидалар учун аудитор бухгалтерия ҳисобининг айна қандай бўлимларини текширишини белгилаши ва бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир бўлими бўйича аудит дастурини тузиши керак бўлади.

Аудитни ўтказиш шартлари ва аудиторлик русум-қоидалари натижаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда аудит дастури қайта кўриб чиқилиши мумкин. Ўзгаришларнинг сабаблари ва натижалари ҳужжатлаштирилиши керак.

Аудиторлик дастурининг ҳар бир бўлими бўйича аудиторнинг иш ҳужжатларида расман акс эттирилган хулосалари аудиторлик ҳисоботи

(хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик хулосасини тузиш учун факт материали, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг холис фикрини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Аудит дастурининг намунавий мазмуни 5.2-жадвалда келтирилган.

5.2-жадвал

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИНИНГ ДАСТУРИ

Текширилаётган ташкилот: «Файз» ОАЖ ХК

Аудит даври 1.03 – 25.03. 2015 й.

Киши-соатлар сони: 3

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Абдуллаев О.К.

Аудиторлик гуруҳи таркиби: Ахмедов К., Эргашев И.

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари - 2%

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси – 5%

N	Аудит бўлимлари буйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изоҳлар
1	Молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби регистрлар кўрсаткичлари бир бирига мувофиқлигини текшириш	10.03-11.03	Ахмедов К		
1.1	Молиявий ҳисобот ишончилигини таъминловчи омил сифатида бухгалтерия ҳисоби счетларидаги ёзувлар асосланганлигини текшириш				
1.2	Ҳисоб регистрлари тўғри тузилганлигини текшириш				
1.3	Корхона молиявий ҳисоботини ўрганиш ва у белгиланган муддатларда тақдим этилишини текшириш				
1.4	Таҳлилий ҳисоб кўрсаткичларини Бош китоб ва баланс моддаларидаги кўрсаткичлар билан солиштириш				
2	Бухгалтерия баланси тўғри тузилганлигини текшириш				
2.1	Балансдаги кўрсаткичлар тўғри акс				

	эйтирилганлигини текшириш				
2.2	Балансда узоқ муддатли активлар қолдиқлари тўғри тузилганлигини текшириш				
2.3	Балансда жорий активлар қолдиқлари тўғри тузилганлигини текшириш				
2.4	Балансда ўз маблағлари манбалари тўғри тузилганлигини текшириш				
2.5	Балансда мажбуриятлар тўғри акс эйтирилганлигини текшириш				

Имзолар: _____ Аудиторлик ташкилоти раҳбари
 _____ Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Аудитни режалаштириш жараёни тугаганидан сўнг аудит умумий режаси ва дастури ҳужжатни расмийлаштирилиши ва уларга белгиланган тартибда виза қўйилиши керак.

1.5. Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси.

Керакли бўлган муолажалар амалга оширилгандан кейин аудитор аудит дастурининг барча бандлари қай даражада тўлиқ ва сифатли бажарилганлиги ҳамда дастурнинг ўзи моддий хатолар ва камчиликларни аниқлаш тарикасида ўринлилигини белгилайди. Бундан ташқари, аудитор ҳисоботда молиявий маълумот тўғри ёритилганлигини кўриб чиқади.

Текширувнинг ушбу босқичида аудитор аудит ўтказиш вақтида қўйилган асосий саволларга раҳбарият жавоблари ҳамда корхона раҳбариятининг молиявий ҳисоботга киритилган маълумотлар тўғри тақдим этилганлигини тан олаётганлиги ҳақида хат лойихасини (корхона раҳбарияти томонидан ёзилган) тайёрлаши мумкин. Бундай хат мижоз томонидан имзоланиши лозим. Агар мижоз ушбу хатни имзолашдан бош тортса, аудитор хатоларнинг моддийлигини аниқлаш мақсадида уларнинг умумий суммасини аниқлаши лозим. Айрим ҳолларда хатонинг ҳақиқий миқдори аниқ бўлмайди, шунинг учун, аудитор унинг эҳтимолий миқдори ва моддийлигини баҳолаши керак.

Аудиторлик текширувининг якунида, албатта, ассистентлар томонидан бажарилган муолажалар сифатини текшириш ҳамда текширув аудиторлик фаолиятига оид белгиланган стандартларга жавоб беришлигига ишонч ҳосил қилиш ва текширув жараёнида аудиторда холис бўлмаган муносабат вужудга келишини олдини олиш мақсадида, барча ишчи ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш лозим.

Аудитор ҳисоботнинг алоҳида бандлари ёки бандлар гуруҳи тўғрисида аудиторлик маълумотини тўплагандан кейин қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ҳисоботни умумий текширувини ўтказиши лозим:

1) операциялар натижалари, молиявий ҳолат ва молиявий ҳисоботдаги

бошқа маълумот ва корхона тўғрисида аудиторнинг билимлари бир бирига мувофиқлиги;

2) керакли маълумот етарли даражада ёритилганлиги ва молиявий ҳисоботда маълумотлар тўғри табақалаштирилганлиги ва тақдим этилганлиги;

3) молиявий ҳисобот корхона ташкил этилишига ва фаолиятига тааллуқли бўлган амалдаги қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг барча талабларига мувофиқлиги;

4) бошқа келтирилган тестлар натижалари ва молиявий ҳисоботни умумий текширувидан келиб чиқиб, аудитор ушбу ҳисобот тўғрисида ўз фикрини шакллантира олиши.

Аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини шакллантириш аудит режаси ва дастурининг барча бўлимлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади.

Аудит натижаларини баҳолаш ишлари асосан қуйдагиларни ўз ичига олади:

- ишчи ҳужжатларни шарҳлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;
- аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;
- аудиторлик далилларнинг етарлилигини баҳолаш;
- фаолият кўрсатаётган корхона принципи билан боғлиқ омилларни баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;
- ҳисобот тузилгандан сўнг содир бўлган ходисаларни баҳолаш;
- текширув натижалари бўйича аудиторнинг мижоз – корхона раҳбариятига тақдим қилаётган ёзма ахборотни тузиш;
- аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш.

Аудиторлик текширув ўтказиш чоғида асосан текширув текширлаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрларида ва ҳисоботларида акс этирилаётган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмини ва ҳисоб китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайди.

Таъкидлаш жоизки, текширув натижалари ва хўжалик юритувчи субъекти мутахассисларнинг ҳисо – китобларнинг баҳолашида аудиторлар маълум даражада профессионал ихтиёткорликка риоя қилишлари зарур.

Аудитор қуйдаги ҳоллардаги каби, катта номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатларни объектив баҳолаши зарур:

- хўжалик юритувчи субъекти ходимларига маълум бўлган, аммо аудитор томонидан очилмаган хатоларни аниқлаш фактлари;
- текширув учун зарур бўлган, аудиторга ўз вақтида тақдим қилинмаган дастлабки ҳужжатлар маълумотларга доир хўжалик муомалалари;
- мутахассисларнинг ҳисоб – китоблардаги номувофиқликлар;
- инвентаризация натижасида аниқланиб, далолатнома ва таққослаш ведомостлари билан расмийлаштирилган, лекин етарли даражада таҳлил қилинмаган ва тузатилмаган катта тафовутлар;

- катта тафовутларнинг тадиқланмаганлиги ва аудитор сўровларига кутилган жавоблар олинмаганлиги;

- текширув учун танлаб олинган, зарур дастлабки ҳужжатлар ёки тегишли рухсат этувчи кўрсатмалар тақдим қилинмаган хўжалик муомалалари.

Аудитор тўплаган далиллар етарлигини баҳолашда ушбу ҳолатлар аниқланган босқични (режалаштириш, аудит ўтказиш) ҳисобга олиш керак. Шунингдек, катта хатолар хатарини дастлабки баҳолаш ва батафсил текшириш режалари ҳам эътиборга олинishi лозим.

Агар бундай ҳолатлар режалаштириш босқичида аниқланган ва ҳисобга олинган бўлса, унда аудитор тўпланган далилларининг етарлилигига ва режалаштирилган ҳамда қўшимча аудиторлик амалларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериш зарур.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичларини ўтказиш натижалари аудит ўтказишдан қўйилган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаган ҳолда аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд қилиниши лозим. Масалан, аудит ўтказиш дастурининг “Дебитор ва кредитор қарзларини текшириш” бўлими бўйича ўтказилган аудит натижаларини баҳолашда қуйдаги аудиторлик амалларини таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ:

Кейинги пул киримлари ва тегишли счётлар қолдиқларидан тўланган тўловларга доир дастлабки ҳужжатларни текшириш. Аудиторлар одатда бухгалтерия баланси тузилгандан кейинги то аудит ўтказилган охириги кунга қадар амалга оширилган тўловларни ҳам текширади. Бу текширув натижалари ҳисоб маълумотларининг ишончилигини жорий мажбуриятларини балансида акс эттиришнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан баҳолашга имкон беради. Ушбу амалларни бажариш натижасида жорий мажбуриятлар тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирилганлиги тўғрисида олинган далиллар, бухгалтерия ҳисоботи тузилганидан сўнг тўланган қарзларга нисбатан етарли даражада деб баҳоланиши мумкин. Шундан сўнг аудитор тўлови тасдиқланган ва тасдиқланмаган қарзлар суммаларининг катта – кичкиналигини баҳолайди.

Счётларни бухгалтерия ҳисоботи тузилганидан сўнг тайёрланган моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари билан, ҳисоб маълумотлари бўйича қолдиқлар билан солиштириш. Бухгалтерия ҳисоботи тузилган кундан олдин олинган барча счётлар (етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун) жорий даврдаги ҳисобда ва шу давр учун тузилган ҳисоботлар акс эттирилиши керак. Шунинг учун бухгалтерия баланси тузилган санасидан сўнг тайёрланган материаллар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ва счётлардаги саналар мулклар ва мажбуриятларнинг балансида тўғри акс эттирилганлигини текшириш мақсада таққослаши мақсадига мувофиқ.

Мавжуд қолдиқларни счёт – фактуралар маълумотлари, моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари ва тўлов ҳужжатлари билан солиштириш. Агар дебитор ва кредитор қарзларининг миқдори хўжалик юритувчи субъекти молиявий аҳволи учун сезиларли даражада бўлса, аудиторлар ҳисобга олишнинг тўғрилиги ва аниқлигини текшириш, шунингдек, ҳисоб маълумотлари бўйича мажбуриятларни ошириб кўрсатилмаганлигини аниқлашлари лозим.

Аудиторлик ҳисоботи ва уни тузиш тартиби. Амалга оширилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тайёрлаши лозим. Бошқа турдаги аудиторлик хизматлари кўрсатилганда ҳам аудиторлик ҳисоботи тайёрланиши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш тартиби 70-сон "Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси" номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандартида белгиланган.

Стандартнинг мақсади - бу амалга оширилган аудиторлик текшируви натижаларига кўра аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тайёрлашга оид ягона тартибни ўрнатишдир.

Стандартнинг талаблари, аудиторлик текширувини ўтказишда ва хўжалик юритувчи субъектга аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тақдим этишда барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурийдир.

Аудиторлик ҳисоботи - хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат ҳужжат.

Аудиторлик ҳисоботи қуйидагилардан иборат:

- номи ("Аудиторлик ҳисоботи" ёки "Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи": иккала ном ҳам бир кучга эга);
- йўлланилаётган мижоз номи;
- кириш қисми;
- таҳлилий қисм;
- якуний қисм.

Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик текширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) томонидан аудиторлик ҳисоботининг ҳар бир саҳифаси имзоланиши лозим.

Аудиторлик ҳисоботи, буюртмачининг барча керакли бўлган реквизитлари қайд этилган ҳолда, аудиторлик текшируви буюртмачисига юборилади.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилоти реквизитлари, шу жумладан, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг рақами ва берилган санаси, аудиторлик текширувида иштирок этган аудиторлар ва бошқа шахслар тўғрисида маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи келтирилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми АФМС га ҳавола қилиниши ва унда қуйидагилар бўлиши шарт:

- хўжалик юритувчи субъект ички назорат ҳолатининг текширув натижалари (батафсил баёни);
- бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисоботнинг текширув натижалари;

-молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунчилик талабларига риоя этилишининг текширув натижалари;

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлигининг текширув натижалари;

-активлар бутлигининг текширув натижалари.

Хўжалик юритувчи субъект ички назорат тизими ҳолатининг текширув натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими унинг фаолият миқёслари ва хусусиятига мувофиқлигининг умумий баҳоси;

-аудиторлик текшируви вақтида хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими унинг фаолият миқёслари ва хусусиятига оид аниқланган жиддий номувофиқликлари тўғрисида ёритиш.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва молиявий ҳисобот текшируви натижалари тўғрисидаги маълумот қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашда белгиланган тартибга риоя қилинишини баҳолаш;

-аудиторлик текшируви вақтида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашда белгиланган тартибининг жиддий бузишларга оид ёритиш.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан молиявий-хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

-аудиторлик текшируви вақтида аниқланган хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий-хўжалик операциялар амалдаги қонунчиликка жиддий номувофиқларининг баёни.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тўғрилигининг текширув натижалари тўғрисидаги ахборот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоблар тўғри тузилганлиги ва тегишли идораларга тақдим этилганлигини баҳолаш;

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича белгиланган тартибни бузиш ҳолатлари, солиққа тортиш базасини аниқлашдаги четга чиқишлар баёни.

Активлар бутлигини текшириш натижалари инвентарлашга асосланиши ва ўз ичига уларнинг ҳақиқатдан ҳам мавжудлиги ва бутлиги тўғрисидаги маълумотлардан таркиб топиши керак.

Аудиторлик ҳисоботининг яқунловчи қисми аниқланган камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш бўйича аудиторлик ташкилотининг тавсияларидан ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлар ва маслаҳатлардан иборат бўлиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти тайёрланган аудиторлик ҳисоботи бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисоботидаги маълумот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмаслиги керак. Ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ушбу ахборотни ошкор этганлиги учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Аудиторлик хулосаси ва уни тузиш тартиби. Аудиторлик хулоса - молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги (тўғрилиги) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат.

Аудиторлик хулосаси қуйидаги элементлардан таркиб топади:

- номи ("Аудиторлик хулосаси" ёки "Аудиторлик ташкилотининг хулосаси": иккала ном тэнг ҳуқуқли);
- мижознинг номи;
- кириш қисми;
- асосий мазмунини қайд этиш қисми;
- якуний қисми;
- аудиторлик хулосаси тақдим этилган сана;
- аудиторлик ташкилоти манзили;
- аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти раҳбарининг имзолари.

Аудиторлик хулосаси буюртмачининг барча керакли бўлган реквизитлари кўрсатилган ва аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланган ҳолда аудиторлик текширувининг буюртмачисига йўлланиши лозим.

Аудиторлик хулосасининг кириш қисми аудиторлик ташкилотининг қуйидаги реквизитларидан иборат:

- аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқий манзили ва телефон рақами;
- аудиторлик текширувини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия рақами, берилган сана ва ушбу лицензияни берган идора номи;
- аудиторлик ташкилоти давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг рақами;
- аудиторлик ташкилоти ҳисоб-китоб ҳисобварағининг рақами;
- аудиторлик текширувида иштирок этган аудитор (аудиторлар) ҳамда аудиторлик ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи.

Кириш қисмида сана ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда текширилган молиявий ҳисоботлар рўйхати келтирилиши керак.

Кириш қисмида қуйидагилар акс этилиши лозим:

- хўжалик юритувчи субъект аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний бўлиши учун жавобгарлиги;
- аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулоса хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига мувофиқ бўлиши учун жавобгарлиги.

Аудиторлик хулосасининг асосий мазмунини қайд этиш қисмида

аудиторлик текшируви АФМС га мувофиқ амалга оширилганлиги кўрсатилади.

Асосий мазмунини қайд этиш қисмида аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот амалдаги қонунчиликка, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашга асосланганлигини кўрсатиш керак.

Асосий мазмунини қайд этиш қисмида аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар бериши хусусида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи берилиши лозим.

Аудиторлик хулосасининг якуний қисмида аудиторлик ташкилотининг текширилган молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ҳаққоний тасаввур бериши ёки бермаслиги, молиявий ҳисобот амалдаги қонунчилигига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги хусусидаги фикри равшан баён этилиши керак.

Аудитор аудиторлик хулосасини аудиторлик текшируви якунланган кун билан белгилаши керак.

Аудитор аудиторлик хулосасига хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти молиявий ҳисоботни имзолаган ёки тасдиқлаган кундан олдинги санани қўйиши мумкин эмас.

Аудиторлик хулосасига аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилоти раҳбари имзо чекиши ва у аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Аудиторлик хулосаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- ижобий аудиторлик хулосаси;
- салбий аудиторлик хулосаси.

Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ҳаққоний ёритади ва хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ деган фикрга келганда ижобий аудиторлик хулосаси тайёрлаши мумкин. Ижобий аудиторлик хулосасининг намунаси 8.1-жадвалда келтирилган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида хатолар бўлса, улар хўжалик юритувчи субъект томонидан бартараф этилмаса, молиявий ҳисоботда фойдаланувчини чалғитиши мумкин бўлган бузилишлар мавжуд деган фикрга келса аудиторлик ташкилоти салбий аудиторлик хулосасини тузади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялар молиявий ҳисоботда ҳаққоний акс этирилган, лекин амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолатларда ҳам салбий аудиторлик хулосаси тузилади.

Одатда, салбий аудиторлик хулосасини тайёрланишининг сабаби, аниқланган хатоларни бартараф этиш мақсадида аудиторлик ташкилотининг молиявий ҳисоботга тузатишлар киритиш лозим деган фикрига хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти розилик бермаслигидир. Салбий аудиторлик хулосасининг намунаси 8.2-жадвалда келтирилган.

Агар аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган хатолар хўжалик юритувчи субъект томонидан бартараф этилса салбий аудиторлик хулосаси

тузилмайди.

Аудиторлик текшируви ҳажмининг чекланганлиги туфайли, аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисобот ҳолати тўғрисида фикрини ифодалаш учун етарлича аудиторлик исботларини олиши мумкин бўлмаса, аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиши мумкин.

Аудиторлик текшируви ҳажмини чеклаш - хўжалик юритувчи субъект вакиллари ёки учинчи шахсларнинг бошлаб юборилган аудиторлик текширувини аудитор аудиторлик хулосаси тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблаган ҳажмда ўтказишга тўсқинлик қилишга йўналтирилган очикдан-очик ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларидир.

Аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиш ариза шаклида бўлиши ва "Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиши тўғрисидаги ариза" деб номланиши лозим. Аризанинг шакли 8.3-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ижобий аудиторлик хулосасининг намунаси

Мен (биз), _____

(аудиторлик ташкилоти номи ва унинг реквизитлари)

аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудиторлари) _____

_____ томонидан

(аудиторларнинг фамилияси, исми, шарифи)

_____ (хўжалик юритувчи субъект номи)

хўжалик юритувчи субъектнинг 200 ____ йил 1 январдан 31 декабрга қадар бўлган давр учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМС га мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимизни тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг амалдаги қонунчилигига, шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томондан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект _____

_____ нинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс этади ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:

200_ йил " _ " _____
м.ў.

2-жадвал

Салбий аудиторлик хулосасининг намунаси

Мен (биз), _____

(аудиторлик ташкилоти номи ва унинг реквизитлари)

аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудиторлари) _____
_____ томонидан

(аудиторларнинг фамилияси, исми, шарифи)

(хўжалик юритувчи субъект, номи)

хўжалик юритувчи субъектнинг 200 __ йил 1 январдан 31 декабрга
қадар бўлган давр учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг
тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг
раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун
жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМС га мувофиқ ўтказдик. Ушбу
стандартлар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга
эга эканлигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо
этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда
бошқа молиявий ахборотнинг амалдаги қонунчиликка, шунингдек, молиявий-
хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга
асосланади. Биз томондан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш
учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Текширувда аниқланишича хўжалик юритувчи субъект _____
млн.сўмни харажатларга ноқонуний равишда киритган, бу эса, амалдаги
қонунчиликни бузиш ҳисобланади ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини
бузади.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект _____
_____ НИНГ

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

молиявий ҳисоботи унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари
тўғрисида ҳаққоний ахборот бермайди.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:

_____ (фамилияси, исми, шарифи)

_____ (имзо)

Аудитор (аудиторлар):

_____ (фамилияси, исми, шарифи)

_____ (имзо)

_____ 200 _____ йил " _____ "

2-мавзу: Активлар аудити.

Режа:

1. Узоқ муддатли активлар аудити.
2. Жорий активлар аудити.

Калитли сўзлар. Узоқ муддатли активлар, аудитни ўтказиш кетма-кетлиги, аудитда фойдаланиладиган маълумот манбалари, асосий воситалар аудити, асосий воситалар, асосий воситалар эскириши, асосий воситалар қабул қилиниши, дастлабки қиймат, қолдиқ қиймат, асосий воситалар чиқиб кетиши, асосий воситаларни таъмирлаш, таъмирлаш харажатлари. Номоддий активлар аудити. Патент, лицензия, ноу-хау, франшиза, компьютер дастурлари, савдо маркаси, саноат дизайни, гудвилл, номоддий активлар амортизацияси. Жорий активлар аудитини ташкил этиш, аудитни ўтказиш кетма-кетлиги, жорий активлар аудитида фойдаланиладиган маълумот манбалари, товар-моддий заҳиралар аудити, ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари аудити, пул маблағлари, пул эквивалентлари, пул оқимлари.

2.1. Узоқ муддатли активлар аудити.

Асосий воситалар аудити Аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари. Асосий воситалар аудитининг бош мақсади – корхона эгалигида бўлган, корхона фаолиятида бир йилдан ортиқ фойдаланиладиган ва қайта сотиш учун мўлжалланмаган моддий ва номоддий активлар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмалари тўғри ҳисобланганига ва баланс, ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда БҲМС талабларига мос акс эттирилганига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

Асосий воситалар бўйича аудит текширувини ўтказиш жараёнида аудиторнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

1. асосий воситалар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблашга нисбатан самарали ички назорат тизимининг ташкил этилганлигини текшириш ва унинг сифатини баҳолаш;
2. бухгалтерия тизими маълумотлари ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилган асосий воситалар ва ҳақиқатдан ҳам мавжуд ва улар бўйича ҳисоблашишлар ҳақиқатдан ҳам рўй берганлигига ишонч ҳосил қилиш;
3. асосий воситаларнинг барчаси тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш;
4. асосий воситалар ҳаракати ва улар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблашда арифметик амаллар тўғри бажарилганлигини ўрганиш;
5. баланс ҳисоботида асосий воситалар ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини баҳолаш;
6. баланс ҳисоботида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғри гуруҳлаштирилганлигига ва агар зарурат бўлса, улар бўйича зарурий қўшимча

маълумотлар иловаларда тўлиқ ва тўғри келтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Асосий воситалар аудитининг асосий вазифаларига мувофиқ текширувни етти йўналишга ажратиш мумкин:

- 1) асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити;
- 2) асосий воситалар ҳаракатининг аудити;
- 3) асосий воситалар бўйича эскириш тўғри ҳисобланганлигининг аудити;
- 4) асосий воситалар қабул қилиниши бўйича операцияларни текшириш;
- 5) асосий воситалар тугатилиши тўғри ҳисобга олинганлигини текшириш;
- 6) асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатлар асосланганлигини текшириш;
- 7) асосий воситаларга оид операциялар тўғри солиққа тортилганлигини текшириш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш асосий воситалар юзасидан аудит далилларига асосланади. Асосий воситаларни аудит қилиш вақтида фойдаланиладиган аудит далиллари корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига боғлиқдир. Булар журнал-ордерли, мемориал-ордерли, содалаштирилган, компьютерда ишлов учун йўналтирилган, шунингдек, қўлланиладиган регистрлар рўйхати, уларнинг тузилиши, улардаги ёзувлар мунтазамлиги ва ёзув усуллари билан белгиланади.

Асосий воситалар ва улар бўйича эскиришнинг синтетик ҳисоби 13, 10, 10/1-сонли журнал-ордерларда олиб борилади, маълумотларни компьютерлаштирилган технологияси қўлланилганда эса - "Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счетлар", "Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счетлар" счетлари бўйича дебет ва кредит айланмаларнинг машинограммаларида; Бош китобда; бухгалтерия балансида (1-сонли шакл); "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"да (2-сонли шакл); "Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот"да (3-сонли шакл) олиб борилади.

Асосий воситалар аудитининг режаси ва дастурини тайёрлаш.

Асосий воситалар ҳисобининг аудиторлик текширувини режалаштириш иқтисодий субъект аудиторлик текширувининг йиғма умумий режаси ва йиғма дастури асосида амалга оширилади. Асосий воситаларни текширишга оид умумий режа юқорида қайд этилган бўлимлар бўйича аудит йўналишларини ҳисобга олиши лозим.

Режалаштириш босқичида аудит режаси ва дастурининг моҳияти аудитор томонидан қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши билан узвий боғлиқ:

асосий воситаларга нисбатан мавжуд ички назорат тизими билан танишиш; ички назорат тизимига нисбатан назорат рискининг дастлабки баҳолаш ва қўшимча назорат тестларини ишлаб чиқиш; қўшимча назорат тестларини қўллаш; назорат рискининг қайта баҳолаш ва асословчи тестларни ишлаб чиқиш; асословчи тестларни қўллаш ва асосий воситалар юзасидан ички назорат тизими бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Юқоридаги вазифаларнинг амалга оширилиши якунида ички назорат тизими етарли даражада сифатли деб топилса аудитор текширув кўламини қисқартириши ва мос равишда аудит режаси ва дастурининг батафсиллиги ҳам

қискартирилиши мумкин.

Асосий воситалар аудитининг умумий режаси

Текширилаётган корхона "Ўзбеккўмир" ОАЖ

Аудит ўтказиладиган давр 1.03.2010 – 15.03.2010

Киши-соат миқдори 250

Аудиторлик гуруҳи раҳбари Хамдамов Б.У.

Аудиторлик гуруҳи таркиби Жўраев О.Н., Тулаев М.С.

Режалаштирилаётган аудиторлик таваккалчилиги 4%;

Режалаштирилаётган аҳамиятлилик даражаси 1%.

Т. р.	Олиб бориладиган ишлар режаси(вазифалар мажмуи)	Ўтказиш муддати	Ижрочилар	Изоҳ
1	2	3	4	5
1.	Асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити	Ҳисобот йили бўйича	Жўраев О.Н.	Иқтисодий субъект аудитининг йиғма умумий режасига мувофиқ
2.	Асосий воситалар ҳаракатининг аудити		Хамдамов Б.У.	
3.	Эскириш тўғри ҳисобланганлигининг аудити		Тулаев М.С.	
4.	Асосий воситалар қабул қилиниши ва барпо этилишининг аудити		Хамдамов Б.У.	
5.	Асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ҳисобни текшириш		Жўраев О.Н.	
6.	Асосий воситалар тугатилиши ҳисобини текшириш		Тулаев М.С.	
7.	Асосий воситалар тўғри солиққа тортилганлигини текшириш		Хамдамов Б.У.	
<p>Аудиторлик ташкилоти раҳбари Алиев А.А. Аудиторлик гуруҳи раҳбари Хамдамов Б.У.</p>				

Аудит режасини тайёрлагач аудитор аудит дастурини тузади. Дастурда аудит режасида келтирилган вазифаларга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган аудит амалларининг батафсил тавсифи ёритилади.

Дастурга қўшимча равишда катта аудитор томонидан қуйидаги кўринишга эга бўлган асосий воситалар ҳисобининг текширувига оид саволнома ҳам тузилади. Бунинг натижасида аудит текширувини янада тартибли ўтказиш асосий воситаларнинг барча элементларини текшириш имкони юзага келади.

Асосий воситалар билан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

а) капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;

б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;

в) устав сармоясига таъсисчи улуши кўринишида келиб тушиш;

г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

- д) айирбошлаш;
- е) товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;
- ж) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;
- и) қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;
- к) асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш.

Келиб тушган, ҳисобдан чиқарилган ва корхона ичида ҳаракатланган асосий воситаларнинг инвентар варақалари, тегишли ёзувлардан кейин ҳисобот ойининг охиригача, таҳлаб қўйилмасдан алоҳида сақланади. Бу шунинг учун зарурки, мазкур варақалар асосида асосий воситаларнинг ҳар ойлик эскириши ҳисобланади, бундан ташқари, жорий ой якунлангандан кейин ушбу ойдаги ёзувлари бўлган варақа асосий воситалар табақалаштирилган турлари бўйича гуруҳлаштирилади, ҳар бир тури бўйича қабул қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши айланмалари жамланади ва асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаларига ёзиб қўйилади.

Асосий воситалар тўғри баҳоланганлигини текшириш лозим, зеро нотўғри баҳоланган нафақат умумий ҳолатни нотўғри акс этиши, балки қуйидагиларга олиб келиши мумкин:

эскириш нотўғри ҳисобланишига; солиқлар суммаси нотўғри ҳисобланишига; бухгалтерия (молиявий) ҳисоботда асосий воситалар қиймати нотўғри акс этирилишига.

Асосий воситалар ҳаракати бўйича операцияларнинг аудиторлик текширувида қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим:

асосий воситаларни Устав капиталига бадал сифатида ўтказишда уларнинг дастлабки қиймати, эскириши ва топшириш вақтидаги келишув нархи кўрсатилган рўйхат мавжудлиги.

Асосий воситалар мавжудлиги, сақланиши ва улардан самарали фойдаланиш даражасини текшириш.

Асосий воситалар объектларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ҳолатини текшириш натижаларига кўра аудитор назорат самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариши мумкин.

Асосий воситалар сақланишининг муҳим шартларидан бири – уларни сифатли инвентаризациядан ўтказиш. Шунинг учун, назорат вақтида инвентаризация тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилганлиги, унинг натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилганлигини текшириш лозим. Аудиторга бу аудиторлик таваккалчилигини камайтириш мақсадида корхонада ўтказилган инвентаризация натижалари тўғрилигига қай даражада ишонч ҳосил қилиш учун керак.

Инвентаризациядан олдин хусусий ва ижарага олинган асосий воситалар бўйича инвентар дафтарлари ва рўйхатлардаги ҳамда техник паспортлари ва бошқа техник ҳужжатларидаги ёзувлар тўлиқлиги текширилади. Агар техник ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги маълумотлар орасида фарқлар аниқланса, уларга тегишли равишда аниқликлар ва тузатишлар киритилади. Асосий воситаларни инвентаризация жараёнида объектлар комиссия томонидан бевосита табиий ҳолатида кўриб чиқилади ва

инвентаризация рўйхатида уларнинг тўлиқ номлари, ишлатилиши, инвентар рақамлари, асосий техникавий ва фойдаланиш тавсифлари қайд этилади.

Ҳисобда қайд этилмаган объектлар ёки ҳисоб регистрларида уларга мансуб бўлмаган тавсифлар келтирилган ҳолларда, кўрсатилмаган маълумотлар ва техникавий кўрсаткичлар комиссия томонидан тўлдирилади. Шу вақтнинг ўзида бундай объектларнинг бунёд этиш ёки сотиб олиш вақти, харажатларни молиялаштириш манбалари, уларни куриш зарурияти, молиявий интизомга риоя қилиниши учун масъул шахслар доираси аниқланади.

Солиштириш вақтида асосий воситаларнинг камомоди ёки ортиқчалиги, унинг сабаблари ва айбдор шахслар ҳамда ушбу омилларнинг бошқа кўрсаткичларга таъсири аниқланади (асосий воситалар бўйича эскириш ва мол-мулк бўйича солиқ кам ёки кўп ҳисобланиши). Аудитор асосий воситалар жойларда мавжуд эканлигини танлаб олиш усули билан текшириб аниқлайди.

Камомад аниқланган ҳолда, аудитор моддий жавобгар шахслардан тушунтириш хати ва камомадлар қопланишини талаб қилади. Ушбу камомадлар аудиторлик текширувини ўтказиш вақтида қопланиши лозим.

Аудитор асосий воситалар сақланишини текширганда улар моддий жавобгар шахсларга бириктирилганлиги, ёзма равишда моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилганлигини аниқлайди.

Ижарага олинган воситалар ҳар бир ижарага берувчи бўйича алоҳида инвентаризация рўйхатида акс эттирилади ва унда белгиланган маълумотлардан ташқари қўшимча равишда ижара берувчининг номи ва ижара муддати кўрсатилади.

Асосий воситалар ҳаракатининг аудитини ўтказишда асосий воситалар қабул қилиниши ҳисоби бўйича дастлабки ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги ҳамда машина ва ускуналарнинг техник паспортларидаги ёзувлар текширилади.

Жорий ижарага берилган асосий воситалар объектлари ижарага берувчининг балансида ҳисобда туради, ижарага олувчида эса, ижара шартномасида кўрсатилган дастлабки қиймати бўйича балансдан ташқари счетда ҳисобга олинади. Ижарага олинган объектларнинг таҳлилий ҳисоб регистри сифатида ижарага олинган объектларнинг қабул қилиш-топшириш далолатномасига илова қилинган инвентарл варақасининг нусхаси қўлланилади. Аудитор томонидан ушбу тартибга риоя қилиниши ва асосий воситаларнинг ишга яроқли ҳолати ва фойдаланиши қандай таъминланганлиги текширилади.

Капитал қўйилмалар ҳисобидан янги ускуналар олинганда, аудитор ушбу операциянинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва у капитал қўйилмалар ҳисоби, ўрнатилиши лозим бўлган ускуналар, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар, келгуси давр харажатлари ва тўловлар счетларида акс эттирилганлигини текширади. Шунингдек, аудитор титул рўйхатлари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжудлигини ҳам текширади. У камчиликларни аниқлаб, унинг сабаблари ва айбдор шахсларни аниқлайди ҳамда хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни белгилайди.

Аудит ўтказиш жараёнида, маънавий эскирган, батамом яроқсиз ҳолга келган ва келажакда ишлатиш учун яроқсиз бўлган ускуналар, транспорт воситалари, уларни тиклаш мумкин бўлмаган ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилиши юзасидан назоратга алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тўғрилигини текшириш.

Эскириш – бу асосий воситалар қийматини, ҳисобот даври давомида тизимлашган услубда, босқичма – босқич ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қийматига ўтказишдир.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашни аудит текширувидан ўтказаетганда аудиторнинг вазифаси асосий воситаларга нисбатан эскиришни ҳисоблаш усуллари тўғри қўлланилганини текшириш ва тасдиқланган меъёрларига риоя қилинаётганини назорат қилишдан иборат. Асосий воситалар объектлари бўйича ҳар ойда эскириш ҳисобланишининг тўғри амалга оширилганлиги катта аҳамиятга эга. Чунки эскириш меъёрларининг билмаган ҳолда ёки атайин белгиланган нормадан ошириш ёки камайтириш маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини нотўғри аниқлашга, бинобарин, олинган фойда ва бюджетга тўловлар миқдорларини нотўғри ҳисоблашга олиб келади.

Амортизация ажратмаларининг меъёрлари ҳар бир инвентар объектнинг дастлабки қийматига нисбатан белгиланган фоиз ҳисобида аниқланади. Уларнинг бир ойлик меъёри бир йиллик меъёрнинг 1/12 миқдорида белгиланади.

Асосий воситаларнинг янгиланишида корхоналар ва ташкилотларнинг манфаатларини ошириш мақсадида уларнинг фаол қисми (машина, ускуна, транспорт воситалари) бўйича тезлаштирилган эскириш меъёрлари қўлланилади, яъни, ушбу маблағларнинг дастлабки қиймати ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига, эскириш бўйича кўзда тутилган меъёрлардан ташқари қисқароқ вақтда тўлиқ ўтказилиши мумкин. Бунинг учун корхоналарга эскириш меъёрларини кўпи билан икки мартаба ошириш рухсат этилган.

Эскириш ҳисобланишини текширганда аудитор фойдаланиш муддатларини ўтаб бўлган ва эскириш тўлиқ ҳисобланиб бўлган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскиришни ҳам текширади.

Аудитор танлаш усулида ҳисобланган эскириш бўйича қайдномаларни текширади. Бунинг учун у Бош китобдаги асосий воситалар эскириши бўйича счетлардан ҳисобланган эскириш бўйича энг кўп фарқлар бўлган ойни танлаб олади. Аудитор бунинг асосланганлигини текширади. Агар эскириш нотўғри ҳисобланганлиги ҳоллари мавжуд бўлса, айбдор шахслар ва сабаблари, шунингдек, ушбу омиллар харажатларга ва фойдага таъсири аниқланади.

Агар корхонада тезлаштирилган эскириш қўлланилса, аудитор у тўғри ҳисобланганлиги ва қўлланилганлигини текширади, чунки тезлаштирилган эскириш асосий воситаларнинг фақат фаол қисми учун қўлланилиши мумкин, бунда меъёр икки баробардан юқори кўтарилиши мумкин эмас.

Жорий ижарага берилган асосий воситалар бўйича эскириш ижарага берувчи томонидан ҳисобланади.

Асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси уларнинг ишлатиш жараёнида эскирганлигини кўрсатади, шунинг учун, бухгалтерияда асосий воситалар эскириши кўпайганлиги ва шу вақтнинг ўзида корхона харажатлари кўпайганлиги тўғрисида ёзув амалга оширилади.

Аудит ўтказиш жараёнида эскиришни ҳисоблашда асосий воситаларнинг барча объектлари ҳисобга олинганлиги, асосий воситалар ҳаракати ҳисобга олинган ҳолда эскириш ҳисобланганлиги, эскириш меъёрлари тўғри қўлланилганлиги текширилади.

Ер участкаларига амортизация ҳисобланмайди. Шунингдек қуйидаги асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобланмайди:

а) маҳсулдор қорамоллар; б) кутубхона фондлари; в) ҳокимиятларга бўйсунадиган ободонлаштириш иншоотлари; г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган фондлар; д) музей қимматликлари; е) архитектура ва санъат ёдгорликлари; ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари; з) тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

Асосий воситалар объектлари бўйича эскириш, ушбу объект бухгалтерия ҳисобига олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ҳисобланади ва ушбу объектнинг қиймати тўлиқ қоплангани ёки хусусий эгалик қилиш ҳуқуқи ёки бошқа мулк ҳуқуқи тугатилгани муносабати билан бухгалтерия ҳисобидан чиқарилгунгача қадар давом этади.

Асосий воситалар объектлари бўйича эскиришни ҳисоблаш ушбу объект бўйича эскириш тўлиқ қопланган ёки у бухгалтерия ҳисобидан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи куни тўхтатилади.

Асосий воситалар объектлари бўйича ҳисобланган эскириш бухгалтерия ҳисобида у тегишли бўлган ҳисобот даври бўйича акс этилади ва корхона ушбу ҳисобот даврида фаолият натижалари қандай бўлганлигидан қатъи назар ҳисобланади.

Асосий воситалар объектлари бўйича ҳисобланган эскириш бухгалтерия ҳисобида акс этилиши тегишли суммалар алоҳида ҳисобда жамлаш йўли билан амалга оширилади.

Стандарт кучга киритилгунга қадар фақат бир хил, яъни тўғри чизиқли усул қўлланилар эди. 1999 йил 1 январдан бошлаб эскиришни ҳисоблаш бўйича қўшимча равишда қуйидаги усуллар жорий этилган:

1) эскириш ҳисобланишининг бир текисда (тўғри чизиқли) усули; 2) эскиришни ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб ҳолда ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш); 3) камайиб борувчи қолдиқ усули; 4) фойдали ишлатилган йиллар йиғиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш (кумулятив усули).

Ҳисобланган эскириш суммаси эскириш ажратмалари кўринишида мунтазам равишда бутун фойдали ишлатиш ёки меъерий хизмат қилиш муддати давомида субъект харажатларига тақсимланади.

Турли хил асосий воситалар учун эскириш ҳисоблашнинг турли хил усуллари қўллаш мумкин. Бунда асосий воситаларнинг бир турига фақат бир хил эскириш ҳисоблаш усулини қўллашга йўл қўйилади.

Эскиришни ҳисоблаш учун танлаб олинган усул ҳисоб сиёсатида белгиланиши ва бир ҳисобот давридан иккинчи ҳисобот давригача қўлланилиши ҳамда йил давомида ўзгартирилмаслиги лозим.

Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилиши ва тугатилишини текшириш.

Чиқиб кетадиган асосий воситалар объектининг қиймати баланс ҳисобидан чиқарилади.

Аудитор асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона баланси ҳисобидан чиқарилишини текширади: а) тугатиш; б) сотиш; в) айирбошлаш; г) текинга бериш; д) устав сармоясига муассис улуши сифатида бериш; е) узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича бериш; ж) камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши; и) иштирокчилар таркибидан иштирокчининг чиқиб кетиши.

Асосий воситалар объекти қисман тугатилган ҳолатда унинг бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизацияси тегишлигича объектнинг тугатилган қисмининг бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизацияси суммасига камайтирилади.

Аудитор асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан уларнинг қолдиқ (баланс) қийматини, асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган билвосита солиқлар ва харажатларни чегириб ташлаш орқали аниқланишини текширади.

Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан қўрилган молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситалар объектларини қўшимча баҳолаш суммаси, мазкур асосий воситалар объектини илгариги қўшимча баҳолашлар суммасининг илгариги арзонлаштиришлар суммасидан ошиб кетиши “Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счет бўйича захира сармоясини бир йўла камайтириш билан асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ва алмаштирилиши билан боғлиқ фойда ва зарарлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тўғри акс эттирилганини текшириш ҳам аудиторнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Аудитор асосий воситалар ҳисобдан чиқарилишини текшириш чоғида ҳисобдан чиқарилиш сабабини, муомаланинг мақсадга мувофиқлигини ва қонунийлигини аниқлайди. Бунда асосий воситаларни сотиш учун тузилган шартномалар, ҳисобдан чиқариш далолатномалари, асосий воситаларни қабул қилиш - топшириш далолатномаси, аналитик ҳисоб маълумотларидан фойдаланилади.

Аудитор асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда асос бўлган АВ-1 ва АВ-3 шакллардаги далолатномалар маълумотларини текшириши лозим. Бу далолатномаларда ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси акс эттирилади. Аудитор ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг инвентар карточкалари картотекадан олиниб, далолатномага илова қилинганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Шунингдек,

асосий воситаларнинг турган ўрин бўйича инвентар рўйхатида ҳам тегишлича қайд қилинганлиги текширилади.

Амалдаги счётлар режаси ва уни қўллаш йўриқномасига мувофиқ, ҳисобдан чиқарилиш сабабидан қатъий назар (бепул бериш, устав капиталига ҳисса сифатида бериш, молияланадиган лизинг шартномаси бўйича бериш, табиий офатлар ва фавқулодда ҳолатлар, ўғриланиш ва камомад) асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш бўйича барча муомалалар 9210 «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши» счётида акс эттирилади.

Тўлиқ амортизация қилинмаган асосий воситаларнинг реализация қилинишидан кўрилган фойда (зарар) реализация қилинадиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати, ҚҚС ҳамда сотиш харажатлари ва тушумларига тўғрилланган, ойнанинг I-санасига ҳисобланган эскириш ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини текшириш.

Асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида сақлаб туриш уларни таъмирлаш (жорий, ўртача ва капитал тарзда) асосида амалга оширилади.

Жорий таъмирлаш - асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Ўртача таъмирлашда - таъмирланаётган агрегатни қисман ажратиш ва деталларнинг қисмларини тиклаш ёки алмаштириш амалга оширилади.

Ускуналар ва транспорт воситаларини капитал таъмирлаш - агрегатни тўлиқ ажратиб йиғиш амалга ошириладиган таъмирлашдир, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш ҳамда агрегатни йиғиш, созлаш ва синаб кўришдир.

Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш - базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Аудитор объектни ишчи ҳолатида тутиб туриш ва ундан фойдаланишдан келгусида олинадиган иқтисодий фойданинг белгиланган бошланғич суммасини олиш учун амалга ошириладиган харажатлар улар дахлдор бўлган ҳисобот давридаги харажатлар таркибига киритилишини текширади. Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларни ишчи ҳолатида сақлаб туришга доир харажатлар (техник кўриқдан ўтказиш ва ҳолатини яхшилашга оид харажатлар) ҳамда ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар объектларининг барча турдаги таъмирланишини (жорий, ўртача, капитал тарзда) ўтказиш харажатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритилади, маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун мўлжалланган асосий воситалар объектлари бўйича эса - давр харажатлари таркибига киритилади.

Агар битта асосий воситада турлича фойдали ишлатиш муддатига эга бўлган бир нечта мустақил объектлар мавжуд бўлса, тиклаш чоғида ҳар бир бундай объектни алмаштириш, чиқиб кетиши ва мустақил инвентар объектини харид қилиш сифатида ҳисобга олинади.

Асосий воситалар фойдаланиш жараёнида уларнинг физик хоссаси ва

йўқолиб боради. Уларни тиклаш учун корхона таъмирлаш ишларини ўтказиши мумкин.

Корхона асосий воситаларини таъмирлаш пудрат ёки хўжалик усулида бажарилиши мумкин.

Пудрат усулида бажарилганда корхона таъмирлаш - қурилиш ташкилоти билан пудрат шартномасини тузади. Хўжалик усулида эса таъмир ўз кучи билан амалга оширилади.

Иккала усулда ҳам таъмирлаш харажатлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан қопланади. Бунинг учун эса корхоналарнинг ҳисоб сиёсатига биноан махсус заҳира ташкил этилади. Заҳирага ажратмалар суммаси корхонанинг ўзи мустақил белгилайдиган меъёрий миқдорда ҳар ойда маҳсулот таннархига ўтказилиб боради.

Заҳирага ажратмалар суммаси ҳар бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарурат бўлганда янги молия йил учун ажратмалар миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Заҳирага ажратмалар суммаси бухгалтерия ҳисобида 8910-"Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви" счётида ҳисобга олиб борилади

Асосий воситалар ижара муносабатларини текшириш.

Корхонадаги асосий воситалар ўзиники, ижарага ва лизинг шартномаси асосида олинган бўлиши мумкин. Ўз асосий воситалари корхонага тегишли бўлиб, лизинга олинганлари эса қисқа муддатли (оператив) ижара, узоқ муддатли ижара ва лизинг шарти билан олинган бўлади. Лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар Фуқаролик Кодекси, Лизинг тўғрисидаги қонун ва бошқа тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда, ёзма равишда тузилган ижара (лизинг) шартномасига мувофиқ тартибга солиб турилади.

Асосий восита ижараси - бу ижарага олувчининг хўжалик фаолиятини мустақил амалга ошириши учун зарур бўлган асосий восита объектларидан фойдаланиши ёки мулкчилик ҳуқуқига эга бўлишга асосланган шартномадир. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасидаги ўзаро муносабат ижара шартномаси билан тартибга солинади. Шартнома ижара ҳақи миқдори, ижара муддати, томонларнинг ижара шартларини бажариш бўйича мажбуриятлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ўзида мужассам этиши лозим.

Ижара субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) ижарага берувчи - мулкнинг эгаси ёки қонунчиликка мувофиқ ёки мулкдор томонидан мулкни ижарага бериш учун ваколатланган шахслар;

б) ижарага олувчи (ижарачи) - ижара шартномаси асосида мулкни ижарага олувчи юридик ва жисмоний шахслар.

Молиявий ижара - мулкни (молиявий ижара объектини) шартномага биноан ўн икки ойдан ортиқ муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини беришда юзага келадиган ижаравий муносабатлар. Бунда молиявий ижара шартномаси қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарага олувчининг мулки бўлиб ўтиши;

молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан камроғини ташкил қилиши;

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини ушбу ҳуқуқ сотилиш кунидаги бозор қийматидан анча паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши ва бунда ижара муддатининг бошида ушбу ҳуқуқнинг сотилишига асосланган ишончнинг мавжуд бўлиши;

молиявий ижара шартномаси амал қиладиган давр учун ижара тўловларининг дисконтланган жорий қиймати, молиявий ижара объектини ижарага бериш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлиши.

Оператив ижара - молиявий ижара шартномаси ҳисобланмайдиган мулкый ижара шартномасига биноан мулкни вақтинчалик эгалик қилишга ва фойдаланишга ёки фойдаланишга бериш.

Молиявий ижарада молиявий ижара объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ барча рисклар ижарачига (лизингга олувчига) ўтказилади. Бунда, лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади. Ижарачининг (лизингга олувчининг) бухгалтерия ҳисобида молиявий ижара актив ва мажбурият сифатида молиявий ижара муддати бошланишидаги молиявий ижара объектининг жорий қиймати ёки минимал ижара (лизинг) тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича, агар у паст бўлса, тан олиниши лозим.

Агар ижарачи (лизингга олувчи) ижара (лизинг) объектини уни сотиб олиш санасидаги жорий қийматидан паст нархда сотиб олмақчи бўлган ҳолларда, минимал ижара (лизинг) тўловлари барча ижара (лизинг) муддати давомидаги ижара (лизинг) тўловлари ва ижара (лизинг) шартномасида кўзда тутилган ижара (лизинг) объектини сотиб олиш суммасидан ташкил топади.

Молиявий ижарада, ижара (лизинг) тўловлари ижарага берувчи (лизингга берувчи)га молиявий ижара объекти қийматининг ижарачи (лизингга олувчи) томонидан қопланишидан ҳамда ижарага берувчи (лизингга берувчи)нинг фоизли даромадидан иборат бўлади.

Молиявий ижара муддатининг бошланиш пайтида ижарачи (лизингга олувчи) ва ижарага берувчи (лизингга берувчи) ижара (лизинг) тўловларини тўлаш жадвалини (тартибини) келишиб олади ва унда ижарага (лизингга) берувчининг фоизли даромади, молиявий ижара объектининг қийматини қоплаш бўйича мажбуриятлар ва уларнинг молиявий ижара муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

Оператив ижарада, ижара объектига эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча рисклар ижарачига ўтмайди ва шунинг учун оператив ижара шартномаси бўйича олинган ижара объектлари ижарачининг балансида ҳисобга олинмаслиги лозим.

Оператив ижара объекти ижарачи томонидан балансдан ташқари счётларда оператив ижара шартномасида кўрсатилган қийматда, ижарага берувчида эса - асосий воситалар таркибида баланс счётларида ҳисобга олинади.

Номоддий активлар аудити.

Аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида номоддий активларнинг тобора салмоқли аҳамият касб этиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳисоби тўғри йўлга қўйилганлиги ва улардан самарали фойдаланилаётганлигини аудиторлик текширувларидан мунтазам равишда ўтказиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Номоддий активлар аудити ҳам уларнинг ҳисоби каби етарли даражада шакл топмаган тадқиқот объектлари жумласига киради.

Аудит бунга ваколатли бўлган шахслар - аудиторлар томонидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботининг ишончилиги ҳамда молиявий ва хўжалик операциялар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ эканлигини аниқлаш мақсадида мустақил экспертиза ва таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоботларга қўйиладиган талабларга мувофиқлигини, уларнинг тўлиқлиги ва аниқлигини текшириш демакдир.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, номоддий активлар аудитининг мақсади - Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилик асосида номоддий активларнинг ҳолати, ҳаракати, баҳоланишига объектив баҳо беришдан иборат. Бунда номоддий активлар ҳисобининг ишончилигини ҳамда амалга оширилган молиявий ва хўжалик операцияларининг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Дунё тажрибасига кўра аудиторлик текширув натижалари кўпчилик иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун асос бўлганлиги сабабли барча давлатларда аудит етарли даражада қатъий тартибга солинади. Чунки молиявий ҳисоботларнинг объективлигига баҳо бериш бевосита ушбу хизмат вазифасига киради.

Номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатлар қўйидагилардан иборат:

номоддий активлар бўйича операциялар тўғрисида маълумот манбалари куйидагилардан иборат: номоддий активлар объектлари бўйича сотиб олиш-сотиш (яратиш) шартномалари, муаллифлик шартномалари, номоддий активлар объектлари бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномалари, фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар, лицензиялар, номоддий активлар объекти Устав капиталига киритилганлиги ва улар нархлари бўйича келишилганлиги тўғрисида баённомалар, номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича инвентар варақалари, инвентар дафтарлари, қабул қилиш-топшириш далолатномалари, ҳисобдан чиқариш далолатномалари, таъсисчилар мажлисининг баённомалари, амортизация ажратмаларини ҳисоблаш бўйича жадваллар, 0410-0490, 0510-0590, 9220, 6010, 4890-сонли ва бошқа счётлар бўйича ҳисоб регистрлари (журнал-ордерлар, қайдномалар, машинограммалар ва бошқалар), Бош китоб ва бошқалар;

Номоддий активларга тааллуқли муомалаларни текшириш учун синтетик

ва аналитик ҳисоб регистрлари қўлланиладиган ҳисоб шаклларига боғлиқ ҳолда фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида номоддий активларнинг синтетик ҳисоби журнал-ордер ва «номоддий активларни ҳисобга олиш қайдномаси»да юритилади.

Номоддий активлар аудитининг режаси ва дастурини тайёрлаш.

Номоддий активларни текширишда уларни баҳоланишининг асосланганлиги, ташкилий харажатларнинг тури ва уларнинг мақсадга мувофиқ таркиби, эскириш ҳисоблаш орқали қийматининг қопланишга эътибор берилади.

Номоддий активларнинг акс эттирилишини аудит қилишда асосий эътибор, уларнинг балансда тўғри кўрсатилишига қаратилади. Шу жумладан: «Номоддий активлар ҳисоб ва ҳисоботда сотиб олиш, тайёрлаш ва уларни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси асосида акс эттирилади. Номоддий активлар объектлари бўйича уларнинг дастлабки қийматини аста-секин маҳсулот таннархига амортизация меъёрлари асосида қўшиб бориш орқали акс эттирилади

Аудитор номоддий активларнинг олиними (харид қилиниши, барпо этилиши) билан боғлиқ бўлган харажатларнинг капитал тусга эгаллиги ва уларнинг ушбу объектларнинг ҳисобга олинимига қадар 0830 «Капитал қўйилмалар» счётида худди узоқ муддатли инвестициялар сифатида акс эттирилишини ёддан чиқармаслиги лозим

Номоддий активлар бўйича кўрсаткичларни молиявий ҳисобот шаклларда акс эттирилишини асосланганлиги ва ҳақиқатга мос келишини назорат қилишдан иборатдир.

Номоддий активлар аудитини режалаштириш жараёнида аудитор ушбу мақсадни амалга ошириш кетма-кетлигини, маълумотларни йиғиш манбааларини, аудиторлик рискинни аниқлаб олиши зарур.

Номоддий активлар билан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Текширув жараёнида номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ муомалалар бухгалтерия ҳисобига доир меъёрий ҳужжатлар ва солиққа тортишга доир қонунчилик талабларига мувофиқ ҳисобга олинганлиги аниқланади.

Номоддий активлар киримига доир муомалаларни ҳисобда акс эттириш услуги уларнинг олинмиш манбаларига боғлиқ.

Келиб тушадиган номоддий активларнинг қиймати корхона балансига киритилиши

Дебет 0410-0490 Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар

Кредит 0830 Номоддий активларни харид қилиш

Барча турдаги номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бошланғич қиймат бўлиши керак ва улар бухгалтерия ҳисобига ушбу қиймат бўйича қабул қилинади.

Ҳақ эвазига сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати

куйидаги харажатлардан ташкил топади:

а) ҳуқуқдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;

б) ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

в) божхона божлари ва йиғимлари;

г) номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

д) номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

е) номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

ж) асосий воситалар объектларини етказиб бериш таваккалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;

з) активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш бўйича харажатлар, ўтказмалар учун банкнинг воситачилик ҳақи, номоддий активларни чет эл валютасига сотиб олиш чоғида валюта конвертацияси бўйича воситачилик ҳақи ва банкнинг бошқа хизматлари), сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошланғич қийматиغا киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида давр харажатлар сифатида тан олиниши керак.

Агар шартнома шартларида тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш чоғида ҳақиқий харажатлар бухгалтерия ҳисобига дастлаб тан олинган кредиторлик қарзи суммаси бўйича қабул қилинади.

Чет эл валютасида сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати юқорида ҳақ эвазига сотиб олиш каби назарда тутилган тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда, сотиб олиш санасидаги чет эл валютасидаги суммаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

Корхона устав капиталига улуш ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати агарда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, корхона муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳоси тан олинади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматиغا тэнг.

Номоддий актив қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг айирбошланиш

чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тэнг.

Номоддий активлар мавжудлиги, сақланиши ва улардан самарали фойдаланиш даражасини текшириш.

Бошқа мулклар сингари номоддий активларга тааллуқли бухгалтерия маълумотлар ҳаққонийлиги вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган инвентаризация асосида тасдиқланади.

Номоддий активларни инвентаризация қилиш қуйидаги вазифаларни ҳал этади: уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш; ҳақиқий қолдиқни бухгалтерия ҳисоб маълумотларига солиштириш йўли билан уларнинг бутлигини таъминлаш устидан назорат ўрнатиш.

Хусусан, аудитор инвентаризацияда аниқланган номоддий активлар камомати бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини ва солиққа тортилишини аниқлайди.

Инвентаризацияда аниқланган ҳисобга олинмай қолган номоддий активлар объектлари шуларга ўхшаш объектларнинг ошиқча чиқиш аниқланган санадаги бозор қиймати бўйича уларнинг фойдали хизмат муддатини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

Ҳисобга олинмай қолган номоддий активлар бўйича амортизация улар номоддий активлар таркибига қўшилган пайтдан бошлаб умумий белгиланган тартибда ҳисобланади.

Инвентаризация қайдноманинг маълумотларига асосан инвентаризация рўйхатларини расмийлаштиришнинг тўғрилиги, корхонанинг кўрсатилган номоддий активлардан фойдаланиш учун ҳуқуқини тасдиқлайдиган дастлабки ҳужжатлар мавжудлиги, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларида ҳамда Бош дафтарда номоддий активларни акс эттиришнинг тўғрилиги ва ўзаро мослига текширилади

Номоддий активларни рўйхатга олишнинг техник жиҳатларини текшириш жуда муҳим ҳисобланади. Номоддий активлар ўз номига кўра моддий негизга эга бўлмаганликлари учун корхонада у ёки бу объектнинг ҳақиқий кирими ва ишлатилиши устидан бухгалтерия назоратини ташкил этиш муаммоси тез-тез вужудга келади.

Номоддий активларни кирим қилишда дастлабки ҳужжатлар билан бирга уларни идентификацияловчи (айнан ўхшатувчи) ҳужжатлар ҳам бўлиши зарур. Бундай ҳужжатларга номоддий активларнинг ўзларини ёки улардан фойдаланишни тавсифловчи ҳужжатлар, шунингдек, корхонанинг у ёки бу мулкӣ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар киради. Бошқача қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисобда акс эттириладиган номоддий активларнинг исталган объекти объектив шаклда мавжуд бўлиши лозим.

Корхоналар номоддий активларни ҳар хил йўллар билан оладилар ва шунга кўра уларнинг кирими ҳам ҳисобда турлича акс эттирилади.

Номоддий активлар корхона устав капиталига иштирокчиларининг ҳиссаси сифатида қўшилиши мумкин. Бунда улар имкон қадар ҳақиқий бозор баҳосига яқинлашган ва корхона акциядорлар кенгаши (бошқаруви) ва

акциядорлар томонидан белгиланган шартнома баҳосида киримга олинади.

Номоддий активларга эскириш ҳисоблаш, ҳисобдан чиқариш ва тугатилиши тўғрилигини текшириш.

Номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш ва амортизация ажратмаларининг маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига тўғри олиб борилишини текшириш чоғида аудитор номоддий активларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланилаётганлиги ва даромад келтираётганлиги тўғрисида исботга эга бўлиши лозим.

Номоддий активнинг амортизация қилинадиган қиймати мунтазам асосда тақимлаб борилиши учун амортизация муддатлари қуйидагича белгиланган:

номоддий актив объектининг фойдали хизмат кўрсатиш муддати давомида (лекин бу муддат хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият қилиш муддатидан ошмаслиги лозим);

фойдали хизмат кўрсатиш муддатларини аниқаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича 5 йил ҳисобида (лекин бу муддат хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиш муддатидан ошмаслиги лозим).

Номоддий активлардан қанча муддатда фойдаланиш ва уларга эскириш ҳисоблаш зарурати ҳақидаги масалага кўпчилик давлатларнинг анча эҳтиёткорлик билан ёндошиши бу соҳадаги мавжуд халқаро стандартларга мувофиқ келади. Чунки, ҳисобнинг халқаро стандартлари комитети ёхуд ишбилармонлик алоқалари қиймати капиталлаштиришни, ёхуд бирданига корхонанинг хусусий капитали ҳисобига ҳисобдан чиқаришга рухсат беради.

Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг тўрт усули кўзда тутилган. Улар:

тўғри чизикли (ёки бир текис); камайиб боровчи қолдиқ; ишлаб чиқариш бирликлари суммаси бўйича амортизация ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули); кумулятив усул.

Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усулларининг моҳияти, корхона молиявий ҳолатига таъсирини билиш ва шу асосда малакали аудиторлик хулосаси шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Амалиётда амортизация ҳисоблашнинг тўғри чизикли усулидан фойдаланиш афзалроқ. Қолган усуллардан муайян ҳолатларда фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир.

2.2. Жорий активлар аудити.

Тайёр маҳсулот ва товарлар аудити.

Аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари. Корхонанинг молиявий барқарорлиги ишлаб, чиқарилаётган маҳсулоти бозорда рақобатдошлигидан, унинг ички ва ташқи бозорда талабидан, реализация ҳажмига боғлиқдир.

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш аҳолини эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳар бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг яқунловчи босқичи ҳисобланади. Маҳсулотни режадаги ҳажми бўйича сотиш ташкилотга ишлаб чиқариш харажатларини, қоплаш, давлат бюджети, кредит

бўйича банклар ва бошқа хўжалик субъектлар олдидаги мажбуриятларни бажариш имкониятини яратади, ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва келажақда ривожланиш учун муҳим бўлган фойда олишга ёрдам қилади.

Аудитнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарилиши, жўнатилиши ва сотилишини ҳужжатларда тўғри расмийлаштиришни текшириш; тайёр маҳсулот омборда сақланишини таъминловчи шароитларни аниқлаш; тайёр маҳсулотни ҳақиқий таннархини аниқлигини текшириш; тайёр маҳсулот сотилишини тўғри ҳисоблаш; сотилган тайёр маҳсулотдан олинган молиявий натижаларни тўғри ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

Аудит манбалари:

тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотилишини ҳисобга олишга доир қонунчилик; тайёр маҳсулотни режалаштириш ва таёрлаш бўйича корхонадаги ҳужжатлар; маҳсулот ишлаб чиқариш, жўнатиш ва сотилишига доир дастлабки ҳужжатлар ва шартномалар; 4010, 2810, 9010, 9110 счётлар ва бошқа счётлардаги маълумотлар; 10,11 - сонли журнал - ордер, 16 - сонли қайднома маълумотлари; 2-сонли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”даги маълумотлар.

Сотув ҳажми ва унинг таркибий қисмларининг аудити - кўп жиҳатдан бутун текширувнинг сифатини белгиловчи муҳим масалалардан биридир.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш аудитининг мақсади тайёр маҳсулот тўлиқ кирим қилинганлигини, сотишдан олинган тушум ва сотилган маҳсулотнинг таннархи тўғри ҳисобланганлигини аниқлашдан иборат.

Текширув жараёнида аудитор қуйидаги масалаларни ҳал этади:

тайёр маҳсулотни баҳолаш бўйича усул асосли танлаб олинганлиги ва тўғри қўлланилаётганини тасдиқлаш; тайёр маҳсулот тўлиқ кирим қилинаётганлигини аниқлаш;

жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар ҳажмларини тасдиқлаш;

жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар таннархини тасдиқлаш.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича ҳисоб юритилиши ҳолатини текшириш бўйича маълумот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: тайёр маҳсулотни омборда ҳисобга олиш бўйича варақалар, прејскурантлар, маҳсулотни етказиб бериш тўғрисида шартномалар, счет-фактуралар, сотиш бўйича дафтарлар, тайёр маҳсулотни бериш тўғрисида юк хатлари, харидорлардан олинган ишончномалар, тушум келиб тушганлиги тўғрисида дастлабки банк ва касса ҳужжатлари (тўлов-талабномалар, талабнома-топширикномалар касса кирим ордерлари ва бошқалар), 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”; 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”; 2910 “Омбордаги товарлар”; 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”; 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”; 5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари”; 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”; 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар”; 6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар” бошқасчётлар бўйича ҳисоб регистрлари (рўйхатномалар, журнал-ордерлар, машинограммалар), Бош китоб, “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” (2-сонли шакл) ва бошқалар.

Тайёр маҳсулот ва товарларга аудитининг режаси ва дастурини тайёрлаш.

Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сарфлар ва харажатлар: бошқарув харажатлари, маҳсулоти сотиш харажатлари ва бошқа умум хўжалик харажатлари давр харажатлари деб тушунилади.

Давр харажатларини текшириш, уларни таркибини тўғри аниқлашдан бошланади. Чунки баъзида ишлаб чиқаришга таъллуқли харажатлар давр харажатлари таркибида ҳисобга олиниши зарур-бўлган харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига қўшилиб кетиши мумкин. Бу эса ишлаб чиқариш таннархини ўзгартиришга олиб келади.

Аудитор давр харажатлар таркибидаги 1-сонли иловадаги солиққа тортиладиган давр харажатларига алоҳида аҳамият бериши зарур.

Аудитор бошқарув аппаратини сақлаш хизмат сафари учун ажратилган маблағларни мақадга мувофиқ ва самарали ишлатилишини аниқлайди.

Давр харажатлари режаси мавжудлиги аниқлаб, бу режа ҳақиқий харажатлар ҳар бир модда бўйича таққосланиб камчиликлар аниқланади.

Бошқарув ходимларга таъллуқли бўлган меҳнатга ҳақтўлаш харажатлари режага қараганда фарқ қилса аудитор бу ҳолатлар сони ўзгариши, штат жадвалида тасдиқланган лавозим маошларни ҳақиқий маошлар билан мувофиқлигини текширади.

Маъмурий аҳамиятга эга асосий воситалар (бино, иншоат ва хоказо) ни сақлаш ва таъмирлаш харажатлари текширилганда энергия харажатлари нормалари, иситиш, ёритиш, амортизация харажатлари кўриб чиқилади. Вазирликлар, ассоциациялар, концернлар органларни сақлаш учун ажратмалар назорат қилинганда юқори ташкилотлар билан корхона ўртасида тузилган шартномалар, бу шартномаларда керакли бўлган шарт шароитлар мавжудлиги ва уларга риоя қилиниши аниқланади.

Ишлаб чиқариш жараёни давомида амалга ошириладиган, ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил қилинишини такомиллаштириш билан боғлиқ, шунингдек маҳсулот сифатини яхшилаш, ишончлигини кучайтириш, хизмат муддатини узайтириш ва бошқа истеъмол хусусиятларини яхшилишга қаратилган харажатлар текширилганда бу харажатларни режага ёки аввалги йилга нисбатан ўзгариши кўриб чиқилди. Бу модда бўйича камайиш аниқланса бу салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Давр харажатларига таъллуқли турли нобудгарчиликлар ва зарарларини аудитор синчиклаб текшириши лозим, чунки бундай зарарлардан корхона солиқ тўлаши лозим. Бундай зарарларга шартномаларини шартларини бузганлиги учун жарималар, пеня ва бошқа санкциялар, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш учун харажатлар: даромадни ёки бошқа солиққа тортиш объектни яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) учун жарималар; даво муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлар ва бошқа ундирилиши даргумон бўлган қарзларни ҳисобдан чиқариш бўйича зарарлар ва ҳоказоларкиради.

Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатларни текшириш ушбу маҳсулотни ўраш, сақлаш, ташиш харажатлари меъёр чегарасидан чиқмаслиги,

уларни тўғри расмийлаштириш ва ҳисобга олишни аниқлашдан иборатдир.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш аввалдан тузилган буюртма ва шартномалари асосида амалга оширилиши керак. Шартнома ва буюртмаларсиз ишлаб чиқарилган маҳсулот омборларни товарлар билан тўлиб ётиши, хўжалик маблағларни секинлик билан айланиши натижасида молиявий аҳволни мураккаблашишга олиб келиши мумкин.

Текшириш даврида харидорлар билан тузилган шартномалар, маълумотлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиш дастури билан мувофиқлаштирилганлиги аниқланади.

Харидорлар билан тузилган шартномалар, маҳсулот ишлаб чиқариш режалари маълумотлари асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни турлари ва ассортиментни бўйича таққосланади.

Текшириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бир меъёрда амалга оширилиши аниқланади. Бунинг учун корхонада ишлаб чиқарилган режа ва графиклардан фойдаланади. Текширув вақтида мазкур режалар маҳсулот жўнатилиши муддатлари билан келишилганлигини аниқланади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишининг бухгалтерия ҳисоби текширилганда ишлаб чиқаришдан қабул қилинган тайёр маҳсулотни ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганлигига аҳамият берилади. Баъзи ҳолларда тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда қабул қилинишини акс эттирувчи далолатнома ва юкхатиларга ишлови тўлиқ берилмаган, технологик жараёнлари тугатилмаган, ҳужжатларда тўлиқ акс эттирилмаган буюмлар киритилади.

Бундай ҳолларни мақсадида масъул шахслар тайёр маҳсулотни цехларда сақланиши бўйича сохта тилхатлар ёки бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Текшириш вақтида алоҳида эътибор тайёр маҳсулотнинг тўғри баҳоланишига қаратилади чунки баҳолаш маҳсулотнинг таннархига ва молиявий натижаларига таъсир этади.

Корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ тайёр маҳсулот жорий ҳисобда барқарор ҳисоб нархларда акс эттирилади. Бундай ҳисоб нархлар сифатида режадаги (норматив) таннарх ёки шартномавий сотиладиган баҳолардан фойдаланиш мумкин, ҳисобот даврининг охирида маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи билан ҳисоб, нархлар орасидаги фарқи аниқланади ва алоҳида ҳисобга олинади.

Тайёр маҳсулот ва товарларбилан боғлиқ муомалаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Корхонада сотиш учун мўлжалланган маҳсулот (иш, хизмат) товар маҳсулоти деб номланади. Товар маҳсулоти (иш, хизмат) таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

буюртмачи ва харидорларга сотилган тайёр маҳсулот (иш, хизмат) ва корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар;

халқ истеъмоли товарлари, чиқиндилардан тайёрланган ишлаб чиқариш техника мақсадларига мўлжалланган буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда

маҳаллий хом-ашёдан халқ истеъмоли учун тайёрланган ноозиқ-овқат товарлари;

ташкilotда тайёрланган тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш циклининг пировард натижаси)-сотиш учун мўлжалланган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда шартномада ёки бошқа ҳужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифларига мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутиланиши) тугалланган актив;

бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан харид қилинган (олинган) ва ташкilotнинг одатдаги фаолияти давомида қўшимча ишлов беришсиз сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар. Бунда узоқ муддатли активлар объектлари (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқалар) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Таннархни аниқлашнинг босқичли усули бошланғич хом - ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор босқич, фаза, поғоналардан ўтадиган ташкilotларда қўлланади. Ушбу усулда аввал барча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархи, сўнгра унинг бирлиги таннархи аниқланади.

Босқичли усул ташкilotнинг тармоққа муносиблигига боғлиқ ҳолда икки вариантда амалга оширилиши мумкин: ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз вариантларда.

Ярим тайёр маҳсулотли вариантда ҳар бир босқич бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоблаб чиқарилади камида у аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархи ва мазкур босқич бўйича харажатлардан иборат бўлади. Охирги босқич маҳсулотнинг таннархи барча тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳамдир.

Ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда фақат охирги босқич маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархигина ҳисоблаб чиқарилади. Бунда харажатлар аввалги босқичлар маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг таннархини ҳисобга олмасдан, ҳар бир босқич бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига барча алоҳида босқичлар бўйича уни ишлаб чиқариш харажатлари киритилади.

Асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар), сотиш қиймати асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)га қараганда жуда паст бўлган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) деб аталади.

Қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)дан биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг фарқи шундан иборатки, уларни тақсимлаш нуқтасига етгунга қадар турли хилдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатида идентификациялаш мумкин эмас.

Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотиш қийматини бўлиниш нуқтасида аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларни бўлиниш нуқтасида тақсимлаш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

а) натура кўрсаткичлардан фойдаланиш усули. Ушбу усулда бўлиниш

нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳар бир турига унинг натура кўрсаткичларида ифодаланган ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади;

б) бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати асосидаги усул. Ушбу усулда бўлиниш нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳар бир турига уни сотишдан тахмин қилинган тушум умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Маҳсулот (иш, хизмат) сотилиши ҳисобини ташкил қилишда сотилган маҳсулот, товарлар, иш ва хизматларнинг ҳар бирининг алоҳида тури бўйича юритилиб, сотилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таркибий тузилиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг умумий сотилиш суммасидаги ҳиссаси, ҳар қайсининг рентабеллик даражаси ва бошқа маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Сотилган маҳсулот 9010-"Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар", 9020-"Товарларни сотишдан олинган даромадлар", 9030-"Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар" счетларида ҳисобга олинади. 9040-"Сотилган товарларнинг қайтарилиши" ва 9050-"Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар" счетларида сотилган товарларнинг қайтарилиши ҳамда харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар акс эттирилади.

9010, 9020, 9030 - счетларнинг кредитида 4010 - "Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар" счет билан корреспонденцияланган ҳолда маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан олинган соф тушум акс эттирилади. Бу счетларда харидорларга жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат) лар бўйича ҳисобланган акциз солиғи ва ҚҚС суммалари акс эттирилмайди.

4010-"Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар" счет актив бўлиб, унинг сальдоси харидор ва буюртмачиларнинг корхонадан сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар бўйича қарзини кўрсатади, дебет обороти ҳисобот ойида топширилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотиш қийматини, кредит обороти эса ҳисобот ойида харидорлар томонидан тўланган суммани кўрсатади.

Харидорларга юклаб жўнатилган маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби 16-қайдноманинг 2-бўлимида юритилади. Юклаб жўнатилган ва сотилган маҳсулотларнинг счетлари бўйича синтетик ҳисоб 11-журнал-ордерда юритилади. Бу журнал-ордер 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулотлар"; 9410 "Сотиш харажатлари"; 9010 "Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар"; 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар"; 9030 "Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда даромадалр"; 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши"; 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши"; 4010 "Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлар" - счетларнинг кредит оборотларини ва 9010, 9020, 9030-счётларнинг аналитик маълумотларини ёзиш учун мўлжалланган. 11 -журнал-ордер 15 ва 16-қайдномаларнинг аналитик маълумотларига асосан тўлдирилади.

Тайёр маҳсулот ва товарларқабул қилиш, баҳолаш уларни кирими ва чиқими тўғрилигини текшириш.

Омбордан тайёр маҳсулот харидорларга корхонанинг сотиш бўлими буйруғига асосан жўнатилади. Маҳсулотни сотиш харидор корхоналар билан тузилган шартнома ва жўнатиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Сотиш режасини бажаришда харидорларга жўнатиш маҳсулот ҳисобини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Буни маҳсулот ортиб жўнатишдан тортиб то унинг учун харидорлардан пул келиб тушгунча бўлган товар маҳсулотнинг ҳаракатини доимий равишда кузатиб туриш керак. Бундай назорат ҳар бир дастлабки ҳужжат билан жўнатиш товар маҳсулот бўйича алоҳида юритилиб, шу маҳсулотнинг қачон ва кимга жўнатишлиги, унинг йўлдаги ҳаракатига қанча вақт кетиши кераклиги ва ҳақиқатда қанча вақт кетганлиги, қандай харидорлар маҳсулотни қачон қабул қилиб олганликлари ва қачон пулни тўлаш кераклиги, қандай харидорлар уларга жўнатиш моллар учун пул тўламаган ва нима учун тўланмаганлигини, ҳуллас, йўлдаги барча товар маҳсулотнинг тақдирига доир масалалар ҳақида хабардор бўлиб туриш имконини беради.

Маҳсулотнинг омбордан кетишини расмийлаштирувчи ҳужжат асосида харидорларга жўнатилаётган тайёр маҳсулотга счёт, тўлов талабномаси ёзилади ва товар олувчи корхонага хизмат қилувчининг банкига топширилади.

Тўлов-талабнома. Мол етказиб берувчининг счёт-фактурага мос равишда ортиб жўнатиш маҳсулот қиймати учун харидорнинг ҳисоб-китоб счётидан пулни ўтказиб бериш тўғрисида банкка берган буйруғидир. Унда ортиб жўнатиш маҳсулот қиймати ва сотиш баҳоси, сони, ассортиментни қайд қилинади (бу ҳолатда счёт-фактура, албатта, тўлов-талабномасига илова қилиниши лозим).

Счёт-фактура ёки тўлов талабномасининг алоҳида бўлмасида идиш ва қадоклаш қиймати ҳамда харидор томондан тўланадиган темир йўл бўйича тариф суммаси кўрсатилади. Баъзида харидор томонидан тўланиши лозим бўлган темир йўл тарифи бўйича суммага умумий маҳсулотнинг сотиш баҳоси қўшиб кўрсатилиши мумкин. Қўшилган қиймат солиқ суммаси алоҳида бўлимида кўрсатилади. Мол етказиб берувчи билан харидор ўртасида тузилаётган шартнома вақтида франко жой тўғрисида тўхталиб ўтиладики, бунда маҳсулотни ортиб жўнатиш билан боғлиқ харажатларни мол етказиб берувчи ўз зиммасига олади. Франко жойнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Франко-омбор мол етказиб берувчи. Бунда маҳсулот ортиб жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларини мол етказиб берувчи корхона тўлов-талабномасига қўшади (омбордаги ортиб тушириш ишларининг қиймати темир йўл тарифи ва етказиб бериш харажатлари).

Инвентаризация натижаларига кўра, ҳайъат ва моддий жавобгар шахс ўртасида келишмовчилик бўлмаслиги учун инвентаризация тугаганда ёки ҳар куннинг охирида ёзув натижалари ўзаро текшириб борилади.

Санаш йўли билан ўтказиладиган инвентаризацияда (пул маблағлари, чорва моллари, асосий воситалар, инвентар ва хўжалик жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар) санашни одатда инвентаризация ҳайъатининг диққат билан кузатиши

остида моддий жавобгар шахс амалга оширади. Санаб ўтказилган буюмлар бир жойдан бошқа жойга ўтказиб қўйилади ва инвентаризация тугагунча хўжалик ишлаб чиқариш оборотига жалб этилмайди.

Тарозида тортиш йўли билан ўтказиладиган ресурслар, моддий бойликлар (уруғлик, ем, тайёр маҳсулот, минерал ўғит, қаттиқ ёқилғи ва бошқалар) инвентаризациясида ортиш-тушириш ишларини бажариш учун ишчилар жалб қилинади. Ҳар бир тортиш натижалари ҳайъат аъзолари ҳамда моддий жавобгар шахс томонидан параллел равишда ёзиб борилади.

Ўлчаш усули бўлган ўтказиладиган моддий бойликлар (дағал хашак, органик ўғит, нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқалар) инвентаризациясида жавобгарлик шахс ҳайъати билан биргаликда бу ресурсларнинг бўйини, энини ўлчаб, уларнинг ҳажмини топади.

Жараёнлар инвентаризациясида (бажарилган ишлар, ҳисоб-китоб ва бошқалар) ҳам инвентаризациягача ҳисоб маълумотларида акс эттирилган бажарилган иш ва хизматлар ҳажми, дебитор ва кредитор қарзлар суммаси аниқланади. Агарда инвентаризация ўтказиладиган пайтда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаган бажарилган иш ёки ҳисоб-китоблар бўлса, бу операциялар бошланғич ҳужжатлар асосида ҳисоб регистрларига ўтказилади.

Тайёр маҳсулот ва товарлар мавжудлиги сақланиш ва улардан самарали фойдаланиш даражасини текшириш.

Маҳсулот (иш, хизмат) одатда маълум бир қийматда баҳоланади ва сотилади.

Баҳо - қийматнинг пулдаги ифодасидир. Унинг асосини у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ ижтимоий зарурий меҳнат ташкил қилади. Тайёр маҳсулот (иш, хизмат) нинг сотиш қийматини белгилашда "Товар-моддий заҳиралар" номли 4-сон БҲМС дан фойдаланилади. Тайёр маҳсулотлар энг кам баҳода баҳоланиши керак: таннархда ёки соф сотиш қийматида.

Ҳисобот даври охирида маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш мумкин. Лекин маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳар куни содир бўлади, шу сабабдан жорий ҳисобда маҳсулотни шартли баҳода баҳолаш керак. Тайёр маҳсулотларнинг оператив ҳисоби ишлаб чиқариш режа таннархида ёки шартнома баҳосида ёхуд чакана баҳода юритилади.

Материаллар ва маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқаришда фойдаланадиган бошқа хом-ашё, агар улардан тайёрланган маҳсулот бозор (кундалик) нархида сотилса, қийматидан паст нархда арзонлаштирилмайди. Бироқ агар оморда мавжуд бўлган нархдаги материалдан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг таннархи сотиш соф қийматидан ошиб кетса, материаллар сотиш соф қийматигача арзонлаштирилади. Бундай вазият-ларда материаллар қийматини ўлчашнинг мавжуд шаклларидаги энг яхшиси бўлиши мумкин.

Соф сотишнинг қиймати — ишлаб чиқаришни тугаллаш ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган бутлаш харажатларини чиқариб ташлаган ҳамда ТМЗ ни сотишнинг ҳисоб-китоб нархидир.

Соф сотишнинг қийматини аниқлаш мақсадида товар-моддий заҳираларни қайта баҳолаш-улар қийматини жорий қийматга мувофиқлаштириш мақсадида товар-моддий заҳиралар қийматини вақти-вақти билан аниқлаштиришдир.

1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё ва бошқа материаллар, агар уларда тайёрланган маҳсулот жорий қийматида сотилса, таннархдан паст қилиб арзонлаштирилмайди. Бироқ, агар материаллар нархининг тушиши муносабати билан тайёр маҳсулот нархи пасайтирилса, яъни ушбу материаллардан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг таннархи мазкур тайёр маҳсулотни соф сотишнинг қийматидан ошса, материаллар қиймати камайтирилиш лозим. Шунга ўхшаш материалларни сотиб олиш харажатлари соф сотишнинг қийматини баҳолашнинг энг ишончлиси бўлиши мумкин.

Корхоналарда маҳсулотнинг режа ва ҳақиқий таннархини ҳисобот даври якунида тартибга солиш керак. Ҳақиқий таннарх ҳисобот даври охирида аниқланади. Режа таннарх эса олдиндан белгиланади. Ҳисобот даври охирида ҳақиқий таннарх режа таннархдан кам ёки кўп бўлиши мумкин.

Тайёр маҳсулотлар қайси ҳисоботда ҳисобга олинган бўлса, оғишишлар ҳам шу ҳисоботда тежалган бўлса - қизил сторно усулида, ортикча харажат бўлса - оддий сиеҳда акс эттирилади.

Тайёр маҳсулот ва товарларнинг ўқлама (инвентаризация) қилиш тартиби ва уларни натижалари тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш.

Тайёр маҳсулотнинг ва товарларни ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, уларнинг соф сотиш қийматини тасдиқлаш ва уларнинг бут сақланишини назорат қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан вақти - вақти билан, лекин йилда камида бир маротаба товар-моддий захираларни инвентаризацияси ўтказилади.

Ресурслар, моддий бойликлар инвентаризациясини бошлашдан олдин назоратчилар моддий жавобгар шахсга инвентаризациягача бўлган ҳамма қиммат ва қиммат бошланғич ҳужжатларини ҳисоб регистрларига ўтказилиши, кейин қолдиқлар асосида ҳисобот туздириб, хўжалик бухгалтериясига топширишни таъминлашлари ҳамда моддий жавобгар шахсдан ҳамма ҳужжатлар ва қиммат ёки қиммат қилинмаган моддий бойликлар жойида эканлиги тўғрисида тилхат олишлари шарт. Тилхатни бевосита ҳисоботига ёки алоҳида вараққа ёзиши мумкин. Кейин моддий жавобгар шахс томонидан олинган бошланғич ҳужжатлар форма ва мазмунига кўра, диққат билан текшириб чиқилади. Бунда белгиланган тартибда тўлдирилмаган ҳужжатлар ва бошқа кишилардан олинган тилхатлар эътиборга олинмайди.

Моддий жавобгар шахс ҳисобидаги моддий бойликлар қолдиқлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққосланиб кўрилади. Агарда бу маълумотлар орасида фарқ бўлса, хўжалик бош бухгалтери орқали унинг сабаблари аниқланади ва моддий бойликларнинг инвентаризация бошланиш вақтигача бўлган қолдиғи аниқ ҳисоблаб чиқилади. Бу маълумотлар инвентаризация натижалари билан солиштириб кўриш учун фойдаланилади.

Ресурслар инвентаризациясини ўтказишни ташкил қилишда хазина, омбор биноси ва текшириш лозим бўлган объектлар жойлашган бошқа биноларни олдиндан тайёрлаш, столлар, стеллажларни тартиб билан жойлаштириш, текширилган ресурслар учун жой очиш, зарур ҳолларда биноларни ёритиш ва

иситишни яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Инвентаризацияда қатнашувчи ишчилар ва комиссия аъзолари инвентаризация ўтказиш тартиб қоидалари билан таништирилган, уларга керакли инструктажлар берилган бўлиши керак.

Инвентаризация пайтида текширилаётган объектда моддий бойликларни қабул қилиб олиш ва чиқариш операцияларини тўхтатиш лозим ёки инвентаризация натижаларининг объективлигини ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминловчи алоҳида режимни қўллаш зарур. Ана шу ташкилий ишлар амалга оширилгач, бевосита моддий бойликлар инвентаризациясини бошлашга киришиш мумкин.

Инвентаризациянинг тўлиқлигини ва объективлигини таъминлаш учун моддий жавобгар шахс комиссияга жавобгарлигидаги мавжуд ҳамма моддий бойликларни кўрсатиши лозим. Бунда моддий жавобгар шахснинг ўзига, бошқа бирор шахсга ёки бошқа хўжаликка тегишли, лекин тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган моддий бойликлар текширилаётган хўжаликники деб ҳисобланади ва хўжалик ҳисобига кириш қилинади.

Тайёр маҳсулот ва товарларни сотиш ваҳисобдан чиқариш тўғрилигини текшириш.

Юклар жўнатиш усули қўлланилганда маҳсулот ва товар жўнатилиб, ишлар ва хизматлар бажарилганидан кейин, уларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га тақдим этилган бўлса, ана шундай маҳсулот (ишлар, хизмат)лар ва товарлар сотилган ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га шартномада кўзда тутилган усулда берилган вақтдан эътиборан бу ҳужжатлар харидор (буюртмачи)га тақдим этилган ҳисобланади. Агар шартнома шартларига кўра харидор (буюртмачи) маҳсулотни бевосита ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзида қабул қилса, у ҳолда бундай маҳсулот харидор (буюртмачи)га топширилиб, шартномада кўзда тутилган ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га ёхуд унинг вакилига тақдим этилганидан кейин сотилган ҳисобланади.

Чиқиб кетаётган товар-моддий заҳираларнинг қиймати чиқиб кетиш далилини аниқлаш пайтида балансдан ҳисобдан чиқарилиши керак. Товар-моддий заҳиралар ташкилотнинг балансидан:

а) сотиш; б) бошқа ташкилотнинг устав капиталига таъсис улуши кўринишида бериш; в) муассиснинг муассислари таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг мол-мулкни унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаётганда илгари ташкилотнинг устав капиталига киритилган улушни муассисга қайтариш; г) текинга бериш; д) айирбошлаш; е) сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги сабабли, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида тугатиш (йўқ қилиш); ж) камомад, йўқотиш ёки шикастланиш (синиш, бўлиниш) аниқланиши; з) товар қарзи кўринишида тақдим этиш ёки илгари олинган товар қарзини қайтариш; и) бошқа операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳисобдан чиқарилади.

Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромад операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф хўжалик юритувчи субъект томонидан олинган тақдирдагина тан олинади. Даромадга киритилган миқдорни ундириш хусусидаги ноаниқлик вужудга келган тақдирда, қайтарилмаган миқдор ёки

олиш мумкин бўлмаган миқдордаги пул дастлаб тан олинган даромад миқдорининг ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

Корхона ишини сотиш режасининг бажарилишига қараб баҳолаш корхона раҳбарларини маҳсулот сотиш ва молиявий фаолият масалаларига кўпроқ эътибор беришга чақиради ҳамда корхонанинг бир маромда ишлашига ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади. Булар эса, ўз навбатида, корхонадаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Харидорлар томонидан тўланган пул мол етказиб берувчи корхонанинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушади. Мол етказиб берувчи ташкилотларнинг тайёр маҳсулоти харидорлар томонидан шу маҳсулотни тайёрловчи корхонанинг ўзида бевосита қабул қилиб олинса ёки у маҳсулот транзит усули билан (таъминот, сотиш ташкилотларининг иштирокисиз) жўнатилса, маҳсулотнинг харидорга топширилиши тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва у молиявий натижаларга киритилади.

Тайёр маҳсулот ва товарларни сотишдан тушумни аниқлаш, уни тан олиш ва молиявий ҳисоботда ёритиш тўғрилигини текшириш.

Тайёр маҳсулотни харидорга жўнатиш харидор билан аввалдан тузилган шартномаларга асосан амалга оширилади. Бу шартномаларда жўнатиладиган маҳсулотни муддати, миқдори, қиймати ва ҳисоб - китоб шартлари акс эттирилади.

Аудитор шартномалардаги шарт-шароитларни тўлиқ акс эттирилишини текширади. Ундан ташқари маҳсулот жўнатилиши ҳисоб счёт-фактура, чиқим, юк хати, тўлов талабномаси ва бошқа ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганлиги аниқланади.

Маҳсулот жўнатилганда унинг сотилиши нархи тўғри ҳисобланиши, яъни унга қўшилган қиймат, акциз ва бошқа солиқлар қиймати, маҳсулотни харидорга етказиш учун сарфланадиган транспорт тайёрлов харажатлари суммаси қўшилиши текширилади.

Аудитор жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи тўғри аниқланишини текширади.

Бухгалтерия ҳисобини миллий стандартларига биноан маҳсулот жўнатилган вақтидан бошлаб сотилган деб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот харидорларга жўнатилганда унинг ҳақиқий таннархи номаълум бўлади, чунки унинг ҳақиқий таннархи ойнанинг охирида аниқланади. Шунинг учун жорий ҳисобда жўнатилган тайёр маҳсулотлар ҳисоб нархларида расмийлаштирилади.

Ҳисоб нархлари сифатида режадаги таннарх ёки шартнома нархлари қўлланилади. Ҳисобот даврининг охирида жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ва унинг ҳисоб нархлари билан фарқи аниқланади.

Товар-моддий захиралари аудити. Аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Субъектлар ишлаб чиқариш фаолиятларини амалга ошириш учун маълум миқдорда товар-моддий захираларига эга бўлиши керак. Товар-моддий захиралари хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини нормал давом этишини таъминлайди. Уларнинг таркибига материаллар, хом-ашё, эҳтиёт қисмлар ва ҳ.к лар киради.

Товар-моддий захираларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади-уларнинг сақланиши, тежамли ва оқилона ишлатилиши, ҳисобга олишнинг тўғри ташкил этилишини аниқлашдан иборат. Шунингдек ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини ва товар-моддий захиралар билан боғлиқ муомалалар ҳисоби ва солиққа тортиш услубининг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Товар-моддий захиралар бўйича ҳисобот кўрсаткичларининг ҳаққонийлигини текширишда бошқа аудит объектларидаги каби, даставвал, баланснинг «Ишлаб чиқариш захиралари» (150-сатр), «Тугалланмаган ишлаб чиқариш (160-сатр)», «Тайёр маҳсулот» (170-сатр), «Товарлар» (180-сатр) моддалари, Бош дафтар, журнал-ордерлар ва бошқа ҳисоб регистрлари орасидаги тэнгликни аниқлаш зарур (7.1-жадвал).

Шу билан бирга, синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларининг мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш муҳимдир. Моддий қийматликларни ишлаб чиқариш харажатларига олиб бориш ва уларнинг баҳоларини текшириш, ишлаб чиқаришга сарфлаш меъёрлари ва бошқаларни текшириш зарур. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга даъво қўзғатишнинг ўз вақтидалиги ва тўғрилиги ҳамда йўлдаги (субъектга етиб келмаган) материаллар қолдиғининг ҳаққонийлигини ҳам текшириш керак.

Йўлдаги моддий қийматликларни текширишнинг вазифалари: йўлдаги моддий қийматликлар сифатида ҳисобда турган ҳар бир жўнатишнинг асослилигини аниқлаш, юкларни етказиб бериши муддатларининг ўтиб кетмаганлигини аниқлаш, хўжалик томонидан юкларни қидирув чораларининг кўрилишини аниқлаш, бош бухгалтер ва таъминот ходимлари томонидан йўлдаги моддий қийматликларни ҳисобга олиш устидан назорат ўрнатилиши кабиларини аниқлашдан иборат. Булардан ташқари ҳисоб маълумотларининг ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга мос келиши ва товар маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўғрисидаги ҳисоботларда қўшиб ёзиш фактлари аниқланади. Текширув жараёнида аудитор қўйидагиларни аниқлаши лозим:

- захираларнинг ҳақиқатда мавжудлиги;
- захиралар билан боғлиқ барча муомалаларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида тўлиқ ва тўғри акс этирилганлиги;
- барча захиралар субъект мулки эканлиги, яъни уларга мулкый ҳуқуқ мавжудлиги, қарз сифатида акс этирилган суммалар эса мажбурият эканлиги;
- захираларни ва улар билан боғлиқ мажбуриятларни баҳолашнинг тўғрилиги;

-товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тамойиллари тўғри танланганлиги ва қўлланилишининг тўғрилиги.

Товар–моддий захиралари аудитининг маълумот манбалари

Товар-моддий захираларни текширишда қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилади:

-моддий қийматликларни қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва ҳаракати билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар;

-ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ;

-товар-моддий захиралар билан боғлиқ муомалаларни расмийлаштиришга доир дастлабки ҳужжатлар;

-ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва материаллар;

-товар-моддий захираларни ҳисобга олишга доир бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботлари;

моддий жавобгар шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида тузилган шартнома.

Аудитор текширув мобайнида текширувнинг ушбу соҳаси бўйича танланган ҳисоб юритиш усуллари ва услублари тўғрисида ахборотга эга бўлиши лозим. 4-сонли «Товар-моддий захиралар» номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти талабларига мувофиқ субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисидаги буйруғида товар-моддий қийматликларни ҳисобга олишнинг услубий жиҳатлари, хусусан қуйидагилар ҳақидаги ахборотлар акс эттирилиши лозим:

-асосий воситалар билан инвентар ва хўжалик жиҳозлари ўртасидаги чегаралар;

-товар-моддий қийматликларни сотиб олиш (тайёрлаш) ни ҳисобга олиш;

-товар-моддий қийматликларни уларнинг турлари бўйича ҳисобдан чиқариш натижасида баҳолаш усуллари.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олишда қўлланиладиган дастлабки ҳужжатлар шакллари субъектдаги моддий қийматликларнинг турлари ва гуруҳларига боғлиқ. Қўлланиладиган дастлабки ҳужжатларда барча зарур реквизитлар бўлиши шарт. Бундай дастлабки ҳужжатларга қуйидагилар кирази: моддий қийматликларни олиш учун ишончномалар, кирим ордерлари, материаллар, инвентар ва хўжалик жиҳозларини киримга олиш ва ҳисобдан чиқариш далолатномалари, лимит-забор карталари, талабнома-юк-хатилар, товар-транспорт юк-хатилари, омбор ҳисоби карточкалари ёки дафтари.

Ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа маълумот манбаларига қуйидагилар кирази:

-субъект раҳбарининг буйруғи (ёки фармойиши), директор кенгаши мажлисининг баённомалари, таъсисчилар ва бошқа ҳайъат йиғилиши қарорлари. Агар субъект устав капиталининг миқдорини шакллантириш ёки ўзгартириш мобайнида улуш сифатида материаллар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари, товарлар қўшилган бўлса, шунингдек агар дивидендлар ёки даромадлар моддий қийматликлар билан тўланса ушбу ҳужжатларни ўрганиш аудитор учун ўта муҳим аҳамият касб этади;

-субъектда ўтказилган аудиторлик текширувлари ўтган йиллардаги ҳисоботлари;

-товарлар, материаллар, хом-ашёлар ва ҳоказоларни етказиб бериш шартномалари;

Аудиторнинг субъект ходимлари билан раҳбарият таркибидаги, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимидаги ўзгаришлар тўғрисидаги суҳбатлари текширув учун зарур қўшимча ахборотлар бериши мумкин. Бундай ўзгаришларнинг натижалари ишчи ҳужжатларда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Товар-моддий захиралари аудитининг тартиби

Товар-моддий захиралар билан боғлиқ хўжалик муомалаларини аудиторлик текширувидан қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқ:

-мазкур текширув участкасининг йўналишлари бўйича ҳисоб сиёсатининг қоидаларини ўрганиш;

-товар-моддий захираларга доир ички назорат тизимининг ишончлилиқ даражасини баҳолаш. Бунинг учун омбор хўжалиги ва омборхоналарнинг ҳолатини текшириб чиқиш;

-моддий жавобгар шахслар томонидан товар ҳисоботларини тузиш ва белгиланган муддатларда бухгалтерияга топширилишини ўрганиш;

-товар-моддий қийматликларнинг ҳисобот санасига таркибини таҳлил қилиш;

-танлаб инвентаризация қилинадиган объектларни аниқлаш;

-товар-моддий захиралар ҳаракатини таҳлил қилиш;

-товар-моддий захираларни баҳолашнинг тўғрилигини текшириш;

-товар-моддий захиралар синтетик ва аналитик ҳисобининг ташкил этилиши ҳамда ҳолатини текшириш.

Товар-моддий захираларни аудиторлик текширувидан ўтказиш бухгалтерия ҳисоботида катта хатоликларга йўл қўйиш хавфини камайтиради. Шунинг учун, товар моддий захираларни текширишни бошлашдан олдин, аудитор энг кўп учрайдиган қоидабузарликларни аниқлаши ва шуни ҳисобга олган ҳолда зарур текширув амалларини танлаши керак.

Товар-моддий захиралар қолдиқларини акс эттириш ва сотилган маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг тўғрилигига таъсир қилувчи муомалалар қуйидагилар натижасида юзага келади:

а) молиявий ҳисоботнинг бузилиши:

-олдинги даврларда ҳисобдан чиқарилган, ҳамда фойдалилик хусусиятларини тўлиқ ёки қисман йўқотган моддий қийматликлар инвентаризация маълумотларига қўшилиши; йўлдаги товарларни ёки сотиб бўлинган товарларни икки марта ҳисобга олиш;

-учинчи шахслар омборида сақланаётган ишлаб чиқариш захиралари қолдиғининг ошириб кўрсатилиши;

-комиссияга қабул қилинган яъни балансдан ташқари сётларда ҳисобда турган товар-моддий захиралар ҳам инвентаризация маълумотларига қўшилиши ва шунга ўхшашлар;

б) суиистеъмолликлар:

-субъектнинг бир неча ҳодимлари ҳатти ҳаракати ёки сақлаш устидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида қийматликларнинг ўғирланиши;

-олинган товарлар ҳужжатларда кўрсатилганидан кам ёки сифациз бўлса, уларни қабул қилиш учун масъул шахсларнинг мол етказиб берувчилардан пора (пул ёки совға кўринишидаги буюм) олиш ҳоллари;

-ҳақиқатда йўқ харидорларнинг реквизи́тларини кўрсатиш йўли билан жўнатиш ҳужжатларини қалбакилаштириш.

Муомалаларни ҳисобда акс эттирмаслик кўпинча, кредитор қарзларни текшириш мобайнида аниқланиши мумкин.

Товар-моддий заҳиралари сақланиши ва киримини текшириш

Омбор хўжалигининг аҳволи ва товар-моддий заҳиралар сақланишини текшириш энг муҳим аудиторлик амалларидан бири бўлиб ҳисобланади. Субъект фаолиятининг ушбу соҳасини ҳар томонлама ўрганиш учун аудитор омборлар, сеҳлар ва ишлаб чиқариш заҳиралари сақланадиган бошқа жойларни текширади.

Аудит жараёнида моддий қийматликларни қабул қилиш, сақлаш ва беришга алоқадор ходимларнинг моддий жавобгарликларини ташкил этишга махсус эътибор қаратилади. Ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг иш тартиби, қийматликларни қабул қилиш ва бериш, ҳамда уларни ҳужжатлаштириш тартиби, омборларда натурал ўлчовларда ҳисобни юритиш, бухгалтерияга ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари кўрсатилган стандартлар ёки йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва моддий жавобгар шахсларга тақдим қилиш моддий қийматликларни сақлашни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Товар-моддий заҳираларни сақлаш жойларини кўздан кечириш мобайнида моддий жавобгар шахслардаги ҳужжатлар бўйича улар қийматликларни қабул қилиш ва беришни расмийлаштириш, ҳамда омборхона ҳисоби дафтари ёки карточкаларига ёзишни ўз вақтида амалга оширилаётганлиги текширилади. Ҳисобга олинмаган ошиқча материаллар ва тайёр маҳсулотлар қуйидаги йўллар билан вужудга келиши мумкин:

-тайёр маҳсулотларни тайёрлаш мобайнида хом-ашёларни алмаштириш;

-хом-ашё ва материалларни топширувчиларнинг оғирликдан уриб қолиши, намлигини ошириб кўрсатиш ва уларнинг навларини пасайтириш;

-тайёр маҳсулотларни харидорларга жўнатиш мобайнида ўлчовдан, ҳисобдан ва тарозидан уриб қолишлар;

-моддий қийматликларни юклаш, ташиш, тушириш ёки сақлаш мобайнида йўқолган деб асоссиз далолатномалар тузиш ва шунга ўхшаш.

Товар-моддий заҳираларининг тўлиқ кирим қилинишини текшириш мобайнида аудитор мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларнинг шакллари ва шартларини, танланган баҳолаш усулини, сотиб олинган қийматликлар бўйича ҚҚС ни коплаш тартибини ҳисобга олиши зарур.

Товар-моддий заҳираларининг тушуми ва кирим қилиниши мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар ва кузатиб борувчи ҳужжатлар (товар-

транспорт юк хатлар, счёт-фактуралар, кодоқлаш ёрликлари, сифат гувоҳномаи, қабул қвитанцияси ва бошқалар) асосида текширилади.

Омборхона кирим ҳужжатларини мол етказиб берувчиларнинг кузатиб боровчи ҳужжатлари ёки материалларни чакана савдода нақд пулга сотиб олиш ҳужжатлари билан солиштириш омборхонада содир бўлган кирим муомалаларини текширишнинг умумий усули ҳисобланади.

Товар-моддий захиралари тўғри баҳоланганлигини текшириш

Товар-моддий захираларини баҳолашнинг тўғрилиги кўп жиҳатдан уларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишга боғлиқ. Шунинг учун аудитор 1010-1090 счётлар бўйича моддий қийматликлар ҳисоби, уларнинг ҳар бир тури бўйича ҳамда истеъмол хоссаларига кўра (нави, маркаси, кондицияси ва ҳоказо) юритилишини, моддий қийматликларнинг истеъмол хоссаларига қараб уларнинг ҳар бирига номенклатура рақамлари берилганлиги ва уларнинг дастлабки ҳужжатларда ҳамда омборхона ҳисобида кўрсатилишини текшириши лозим.

Агар ишлаб чиқариш захиралари ҳисоб баҳолари бўйича ҳисобга олинса, ушбу баҳолар ва сотиб олинган материалларнинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқларни товар-моддий захираларнинг турлари ўртасида тақсимлаш ишлари аудит объекти бўлиб ҳисобланади.

Ҳақиқий таннархини аниқлаш мобайнида ишлаб чиқариш захираларини баҳолашнинг қуйидаги усулларида фойдаланиш тавсия қилинади:

1. Тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи бўйича.
2. Ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO).
3. Биринчи харид қилинган таннарх бўйича (ФИФО).

Аудитор захираларнинг муайян турига нисбатан танланган усулнинг йил давомида ўзгартирилмасдан қўлланилганлигига ишонч ҳосил қилиши, уларни қўллашнинг тўғрилиги, ҳамда асосланганлиги ва бошқарув учун фойдалилигини текшириши лозим.

Ташкилот томонидан алоҳида тартибда фойдаланиладиган (қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва ҳоказо) ва бир-бирининг ўрнини босмайдиган (яъни улар одатдаги ҳолда бир-бирини алмаштира олмайди), шунингдек махсус лойиҳалар учун ишлаб чиқарилган ва мўлжалланган (ишлатиладиган) товар-моддий захиралар тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи усули бўйича баҳоланади.

Ушбу усулда специфик харажатлар муайян товар-моддий захираларга тааллуқли бўлади. Акс этиришнинг ушбу усули, улар сотиб олинганлиги ёки ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар, махсус лойиҳалар учун мўлжалланган маҳсулотларга тўғри келади.

Агар субъектнинг ҳисоб сиёсатида товар-моддий қийматликларни баҳолашнинг ФИФО (ФИФО) методи белгиланган бўлса, у ҳолда улар ой бошига мавжуд бўлган захиралар қолдиғининг таннархини ҳисобга олган ҳолда, биринчи сотиб олинган, захиралар баҳосида ишлаб чиқаришга сарфланиши лозим. Балансда эса моддий қийматликларнинг қолдиқлари, охирги харид баҳолари бўйича кўрсатилиши лозим.

Агар заҳиралар ўртача таннарх (AVECO усули) бўйича баҳоланса, аудитор заҳираларнинг қайсидир бир партиясини баҳолашнинг тўғрилигини, яъни ўртача баҳонинг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини аниқлаши учун бир неча дастлабки кирим ҳужжатларини текшириши зарур.

Товар-моддий заҳираларини самарали ишлатилишини текшириш

Товар-моддий заҳираларини ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларда ишлатилишини текшириш учун аудитор технологик жараёнларнинг хусусиятлари, ҳамда моддий қийматликларни омбордан ишлаб чиқаришга бериш тартиби билан батафсил танишиши лозим. Чунки, ушбу тартиб бузилганида кўплаб камчиликлар ва ҳатто суиистеъмол қилишлар юзага келади.

Товар-моддий заҳираларини ишлаб чиқаришга берилиши, дастлабки ва йиғма чиқим ҳужжатлари асосида тузиладиган, материаллар сарфланиши ҳисобга олинмаган йиғма қайднома бўйича текширилади.

Товар-моддий заҳираларини сотиш ва бошқача тарзда ҳисобдан чиқаришга доир муомалаларни текшириш. Аудитор, аввало ишлаб чиқариш заҳираларини сотишга доир муомалаларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини, барча ҳужжатлар - шартномалар, ишончномалар ва товар-транспорт юкхатлари ва бошқа дастлабки ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши (жумладан, уларда ҚҚС алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатилганлигини) аниқлаши лозим.

Аудиторлик амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентаризация қилиш кўп ҳолларда сифациз ва номунтазам ўтказилади ҳамда унинг натижалари бухгалтерия ҳисобида тўлиқ айрим ҳолларда эса умуман акс эттирилмайди.

Бундай ҳолатлар маҳсулотлар таннархининг асоссиз ошиб ёки сунъий равишда пасайиб, моддий қийматликлар сақланиши устидан назоратнинг сусайиб кетишига олиб келади.

Агар субъектнинг хўжалик фаолияти жараёнида олдин бошланган буюртмаларни тўхтатиб қўйиш ҳоллари мавжуд бўлса, аудитор қолган моддий қийматликларнинг қандай ишлатилганлиги, бекор қилинган буюртмаларга доир йўқотишлар қандай аниқланганлиги ва бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилганлигини текшириши лозим. Таъкидлаш жоизки, бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича харажатлар реализациядан ташқари сарфлар каторига кўшилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни текшириш якунида аниқланган хато-камчиликларнинг жиддийлиги ва уларнинг тегишли ҳисобот кўрсаткичлари ишончлилигига таъсири ҳақида хулоса қилинади.

Товар-моддий заҳиралар активларнинг бошқа ҳар қандай турига қараганда хўжалик фаолиятига кўпроқ таъсир кўрсатади. Текширув натижаларини умумлаштириб, аудитор ишчи ҳужжатларида тўпланган далил-исботларни бир тизимга келтириши зарур. Мунтазам йўл қўйиб келинган қоидабузарликлар бўйича аниқланган хатоликларни тўлиқ текширишга тадбиқ қилиш зарур. Тафовутларнинг катта-кичиклиги, танлов кўлами ва хатоликларнинг мунтазам содир бўлишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Товар-моддий захираларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби

Товар-моддий захираларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби 19-сон БҲМСда белгилаб берилган. Унга кўра, инвентаризациянинг асосий мақсади мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текширишдир.

Жойлашган ери ва барча турдаги молиявий мажбуриятларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектнинг барча мол-мулки инвентаризация қилиниши керак. Шу жумладан, ишлаб чиқариш захиралари ва хўжалик юритувчи субъектга қарашли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сақланишда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) шунингдек, бирор-бир сабабга кўра ҳисобга олинмаган мол-мулклар керак.

Мол-мулкни инвентаризацияси унинг жойлашган ери ва моддий жавобгар шахс бўйича ўтказилади.

19-сон БҲМС га биноан товар-моддий захиралар ҳар чоракда камида бир марта инвентаризация қилинади. Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланклар ойда бир марта, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари - ҳар чоракда, қимматбаҳо металллар - тармоқ йўриқномаларига мувофиқ инвентаризация қилинади.

Мавсумий тусда ишлайдиган субъектларда ишлаб чиқариш захиралари улар энг кам миқдорда қолганда, лекин қуйидаги ҳолларда мажбурий инвентаризация қилинади:

-асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар қайта баҳоланганда;

-моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни қабул қилиш - топшириш кунида);

-ўғирлик ёки суиистеъмол, шунингдек, бойликларни ишдан чиқариш фактлари аниқланганда;

-табiiй офатлар, ёнғинлар фалокатлар ёки ғайритабiiй шароитлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда;

-хўжалик юритувчи субъект тугатилганда (қайта ташкил этилганда) тугатиш (ажратиш) балансини тузиш олдидан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Умумий (жамоавий) моддий жавобгарлик шароитида инвентаризация жамоа раҳбари ўзгарганда, жамоадан унинг эллик фоиздан ортиқ аъзолари чиқиб кетганда, шунингдек жамоанинг битта ёки бир нечта аъзоси талаби билан ўтказилади.

Ҳисобот йилидаги инвентаризациялар миқдори, уларни ўтказиш санаси, мол-мулк ва молиявий мажбуриятлар рўйхати хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан белгиланади.

Инвентаризацияни ўтказиш учун хўжалик юритувчи субъектларда доимий ишлайдиган инвентаризация комиссиялари тузилади. Унинг таркибида: хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки унинг ўринбосари (комиссия раиси);

-бош бухгалтер;

-бошқа мутахассислар (мухандислар, иқтисодчилар, техниклар ва ҳоказолар) ички аудит вакиллари киритилиши мумкин.

Ишлар ҳажми катта бўлганда мол-мулк ва молиявий мажбуриятларни инвентаризацияни бир вақтда ўтказиш учун таркибида:

-инвентаризацияни тайинлаган хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг вакили (комиссия раиси);

-мутахассислар: товаршунос, мухандис, технолог, механик, иш юритувчи, иқтисодчи, бухгалтерия ходими ва бошқалар бўлган ишчи инвентаризация комиссиялари тузилади.

Комиссия таркибига инвентаризация қилинаётган бойликлар, нархлар ва бирламчи ҳисобни яхши биладиган тажрибали ходимлар киритилиши керак.

Товар-моддий захиралари инвентаризация натижалари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

Аудит жараёнида инвентаризация натижасида аниқланган товар-моддий захиралар камомати ва ортиқча чиқишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиққа тортиш масалалари ҳам ўрганилади.

Субъектга келтирилган моддий қийматликлар тегишли омборхонага ўз вақтида кирим қилинишини ёки агар улар дарҳол сеҳга бериладиган бўлса, омборхона орқали расмийлаштирилиб, бу ҳақида ҳужжатларда қайд қилинади.

Шундай қилиб, бу ҳолда омборхона ходими моддий қийматликларнинг мавжудлиги ва сеҳга берилганлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, моддий қийматликларни текширишда аудитор қуйидагиларни аниқлаши лозим:

-йўлдаги моддий қийматликлар ва счет-фактурасиз жўнатилган моддий қийматликларни ҳисобга олиш ишлари тўғри бажарилишини;

-балансда кўрсатилган, йўлдаги моддий қийматликлар қолдиқларининг ҳаққонийлиги;

-1000-«Материалларнинг пул ифодасидаги ҳаракати» қайдномасининг тўғри юритилишини;

-зиммаларида моддий қийматликлар қолдиқлари ҳисобда турган моддий жавобгар шахсларнинг ҳаммаси ҳам ҳар ойда моддий ҳисоботларни топширишини;

-айтилган ҳисоботлар топширилмай туриб (моддий жавобгар шахснинг касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра) субъект раҳбарининг алоҳида фармойиши бўйича материаллар ҳисобдан чиқарилишини ва ҳисобдан чиқарилган материалларнинг сони ва қийматига кейин топширилган ҳисобот бўйича ўзгартиришлар қилиниши;

-моддий қийматликлар ишдан бўшаган ходимлар ҳисобида турган ҳоллар борлигини (агар бор бўлса, бунинг сабабларини ва айбдор шахслардан уларнинг қийматини ундириш учун қандай чоралар кўрилганлигини);

-келиб тушган (мол етказиб берувчилардан ва ҳоказо) моддий қийматликлар ҳисоб баҳолари бўйича қийматининг 6 ёки 7-журнал ордерларда акс эттирилган баҳолар бўйича қийматига мос келишини;

-сарфланган ва сотилган материаллар ҳамда фойдаланишга берилган ва ишга яроксизлиги туфайли ҳисобдан чиқарилган инвентар ва хўжалик

жиҳозларнинг баланс ва балансдан ташқари счётларида тўғри ҳисобга олинганлигини;

-моддий қийматликларнинг амалдаги таннархини уларнинг ҳисоб баҳолари бўйича қийматидан фарқ тўғри аниқланганлигини ва ҳисобдан чиқарилганлигини;

-ҳисоб баҳоларини қўллаш қийин бўлган инфляция шароитларида моддий қийматликларни баҳолаш усули борасида субъектда қандай ҳисоб юритиш сиёсати қўлланилаётганлигини;

-транспорт-тайёрлов харажатларининг таркиби тўғри аниқланганлиги ва ҳисобга олинаётганлиги;

-моддий қийматликларнинг ҳаракатига доир муомалалар 16-қайдномада тўғри ва тўлиқ акс эттирилганлигини;

-жўнатилган моддий қийматликлар учун харидорлар зиммасидаги қарзларнинг ҳаққонийлигини;

-даъво қилиш муддати тугаган, тўлаш муддати ўтказиб юборилган қарзларнинг бор-йўқлигини;

-харидорлар томонидан қисман акцептланган ёки банкка тўлиқ суммада тўлаш рад қилинган, банкка инкассога қўйилган счётлар бор-йўқлигини, бундай ҳолларда қандай чоралар кўрилганлигини;

-омборхона хўжалигининг аҳволини; моддий қийматликларнинг сақланиш шароитларини;

-материаллар миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича тўғри қабул қилинганлигини;

-моддий жавобгар шахслар томонидан моддий қийматликларни сақлаш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг бажарилишини, уларни сақлаш қоидаларининг бузилиш сабабларини;

-субъект омборхонаси ҳудудидан моддий қийматликларнинг транспортда ёки транспортчи олиб чиқиб кетилиши устидан назоратнинг таъминланишини;

-омборхона биноларининг техник ҳолатини;

-моддий қийматликлар бириктириб қўйилган ходимлар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузилганлигини;

-моддий қийматликларнинг омборхонадаги ҳаракати тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишини;

-ишончномаларни бериш ва улардан фойдаланишга доир назорат қоидаларига риоя қилинишини;

-моддий қийматликларнинг ишлаб чиқаришга оид харажатларини тўғри ҳисобдан чиқарилишини;

-материалларни қайта ишлаш учун четга беришнинг тўғри расмийлаштирилишини;

-моддий қийматликларни сақлаш ва ташишда табиий камайиш меъёрларига мувофиқ уларнинг камомади ва йўқолишларини ҳисобдан чиқаришнинг асосланганлиги ва бошқа шуларга ўхшашларни.

3-мавзу: Мажбуриятлар аудити.

3.1. Мажбуриятлар аудитининг мақсади, вазифалари ва маълумот манбалари.

3.2. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити.

3.3. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити.

3.4. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити.

Калитли сўзлар. *Мажбуриятлар, мажбуриятлар аудитининг мақсади, аудитнинг маълумот манбалари, меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити, меҳнат ҳақи, штат жадвали, меҳнат шартномлари, меҳнат интизоми, иш ҳақига нисбатан ажратмалар, даромад солиғи, ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар аудити, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити, кредиторлик қарзлари, харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити, даъволар ва олинган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар аудити, бюджет билан ҳисоб-китоблар аудити, ижтимоий сугурта ва таъминотга доир ҳисоб-китоблар аудити, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар аудити, банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудити.*

3.1.Мажбуриятлар аудитининг мақсади, вазифалари ва маълумот манбалари.

Мажбуриятлар аудитининг меъёрий асослари. Мажбуриятлар аудитининг асосий манбаси бўлиб қуйидаги меъёрий ва дастлабки ҳужжатлар ҳамда бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1996 йил 29 августда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).

2) Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 1997 йил 24 апрелда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).

3) Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Қонун. 1996 йил 30 августда тасдиқланган.

4) Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида Низом. 2002 йил 12 январда тасдиқланган.

5) 21-сонли Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БХМС). "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш тўғрисида йўриқнома".

6) Ўзбекистон Республикасининг бошқа БХМСлари.

7) Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралда 54-сон билан тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).

8) Умумдавлат солиқларини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисидаги йўриқномалар.

9) Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисидаги йўриқномалар.

10) Вазирлик, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатларини қоплаш учун маблағлар бериш тартиби.

11) Ҳисобнинг ушбу бўлимига тегишли дастлабки ҳужжатлар.

12) Ҳисобнинг ушбу бўлимига тегишли синтетик ва таҳлилий ҳисоб регистрлари.

13) Бухгалтерия ҳисоботи.

Аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Мажбуриятлар юзасидан аудит текширувининг бош мақсади – корхона операцион йил давомида иқтисодий субъектлар билан амалга оширган операциялари натижасида юзага келган қарзлари ва улар бўйича амалда мавжуд усуллар асосида ҳисоблашишлар БҲМСга асосан, ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ тартибда молиявий ҳисоботларда акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Ушбу жараёнда аудитор томонидан аудит текширувидан ўтаётган корхонанинг кредиторлик қарзлари қонуний асосда вужудга келганлиги, қопланиш имкониятининг мавжудлиги (ҳақиқий қийматда акс эттирилганлиги), корхона эғалигидаги кредит маблағлари кредиторлар билан келишилган мақсадларга, қонунни четламаган ҳолда сарфланаётганлиги, шунингдек, кредит суммаси ва кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида қайтарилиш имконияти ўрганилади ва баҳоланади.

Аудитор томонидан мажбуриятларни аудит текширувидан ўтказиш жараёнида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масала – корхона ва “боғлиқ тарафлар” ўртасида амалга оширилган операциялар ҳисобланади. Чунки, бу тур операциялар баъзан қарз берувчи (корхона)нинг эмас, балки қарз олувчи (раҳбарият)нинг манфаатини кўзлаб, корхона учун фойдасиз шартлар асосида амалга оширилган бўлиши ва бу қарзларнинг қайтарилиши раҳбарият “ихтиёрига ҳавола” этилган бўлиши мумкин. Бу эса корхона молиявий ҳисоботларида фирибгарликка йўл қўйилиш эҳтимолини оширади.

Аудитни ўтказиш жараёнида аудитор вазифалари қаторига баланс ҳисоботида акс эттирилган кредиторлик қарзлари ва улар бўйича ҳисоб-китоблар суммаси тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш билан бир қаторда, баланс ҳисоботининг шу элементлар ишончли бўлиши ва молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилишини таъминлаши лозим бўлган ички назорат тизимининг сифатини текшириш ва баҳолаш ҳам киради. Чунки, ҳисоб-китоблар юзасидан оқилона ички назоратнинг ташкил этилиши ҳисоб-китоб ва шартномавий интизомнинг мустаҳкамланишига, кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишига хизмат қилиш орқали, корхона эғалигидаги жорий активларнинг юқори айланувчанлигини таъминлашга, харидорлар ва мол етказиб берувчилар билан ўзаро ишончга асосланган, узоқ муддатли муносабатларни ўрнатишга ва шу орқали корхона молиявий ҳолатини яхшилашга имконият яратади.

Ҳисоб – китоб операциялари юзасидан аудит текширувини ўтказиш

жараёни умумий кўринишда қуйидаги олти босқичдан иборат:

кредиторлик қарзлари ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларга нисбатан самарали ички назорат тизимининг ташкил этилганлигини текшириш ва унинг сифатини баҳолаш;

бухгалтерия тизими маълумотлари ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақиқатдан ҳам мавжуд ва улар бўйича ҳисоб-китоблар ҳақиқатдан ҳам рўй берганлигига ишонч ҳосил қилиш;

кредиторлик қарзларининг барчаси тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш;

кредиторлик қарзлари ҳамда улар бўйича ҳисоб – китоб операциялари юзасидан арифметик амаллар тўғри бажарилганлигини ўрганиш;

баланс ҳисоботида кредиторлик қарзлари ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини баҳолаш;

баланс ҳисоботида кредиторлик қарзлари тўғри гурухлаштирилганлигига ва агар зарурат бўлса, улар бўйича зарурий қўшимча маълумотлар иловаларда тўлиқ ва тўғри келтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Кредиторлик қарзларининг тўлиқ ҳисобга олинганлигини текшириш операцион йил якунида ва кейинги операцион йил бошида содир этилган операцияларнинг жорий ва кейинги операцион йил молиявий ҳисоботларида тўғри келтирилганлигини текширишни ва шунинг асосида жорий йилда содир этилган операциялар шу йил ҳисоботларида кўрсатилганлигини текширишни назарда тутати.

Кредиторлик қарзлари ҳақиқий қийматида акс эттирилганлигини аудит текширувидан ўтказганда аудитор аввало бу қарзларнинг қопланиш имкониятини баҳолаши ва “шубҳали қарзлар бўйича резерв” счетига ўтказилиши лозим бўлган суммани аниқлаши ёки бу счетга ўтган сумма қанчалик асосли эканлигини текшириши лозим.

Баланс ҳисоботларида келтирилган кредиторлик қарзлари молиявий натижаларда келтирилган даромад ва харажат элементлари билан ҳам боғлиқ бўлганлиги сабабли, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ҳисоб – китобларни текшириш жараёнида аудитор молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ҳам текшириб боради. Шу сабаб, ҳисоб – китоб операциялари юзасидан аудит текширувининг асосий манбалари бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар ва шу ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Аудитнинг режаси ва дастурини тайёрлаш.

Режалаштириш аудит текширувини ўтказишнинг дастлабки босқичи ҳисобланиб, молиявий ҳисобот элементларига нисбатан аудит текширувининг якуний мақсадини ифодалайди. Ушбу мақсад “аудит режаси” номли ишчи қоғозда ўз ифодасини топади. Аудиторлик фирмаларида ушбу ҳужжат катта аудитор томонидан тайёрланади ва текширувда иштирок этаётган ассистентларга тарқатилади. Аудит режасининг шакли ва ҳисоб – китоб операциялари юзасидан аудит режасида акс эттирилади.

Режалаштириш жараёнида кутилаётган аудит текширувининг хажми, муддатлари белгиланади, шунингдек, аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи юзасидан ҳолис ва асосли фикр шакллантирилиши учун амалга оширилиши лозим бўлган умумий аудиторлик амаллари (процедуралар)нинг тури белгиланади. Режалаштириш жараёни “аудит дастури” номли ишчи ҳужжат тайёрланиши билан ўз ниҳоясига етади. Аудит дастури аудит режасининг кенгайтирилган шакли бўлиб, аудит режасида текширув юзасидан белгиланган якуний мақсадга эришилиши учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар батафсил ёритилади. Бошқача қилиб айтганда, аудит дастури аудит режасига эришиш воситасидир.

Аудит текширувини ўтказиш жараёнида аудитор аудиторлик дастурининг назорат воситаларининг тестлар дастури кўринишида ва моҳиятига кўра аудиторлик амалларининг дастури кўринишида тузилганлигини текшириши лозим.

Аудит текширувида иштирок этаётган аудитор ассистенти аудит дастурида келтирилган ҳар бир вазифани амалга оширганини оғзаки тарзда эмас, балки тегишли ишчи қоғозларда ёзма тартибда баён этади. Катта аудитор ҳам айнан шу ишчи қоғозлар асосида аудит текширувининг АФМСга амал қилган ҳолда ўтказилаётганига ишонч ҳосил қилади, аудиторлик фирмаси раҳбари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида аудиторнинг ҳолис фикрини шакллантиради ва шаклланган фикрга мос келувчи аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасини имзолаш учун асосга эга бўлади.

Ишчи қоғозларнинг ана шундай катта аҳамиятга эгаллиги сабаб, улар тегишли тартибда расмийлаштирилиб борилиши, уларда ҳар бир бажарилган аудиторлик амали махсус рақамлаштириш тизимига асосан кодланиши керак. Рақамлаштиришнинг аҳамияти шундаки, аудитор текширув жараёнида ўзи ёки текширувда иштирок этаётган бошқа аудитор тайёрлаган ишчи қоғозларга қайта мурожаат этиши зарур бўлганда керакли ишчи қоғозларни осон топиш мумкин бўлади. Шу билан бирга ишчи қоғозларнинг код рақами бўйича жорий ва доимий файлларда архивлаш келгусида шу мижоз корхонада ўтказиладиган аудит текшируви жараёнида уларга мурожаат этилишинини соддалаштиради.

Аудит текширувини ўтказиш даврида дастлаб маълум бўлмаган, аммо кейинчалик юзага чиққан ҳолатлар, мисол учун мижоз томонидан яширилган кредиторлик қарзларининг аниқланиши сабабли режалаштирилган аудит амалларини ўзгартириш зарурати юзага келиши мумкин. Шунга мос равишда дастлаб тузилган аудит режаси ва дастурини қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Демак режалаштириш ва дастурлаш аудит текширувининг дастлабки босқичи ҳисоблансада, бу жараён бутун текширув давомида таколмиллашиб бораверади. Аммо, катта аудитор режа ва дастурдаги ўзгаришларнинг сабаб ва натижаларини кўрсатувчи қўшимча маълумотнома тайёрлаши лозим.

Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити.

Ходимлар билан ҳисоб-китоблар аудитининг меъёрий асослари. Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити учун асосий манбалар бўлиб қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Қодекси. 1995 йил 21 дэкабрда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1996 йил 29 августда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2007 йил 24 дэкабрда тасдиқланган (қўшимча ва ўзгартиришлар билан).
4. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. 1996 йил 30 августда тасдиқланган.
5. Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. 2000 йил 26 майда тасдиқланган (ўзгартиришлар билан).
6. "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш тўғрисида йўриқнома" 21-сонли Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) (ўзгартиришлар билан).
7. Ўзбекистон Республикасининг бошқа БҲМС лари.
8. Ўзбекистон Республикасининг АФМС лари.
9. Маҳсулот (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 фэвралда 54-сон билан тасдиқланган (қўшимча ва ўзгартиришлар билан).
10. "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги низом. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрэлдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган.
12. Иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пэнсия ҳисобварағига бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномавий хати. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг БА/30-01-21 31 январ 2005 йил.
13. Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 14 март 1113-сонли рўйхатга олинган.
14. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 октябр 2006 йил 218-сонли қарори.
15. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли этказилган зарарни тўлаш қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 фэвралдаги 60-сон қарорига 1-илова.

Аудитнинг мақсади, вазифалари ва манбалари.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар аудиторлик текширувининг мақсади меҳнат муносабатларига тэгишли бўлган амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши, иш ҳақи ва турли хил қўшимча тўловлар ва

мукофотлар, шунингдэк, иш ҳақидан солиқлар ва ижтимоий эҳтиёжлар учун тўловлар тўғри ҳисобланиши устидан назорат қилишдан иборат.

Аудиторлик текширувининг вазифалари қуйидагилардир:

меҳнат тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши ва меҳнат алоқаларига оид ички назорат ҳолатини текшириш;

дастлабки ҳужжатлар асосида иш ҳақи ва турли хил мукофотлар ва қўшимча тўловлар тўғри ҳисобланганлигини текшириш;

иш ҳақи ва бошқа тўловлардан даромад солиғи ва турли чэғирмалар тўғри ушлаб қолинганлигини текшириш;

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларга оид счэтларнинг тўғри корреспондэнсияланганлигини текшириш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни текшириш учун маълумот манбаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхона раҳбарининг ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътили бериш тўғрисидаги буйруқлари ва фармойишлари; ходимлар жадвали, ҳуқуқий-фуқаролик тавсифдаги шартномалар, контрактлар ва меҳнат шартномаларининг бошқа шакллари; иш ҳақи, мукофотлар ва рағбатлантиришларни ҳисоблашга асос бўлган дастлабки ҳужжатлар (хусусий варақалар, иш вақтидан фойдаланилганлигини ҳисобга олиш табеллари, нарядлар, билдиришномалар, маршрут варақалари, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалар, тўлов қайдномалари, йўл варақалари, вақтинчалик меҳнатга лаёқацизилиги тўғрисидаги варақалари, қўшимча ҳақ тўлаш варақалари, ижро варақалари, ҳисоб-китоб ва ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари ва бошқалар) ҳамда бухгалтерия ҳисобининг рэгистрлари, иш ҳақи турлари ва шифрлар бўйича тақсимлайдиган йиғма қайдномалар, 8, 10-сонли журнал-ордэрлар, машинограммалар, Бош китоб, баланс ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари.

Ходимлар билан ҳисоб-китоблараудитининг режаси ва дастурини тайёрлаш. Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб-китобларга доир аудиторлик текширув **дастури**

Т.р	Муолажалар рўйхати	Маълумотлар манбаси
1	2	3
1	Ишбай ишловчи ходимлар иш маҳсули ҳисобининг ташкил этилиши ва назорати ҳамда иш ҳақи ҳисобланишини текшириш	Нарядлар, маршрут варақалари, табеллар, иш маҳсули мэъёрлари, ишбай ҳақлар
2	Вақтбай ва бошқа ҳақ тўлаш турлари бўйича ҳисобларни текшириш	Тасдиқланган тариф ставкалари, лавозим маошлари, табеллар
3	Иш ҳақидан ушлаб қолишлар бўйича ҳисобларни текшириш	Ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари, журнал-ордэрлар, буйруқлар ва бошқалар

4	Ходимлар бўйича таҳлилий ҳисоб юритилишини текшириш	Шахсий счэтлар, қайдномалар, машинограммалар
5	Меҳнатга ҳав; тўлаш бўйича счэтлар тўғри коррэспондэнсияланганлиги ва йиғма ҳисобни текшириш	Қайдномалар, журнал-ордэрлар, машинограммалар
6	Ижтимоий эҳтиёжлар бўйича тўловлар тўғри ҳисобланганлигини текшириш	Тўлов қайдномалари, ёритиб ёзишлар, машинограммалар
7	Иш ҳақи бўйича депонентланган суммаларни текшириш	Депонент варақлари, депонентланган иш ҳақини ҳисобга олиш дафтари

Ходимлар билан меҳнат ҳақи ва бошқа муомалалар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш.

Ишбай ишчиларнинг ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этиш ва назорат қилиш ҳамда иш ҳақини ҳисоблаш бўйича аудит ўтказганда аудитор дастлабки ҳужжатлар: нарядлар, маршрут хариталар, йўл варақалар, иш маҳсулига оид қайдномалар, бажарилган ишлар бўйича далолатномалар ва бошқаларни, корхонада иш маҳсуллари ва ишбай ҳақлар ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлигини, дастлабки ҳужжатларда барча тэгишли рэқвизитлар мавжуд эканлигини текшириши лозим.

Вақтбай меҳнатга ҳақ тўлашда тариф ставкалар ва контрактлар шарти тўғри қўлланилганлиги текширилади. Иш вақтидан фойдаланилганлиги тўғрисидаги табеллар, нарядлар ва иш ҳақини ҳисоблаш бўйича бошқа ҳужжатларни текширганда уларга “ўлик жонлар”ни киритиш ҳоллари мавжудлиги аниқланади. Бунинг учун нарядларни берилган санаси бўйича таҳлил қилиш, наряддаги ва иш вақтини ҳисобга олиш табеллардаги ишчилар фамилияларини ходимлар бўлимидаги шахсий таркибни ҳисобга олиш маълумотлари билан солиштириш лозим. Дастлабки ҳужжатлар бўйича аввал тўланган суммалар қайта ҳисобланганлиги, айнан бир шахслар фамилиялари бир нэча маротаба турли ҳисоб-китоб-тўлов қайдномаларига киритилганлиги ҳолатлари текширилади.

Аудиторлик текшируви вақтида ходимларни рағбатлантиришга қаратилган турли тўловлар: маълум бир даврда ишлаганлиги натижасига кўра мукофотлар, товон тавсифидаги иш вақтидан ташқари ёки тунда ишлаганлиги учун қўшимча тўлов ва устама ҳақлар, ишламаган вақт, меҳнат таътили, вақтинчалик меҳнатга қобилияцизлик ва бошқалар учун тўловлар ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилганига алоҳида эътиборни қаратиши лозим. Бунда аудитор ҳар бир корхонада ички моддий рағбатлантириш ва турли қўшимча тўловлар ва мукофотларни ҳисоблаш тўғрисида ички Низом ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши кэраклигини унутмаслиги зарур. Мукофотларни ҳисоблаш раҳбар буйруғи билан расмийлаштирилиши ва мукофотлаш тўғрисидаги ички Низомнинг тамойилларига мувофиқ бўлиши лозим.

Аудиторлик текшируви жараёнида иш ҳақи ҳисобланиши ва ҳисоб

рәгистрларида кўрсатилган иш ҳақидан ушланмалар бўйича счётлар тўғри корреспондэнсияланганлигини аниқлаш лозим. Бунинг учун ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар счётлари маълумотлари асосида иш ҳақи бўйича йиғма ҳисоботлар текширилади. Ҳисоб журнал-ордэр шаклида олиб борилганда ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар счётларининг кредит бўйича обороти 10 ва 10/1-сонли журнал-ордэр маълумотлари билан, ушбу счёт бўйича дебёт маълумотлари эса - 1, 2, 8-сонли журнал-ордэр маълумотлари билан солиштирилади.

Аудиторлик текшируви вақтида аниқланган хато камчиликлар, талабларига риоя қилинмаган меъёрий ҳужжатлар кўрсатилган ва ҳисоботнинг кўрсаткичларига миқдорий таъсири аниқланган ҳолда, аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд этилади.

Меҳнат интизомига риоя қилиш ва иш вақтидан самарали фойдаланиш даражасини текшириш.

Иш вақти – ходим иш тартиби ёки жадвалига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ, ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт. Амалдаги қонунчиликка асосан иш вақтининг турли муддатлари бэлгиланган.

Иш вақтининг меъёрий муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. У мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотларнинг ходимлари учун бошланғич мезёр тариқасида бэлгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати – айрим тоифадаги ходимлар учун қонунларга биноан бэлгиланган иш вақтидир. Жумладан, қисқартирилган иш вақти қуйидагилар учун бэлгиланади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун – ҳафтасига 36 соатдан ортиқ бўлмаслиги кэрак;

таътил даврида ишлаётган 14 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар учун ҳафтасига 24 соатдан ортиқ бўлмаслиги кэрак;

1 ва 2 гуруҳ ногирони бўлган ходимлар, ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан молиялаштириладиган ташкилотларда ишлаётган аёллар учун – ҳафтасига 36 соатдан ортиқ бўлмаслиги кэрак.

Тўлиқсиз иш вақти – айрим ходимлар учун корхона раҳбарияти билан кэлишилган ҳолда ўз меҳнат мажбуриятларини бажариш имконини берадиган бэлгиланган иш вақти ҳисобиланади.

Номеъёрий иш вақти дэганда айрим ходимлар учун бэлгиланган иш вақти, уларнинг меҳнати вақтига қараб эмас, балки меҳнат маҳсулотига қараб баҳоланади.

Иш вақтининг ўзгарувчан (силжувчи) тартиби – айрим ходимлар ташкилот раҳбарияти билан кэлишувга биноан ўз иш вақтларини кўпайтиришлари ёки қисқартиришлари мумкин.

Ҳисобга олинадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақти (смена)нинг муддати эса ўн икки соатдан ортиб кэтмаслиги лозим.

Иш тугаши билан кэйинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати 12 соатдан кам бўлиши мумкин эмас.

Кўпчилик корхоналар ишга келиш ва иш вақтининг қўлланишини ҳисоб табели ёрдамида олиб боришни давом эттирмоқдалар.

Табел ҳисобини қуйидаги усуллардан бири бўйича амалга ошириш мумкин:

ишга келиш ва келмасликни ёппасига қайд қилиш усули билан;

фақат ишдан чэтга чиқиш (кэлмаслик, кэч қолиш ва бошқалар)ларни қайд этиш усули билан.

Корхона ўз ходимларининг иш вақтини ўтказиши ҳисоби учун табел шаклини ўз ҳоҳишига кўра танлайди: Т-12 шакл ёки Т-13 шакл.

Ой тугаётганда табел учун жавобгар ходим иш вақтини ўтказиш турлари ҳамда сабабли ва сабабсиз ишга кэлмаслик турларини кўрсатиш учун ажратилган барча устунларни тўлдриб, табелни ёпади.

Иш ҳақини ҳисоблаш билан шуғулланувчи бухгалтер ҳар бир ходимнинг иш ҳақи ҳажмини иш ҳақининг турлари бўйича ҳақиқатда ишлаган вақти ҳамда сабабли ва сабабсиз ишга кэлмасликни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи ҳисоблаш учун табелдаги устунларни ўрганади ва асос сифатида қабул қилинади.

Штат жадвали ва меҳнат шартномларини тузиш. Ишга қабул қилиш ва бўшатиш қондаларига амал қилиш ҳолатини текшириш.

Ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш учун хўжалик юритувчи субъектларда штат жадвали бўлиши шарт. Штат жадвали корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Штат жадвалида мансаблар, разрядлар, тариф ставкалари, ойлик маошлари кўрсатилган бўлиши лозим. Ойлик иш ҳақини ошириш бўйича Президент фармонидан кейин корхонанинг штат жадвали қайта кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим.

Айрим корхона даражасида ишга ҳақ тўлаш ва иш берувчи билан ходим ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш унда қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар – меҳнат шартномалари асосида амалга оширилади, улар корхона раҳбарияти томонидан меҳнат жамоаси вакиллари иштирокида ишлаб чиқилади.

Ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси ходимни ёллаётганда ёзма шаклда тузилади. У доимий ҳамда муддатли меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинадиган ходимлар билан асосий иш жойи бўйича ва ўриндошлик, касаначилик ва ҳоказо чоғида тузилади.

Меҳнат шартномаси ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига зид бўлмаслиги керак.

Меҳнат шартномасининг қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги низом ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлар билан қиёсланганда ходимнинг аҳволини ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган баъзи ҳолатларда ишга кираётган шахслар улар тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотни тақдим қилишлари керак.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш Т-8 сонли шаклли буйруқ билан

расмийлаштирилади.

Иш қидириш даврида икки ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади, бунда ходимга тўланган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси ҳам қўшиб ҳисобга олинади, агар меҳнат шартномаси қуйидаги ҳоллар сабабли бекор қилинган бўлса:

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом еттиришни рад етганли сабабли;

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил етишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корxonанинг тугатилганлиги;

ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда.

Аудитор ходимнинг ишдан бўшатиш нафақасини ҳисоблаш ва тўлашда “Айрим сабабларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ва огоҳлантириш муддатини пуллик компенсацияга алмаштиришда моддий ёрдам тўловлари тартиби тўғрисида”ги тушунтиришга таяниб тўғри ҳисобланганлигини текшириб кўриши лозим.

Аудитор иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қуйидаги муддатларда ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт:

меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил етишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корxonанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда камида икки ой олдин;

меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда камида икки ҳафта олдин.

Ишдан бўшатиш нафақаси – меҳнат шартномаси бекор қилинганда маъмурият томонидан ишга киргунча тўланадиган моддий ёрдам миқдоридир. Аудитор ишдан бўшатиш нафақаси тўғри тўланганлигини текшириш лозим. Улар қуйидаги ҳолларда тўланади:

иш берувчининг ташаббуси билан ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно;

ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда;

шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда;

ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф етишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом еттиришга тўсқинлик қилса;

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом еттиришни рад етгалиги сабабли.

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас. Ишдан бўшатиш нафақаси суммаси ягона ижтимоий ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Меҳнат ҳақини ҳисоблаш ва ҳужжатларда тўғри расмийлаштиришни текшириш.

Корхонада аниқ меҳнат мезёрларини қўллашнинг мажбурий шартлари уларнинг техника-технология, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан асосланганлигидир.

Корхоналардаги қилинган ишнинг ҳисоби ишлаб чиқариш тусига, ташкилот тизими ва иш ҳақи, маҳсулот сифатини назорат қилиш усулига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш тусига кўра маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳисоби учун турли бирламчи ҳужжатлар (масалан, ишбай иш учун топшириқ, маршрут варақаси, қилинган иш ҳақидаги билдирги ва бошқалар) қўлланилади. Ҳисобга олишни осонроқ қилиш мақсадида кўп кунлик бирламчи ҳужжатлар (масалан, қилинган иш ҳақидаги билдирувнома, қайдномалар, ҳафталик, ўн кунлик бўйича, ойлик, иш синкли бўйича топшириқлар) қўлланилиши мумкин.

Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоб учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга ошириладиган вақтда ёки операциялар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тэгишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тэгишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида улар акс эттирилади.

Меҳнат ва иш ҳақи бўйича бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасига мувофиқ қуйидаги мажбурий рэқвизитларга эга бўлиши лозим:

корхонанинг (муассасанинг) номи;

ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;

хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);

масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг бэлгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва кассалар ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

Вақт ва қилинган ишни ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳужжатлардаги қўшимча бандлар:

табел рақами;

ишчининг разряди;

ишни тугаллаш муддатлари;

сарф-харажат ҳисоби объектининг коди (маҳсулот, буюртма, сарф-

харажатлар моддаси);

ишнинг номи ва разряди;

ишлаб чиқарилган маҳсулот ва яроқсиз маҳсулотнинг сони;

вақт меъёри ва маҳсулот бирлиги ёки ишнинг баҳоси;

иш ҳақининг миқдори ва мезъор бўйича ишга сарфланган соатлар сони бўлиши мумкин.

Бирламчи ҳужжатлар расмийлаштирилиши бухгалтерия томонидан текширилади ва кэйинчалик ҳисоб-китоб учун қўлланилади.

Тўлиқ тўлдирилмаган ёки талабга жавоб бермайдиган ҳужжатлар тўловга қабул қилинмайди, тэгишли тузатишлар ва ўзгартиришлар киритиш учун қайтарилади.

Ишбай иш ҳақи оладиган ишчиларга ҳисобланаётган ой учун иш ҳақи қилинган ишни ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳужжатларнинг маълумотлари, тўлов варақалари ва бошқа ҳужжатлар асосида ёзилади.

Вақтбай иш ҳақи оладиган ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳақиқатда ишланган иш вақти ҳисоби, ишдан ташқари ишларга тўланган тўловлар, мукофотлар ва бошқа тўловлар натижалари бўйича тўланади.

Ходимга маълум бир давр учун берилиши кэрак бўлган иш ҳақининг таркибий қисмлари, олинган солиқлар миқдори ва асосланмалари ҳамда берилиши кэрак бўлган тўловнинг умумий миқдори ҳақидаги маълумотлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхонанинг ҳар бир ходимига, иш ҳақи берилаётганда тақдим қилиниши шарт.

Ходимлар билан меҳнат ҳақи, мукофот, нафақа ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш.

Ҳар бир ходимга бухгалтерияда карточка очилади ва ҳар ойда унга ҳисобланган иш ҳақи суммаси ёзиб борилади.

Аудитор ходимларнинг иш ҳақиси асосий ва қўшимча иш ҳақидан иборат эканлиги билиши даркор.

Асосий иш ҳақи деб, бажарган иши учун ҳисобланган иш ҳақи, тариф ставкаси, оклад, мукофот, нормал меҳнат шароитининг бузилиши натижасида тўланадиган қўшимча тўловлар, кэчки вақтларда ишлагани учун ҳақ, корхона айби билан бекор туриб қолишлар ва бошқаларга айтилади.

Қўшимча иш ҳақи деб, ишламаган вақтларида қонунчиликка назарда тутилган пайтларда тўланадиган тўловлар тушунилади. Уларга навбатдаги меҳнат таътили, эмиздириш учун танаффуслар, давлат ва жамоат ишларини бажариш учун кетган вақтлар, ва бошқалар киради.

Аудитор хўжалик юритувчи субъектларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай ва вақтбай шаклларининг қайси бири қўлланилаётганлигини ўрганиб чиқиши лозим.

Ишбай иш ҳақи ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори, сифати, малакаси ва сарф қилинган вақтлари ҳисобга олиниб тўланадиган/ҳисобланадиган иш ҳақига айтилади.

Вақтбай иш ҳақи ходим томонидан сарф қилинган вақтлари ва малакаси ҳисобга олиниб тўланадиган/ҳисобланадиган иш ҳақига айтилади.

Қўшимча тўловлар - компэнсасия тусидаги ва иш мзёёри ҳамда меҳнат шароитларига боғлиқ бўлган ходимлар фойдасига бериладиган тўловлардир.

Амалдаги қонунчилик ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини, буюртмачиларга ўз вақтида маҳсулотларни этказиб бериш, ишлаб чиқаришнинг тэхнологик жараёнларини ҳисобга олинган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларда ишлар сменали, тунги вақтлар, байрам кунларида ходимларни ишга жалб қилиниши мумкин. Аудитор бундай ҳолатларни ўрганиб чиқиши лозим. Чунки бу ҳолатлар бэвосита иш ҳақи билан боғлиқдир.

Тунги вақтдаги иш учун қўшимча тўлов – соат 22.00 дан то соат 6.00 гача бўлган вақт тунги вақт ҳисобланади (МК 122 моддаси). Ҳомиладор аёллар ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, 18 ёшга тўлмаган шахслар ва бошқа шахсларга қўйилмайди.

Тунги вақтдаги барча иш корхонадаги бирламчи хужжатларда расмийлаштирилади ва тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида 1,5 баравар миқдорда ҳақ тўланади (МК 158 моддаси).

Иш вақтидан ташқари иш учун қўшимча тўловлар – ходим учун бэлгиланган кундалик иш муддатидан ташқари ишлаш - иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Бунда ишлар, ходим ўз асосий ишини ёки ўз вазифаси доирасидан ташқари ишни бажарганидан қатъи назар иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Унга камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади (МК 157 моддаси).

Байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Асосий иш билан бир қаторда бошқа касб бўйича қўшимча ишларни бажариш *бир нэча касбда ишлаганлик* деб аталади. Меҳнат кодэксига бир нэча касбда ишлаганлик ёки хизмат кўрсатиш доираси кенгайлиги учун устамалар миқдорида нисбатан ҳэч қандай чэклашлар қўлланилмаган.

Кўп йил ишлаганлик учун тақдирлаш, қоидаги кўра, айрим ташкилотларда ходимларнинг узок муддат меҳнатини рағбатлантириш мақсадида бэлгиланади.

Аудитор хўжалик юритувчи субъектда жамоа шартномасига биноан ходимларни рағбатлантириш тизими билан ҳам танишиши лозим. Унга нисбатан мукофотлаш тизими ходимларга топшириқлар ва шартномавий мажбуриятларини бажаришдан моддий манфаатдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш мақсадида ўз асосий иш ҳақларидан ташқари қўшимча пул суммаларини тўлашни назарда тутати.

Меҳнатга ҳақ тўлашга оид харажатларнинг тақсимланишини текшириш.

Иш ҳақи ва бошқа тўловларга оид харажатларни тақсимлаш 1999 йил 5 февралдаги 54-сон Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъект ҳисоблаб ёзган иш ҳақи суммасига доир харажатлар йўналишига қараб қуйидагича таснифланади:

сотиб олинадиган активларнинг ҳақиқий таннархига киритиладиган тўловлар;

ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархига киритиладиган тўловлар;

давр харажатлари ҳисобидан амалга ошириладиган тўловлар;

харажатларнинг бошқа йўналишлари бўйича тақсимланадиган тўловлар.

Ишлаб чиқариш хусусиятига ега бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига ега бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектни мукофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

Касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар.

Иш ҳажмини ва компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

Технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

Кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

Ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

Алоқа, темир йўл, дарё, автомобил транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига ега бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтигача тўланадиган йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

Қурилишда, реконструкция қилишда ва мукамал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажаришган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

Доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг раёнлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан раён коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

Хўжалик юритувчи-субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктдан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар

(вахта усулида ишни бажаришда);

Иш вахта усулида ташкил етилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом етишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллار, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллари учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек тиббий ходимларга, асосий иш ҳақини кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

Мажбурий таътилда бўлган қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

Донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

Давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш;

Хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради;

Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари;

Компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари;

Бир марта бериладиган мукофотлар, йил давомидаги иш якунлари бўйича рағбатлантиришлар, узоқ муддат ишлаганлик учун рағбатлантириш ва тўловлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра натура билан тўловлар, шунингдек ягона ижтимоий тўлов суммаси, улар бўйича ҳисобланган ҳақ;

Қонун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига мувофиқ мажбурий прогул вақти ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

Вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган, ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ;

Асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишчи ва мутахассисларига улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш;

Икки ва ундан кўп болалари ёки ўн олти ёшгача ногирон боласи бўлган аёлларга қонунчиликка мувофиқ қўшимча меҳнат таътили ҳақини тўлаш;

Ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;

Ходимларнинг (овқатланиши, йўл кираси, даволаниш ва дам олишга, экскурсия ва сайёҳатларга йўлланмалар, спорт сексияларида, тўгаракларда, клублардаги машғулотлари, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, ходимларнинг шахсий обунаси ва истеъмоли ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловлари) харажатларини қоплаш.

Меҳнатга ҳақ тўлашга оид харажатлар ишчи ва ходимларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотига нисбатан аниқланади. Ишчиларга нисбатан ҳисобланган меҳнат ҳақи асосий ишлаб чиқаришга, маъмурий бошқарув ходимларники эса маъмурий харажатларга олиб борилиши керак. Ишлаб чиқаришнинг шундай харажатлари ҳам борки, уларни бевосита маҳсулот таннархига олиб боришнинг иложи йўқ. Бундай харажатлар хўжалик юритувчи субъектларда 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” счетларида йиғилади ва улар маълум тақсимот базасига нисбатан (ишчиларнинг иш ҳақи миқдори ёки кўрсатилган хизматлар соати ва бошқалар) тақсимланади. Аудитор хўжалик юритувчи субъектларда меҳнатга ҳақ тўлашга оид харажатларни тўғри ҳисобга олинганлиги ва счетлар бўйича тўғри тақсимланганлигини текшириши лозим.

Жисмоний шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш.

Хўжалик юритувчи субъект жисмоний шахслар билан кўпинча муайян ишларни (хизматларни) бажаришга фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни тузади. Улар олди-сотди, комиссия, пудрат, пулли хизматлар кўрсатиш, юкларни ташиш, ижара ва бошқа шартномалар киради.

Мазкур турдаги шартномаларнинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, ёлланган ишчи ва маъмурият ўртасидаги ўзаро алоқалар меҳнат емас, балки фуқаролик қонун ҳужжатларининг қоидалари билан тартибга солинишини аудитор ёдда тутиши керак. Агар меҳнат шартномаси (контракти) асосида ходим ташкилотда қабул қилинган ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда маълум лавозим ёки мутахассислик бўйича ишларни бажараётган бўлса, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномага биноан муайян вазифани бажариш учун ижрочининг ички меҳнат тартибига бўйсунуши белгиланмаган, яъни меҳнат ҳуқуқи объекти юзага келмайди.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ айтиб ўтилган шартномалар иккитадан кам бўлмаган нусхада тузилади, биттаси ижрочида, бошқаси корхонада қолдирилади.

Шартномани ёзма шаклда тузиш – қонун ҳужжатларида назарда тутилган муносабатлардаги шартномалар учун мажбурий шартдир. Бошқа ҳолатларда шартнома еришилган оғзаки келишувлар асосида тузилиши мумкин.

Аудитор шуни еътиборга олиш керакки, ижрочи муайян фаолият турларини амалга ошириш учун тегишли лисензияга ега бўлиши лозим, масалан, транспорт хизмати кўрсатиш ва бошқалар. Бундан ташқари, тадбиркор бўлмаган фуқаролар билан фақатгина маълум турдаги: ижара, пудрат, олди-сотди шартномалари тузилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича бажарилган ишлар (хизматлар) учун шартномада назарда тутилган тартибда, ижрочи томонидан тақдим етилган тўловга оид счет-ариза асосида ҳақ тўланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича тўланадиган тўловлар суммаси жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғига тортилади, бу сумма ҳисоблаб чиқарилади, солиқ тўловчидан ундирилади ҳамда солиқ тўловчи даромад олган корхона томонидан бюджетга ўтказилади.

Олди-сотди шартномаларини тузишга қўйиладиган асосий талаблар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Олди-сотди” 29-бобида баён қилинган.

Жисмоний шахслар билан олди-сотди шартномаси бўйича ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисобининг “Бошқа мажбуриятлар” сметида юритилиши, ушбу сметида кредити бўйича жисмоний шахсга тааллуқли бўлган сумма, сметида дебитида эса жисмоний шахсга тўланадиган суммалар тўғри акс еттирилганлигини текширилади.

Шунингдек аҳолидан шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қўн, нутрия, балиқ, парандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини хом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек асалларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган табиий ёки қайта ишланган деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари солиққа тортилмайди.

Фуқародан шахсий ёрдамчи хўжалик мавжудлиги ҳақида маҳаллий давлат ҳокимлиги органлари ёки фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларидан маълумотнома тақдим етилганда жисмоний шахс айтиб ўтилган даромадлар бўйича солиқ тўлашдан озод етилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Воситачилик” 48-бобида воситачилик шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқий муносабатлари баён етилган.

Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт.

Аудитор ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланган 38-бобида баён етилганлигини ёдда тутиши керак. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни (тиббиёт, ветеринария, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш ва бошқалар) бажариш, буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Меҳнат ҳақи ва бошқа тўловлардан даромад солиғи, турли хил ажратма ва ушланмалар тўғри ҳисобланганлигини текшириш.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 164-моддасига мувофиқ меҳнат ҳақи тўловларидан ушлаб қолишларни қуйидагиларга тақсимлаш

мумкин:

мажбурий ушлаб қолишлар: жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ва суд қарорлари ҳамда бошқа ижро ҳужжатларини ижро етиш учун ушлаб қолишлар;

иш берувчи ташаббуси бўйича ушлаб қолишлар: ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун; иш ҳақи ҳисобидан берилган авансни ушлаб қолиш учун ва бошқалар;

ходим ташаббуси бўйича ушлаб қолишлар: касаба уюшмаларига бадаллар ушлаб қолиниши; ходимнинг ёзма аризасига биноан жисмоний ёки юридик шахслар фойдасига ушлаб қолишлар.

Бунда ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг 50%дан ортиб кетмаслиги лозим.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари суммаларидан солиқ қуйидаги миқдорда ундирилади:

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкалари

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам ойлик иш ҳақининг олти баравари миқдоригача	Даромад суммасининг 11%
Энг кам ойлик иш ҳақининг олти баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн бараварига миқдоригача	Энг кам ойлик иш ҳақининг олти баравари миқдоридан олинадиган солиқ + олти бараваридан ошадиган сумманинг 17%
Энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдордан	Энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 22%

Ходимнинг иш ҳақидан яна қуйидаги ушланмалар ушлаб қолинади:

- нафақа фондига 4% ушланма;
- касаба уюшасига 1% ушланма;
- ходимнинг аризасига биноан.

Вояга етмаган болалар учун суд қарорига кўра ундириладиган алимент миқдори (Оила кодекси 99-моддаси) қуйидагилардан иборат:

- бир бола учун –иш ҳақи ва/ёки бошқа даромаднинг 25%;
- икки бола учун –иш ҳақи ва/ёки бошқа даромаднинг 33%;
- уч ва ундан ортиқ бола учун –иш ҳақи ва/ёки бошқа даромаднинг 50%;

Бунда ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

3.2.Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни текшириш.

Аудиторлик текшируви ўтказишдан асосий мақсад – мол етказиб берувчи

ва пудратчилар ҳамда корхона ўртасида корхона харид қилган товарлар ва хизматлар бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида БХМСга мос ҳисобга олинганлигини ва молиявий ҳисоботларида тўғри акс эттирилганини текширишдан иборат.

Аудит текширувини юқори сифатли ўтказиш мақсадида аудит таваккалчилигини белгилаш ва мол етказиб берувчи / пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудитининг дастурини тайёрлаш учун аудитор ушбу ҳисоб бўлимига нисбатан ички назорат тизими мавжудлигини текшириши ва ушбу тизимни сифат нуқтаи назаридан баҳолаши лозим. Бунинг учун аудитор томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

Мол етказиб берувчи / пудратчилар билан ҳисоб-китоб опреацияларига нисбатан мавжуд ички назорат тизими билан танишиш. Ҳисоб-китоблар аудитининг умумий режаси ва дастурини тайёрлаш учун, 3-сонли "Аудитни режалаштириш" Аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС)нинг 19-бандига мувофиқ, аудиторлик ташкилоти мижознинг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолайди. Агар ички назорат тизими ишончсиз бўлган маълумотлар вужудга келиши тўғрисида далолат берса ёки ишончсиз маълумот мавжудлигини аниқласа, у самарали деб ҳисобланади. Бу мақсадда аудитор саволнома тўлдирди.

Қўшимча назорат тестларини қўллаш. Бу вазифани амалга ошириш орқали аудитор мижоз корхона ички назорат тизими амалда талаб даражасида ишлаётганига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Бу мақсадда мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан амалга оширилган бир неча операциялар танлаб олинади ва таҳлил қилинади.

Назорат таваккалчилиги (риски)ни қайта баҳолаш ва асословчи тестларни ишлаб чиқиш. Юқоридаги вазифани ўз ниҳоясига етказгач аудитор ички назорат тизимига нисбатан назорат таваккалчилиги (риски)ни аниқлайди ва молиявий ҳисоботларга нисбатан ўтказилиши лозим бўлган аудит текширувининг кўламини белгилайди. Белгиланган кўламга мос равишда молиявий ҳисобот элементларига нисбатан асословчи тестларни ишлаб чиқилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни текширишда аудитор, авваламбор, товар-моддий бойликлар (ТМБ) сотиб олиниши учун асос бўлган дастлабки ҳужжатлар мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини аниқлайди. Масалан, мол етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ амалга оширилганлиги текширилади. Сўнгра мол етказиб берувчилар ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажарганликлари, мол етказиб берувчиларга ёки улар корхона олдида қарзи вужудга келган санаси текширилади. Субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси талабларига тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларига атайин риоя этмаган ҳолда амалга оширган келишувлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Бундан кейин аудитор ва унинг ёрдамчилари 6-сонли журнал-ордер, 6010-сонли "Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар" счет

машинограммалари ва ҳисоб ҳужжатлари кўрсаткичлари бўйича бевосита ҳар бир мол етказиб берувчи билан (ёки танлаб олиб) амалга оширилган ҳисоб-китоб операцияларини текширадилар. Амалга оширилган операция санаси ва тавсифи, олинган ТМБ бўйича нарх-наволар тўғри қўлланилганлиги ва улар тўлиқ кирим қилинганлиги, мол етказиб берувчиларнинг счет-фактураларида ҚҚС асосли равишда кўрсатилганлиги аниқланади.

Аудитор олинаётган ТМБ, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар сифати ва миқдори бўйича даъволар ўз вақтида тақдим этилишига, шунингдек, нарх-наволар ва тарифларга риоя қилмаслик, ҳисоб-китоб ҳужжатларида арифметик хатолар аниқланиши, тортиш ва ўлчаш натижасида келиб чиқадиган камчиликларни текширувига алоҳида эътиборини қаратиши лозим. Даъволар нафақат мол етказиб берувчиларга, шунингдек, транспорт ташкилотларига – юк йўлда йўқотилганлиги учун, банкларга - ҳисоб-китоб ва валюта счетларидан нотўғри кичқарилган ёки киритилган суммалар бўйича тақдим этилиши мумкин. Даъволар ёзма равишда, даъво суммаси ва керакли исботлар кўрсатилган ҳолда, факс ёрдамида ёки буюртмали хат билан йўлланилади. Даъвога жавоб ёзма равишда 30 кун муддатда олинishi шарт

Аудитор ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга бўлмаган ТМБ лар камомадлари ёки йўқотишлари, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан талон-торож суммалари даъволар бўйича ҳисоб-китоб кўринишида беркитилмаётганлигини аниқлаши лозим.

Аудитор мол етказиб берувчилар томонидан ҚҚС тўғри кўрсатилганлигини аниқлайди. Амалиётда мол етказиб берувчиларнинг счетда ҚҚС кўрсатилмаган ҳолатлари учрайди (агар мол етказиб берувчи ягона солиқ ёки ялпи даромаддан солиқ тўлаганда), корхона эса, мустақил равишда ҚҚСни ажратади ёки бўлмаса, мол етказиб берувчидан “ҚҚС билан” деган белги қўйиб беришларини сўрайди. Хусусий тадбиркорлардан ТМБ олинганда ҳам ҚҚС ни ажратиб кўрсатиш ҳоллари учраши мумкин. Ушбу йўл билан ажратиб кўрсатилган ҚҚС ни бюджетдан қопланиши лозим бўлган суммага киритадилар. Шунинг учун, аудитор иложи борица кўпроқ счет-фактураларни танлаб олади ва уларни ўрганиб чиқади. Аниқланган фарқлар аудиторнинг ишчи ҳужжатларида акс эттирилиши лозим, аудитор улар асосида бюджетга тўланадиган ҚҚС ни ҳисоблаш ва тўлаш маълумотномасини қайтадан кўриб чиқишни талаб қилади.

Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш.

Давлат бюджети - бу иқтисодиётнинг ривожланишига, муҳофаа, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган жабҳалар, таълим ва маданият, давлат бошқаруви идоралари ва бошқа мақсадларга ишлатиладиган марказлаштирилган пул жамғармасидир. Ўзбекистон Республикасида тўловлар суммаси тўғри ҳисобланиши ва бюджетга ўз вақтида ўтказилиши устидан қатъий назорат қилувчи кучли солиқ хизмати ташкил этилган.

Корхонада бюджет билан ҳисоб-китоблар аудитининг асосий мақсади солиқ ва йиғимларнинг барча турлари бўйича ҳисоблар тўғри ташкил этилиши, улар тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши, солиқ тўловларининг кечиктириш сабаблари ва боқимандалар қайси счетларга ўтказилганлиги,

маблағлар ўз вақтида ўтказилмаганлигига айбдор шахсларга нисбатан ва йўл қўйилган камчиликларни олдини олиш учун қандай чоралар кўрилганлигини аниқлашдан иборатдир. Бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишда аудитор хўжалик юритувчи субъектга солиқ ва йиғимлар нотўғри ҳисобланиши ҳамда улар ўз вақтида бюджетга ўтказилмаганлиги учун солиқ идоралари томонидан кўриладиган жарима ва бошқа чоралари билан боғлиқ бўлган молиявий йўқотишларни олдини олишга ёрдам бериши лозим.

Корхона қайси солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилаётганлигини аниқлаш керак. Солиқ идоралари ва бошқа назорат олиб боровчи идоралар томонидан ўтказилган текширув ҳужжатлари ва яқунлари билан танишиб чиқиш лозим, зеро бу олдинги даврда йўл қўйилган хатоликлар тавсифини аниқлаш ва чуқур текширув учун объектларни белгилаш имкониятини яратади.

Фойдадан (даромад) солиғи, ҚҚС, мулк солиғи, ер солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар синчковлик билан текширилади, чунки ушбу тўловларнинг бюджетга тўланадиган барча тўловлар ва йиғимлар таркибидаги нисбати каттадир, шунингдек, солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган молиявий жазолар (жарима, боқимандалар) ўрганиб чиқилади. Агар корхона ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланса, экспорт-импорт операциялари тўғри солиққа тортилганлиги ҳам текширилади.

Аудитор солиқларни уларнинг манбаларига, яъни фойдага, давр харажатларига, сотувни камайтиришга тўғри ўтказилганлигини текшириши лозим.

Текширув жараёнида солиқлар ва йиғимларнинг барча турлари бўйича ҳисобот даврининг охирига айланмалар ва қолдиқ тўғри чиқарилганлиги аниқланади. Бунинг учун тўловларнинг ҳар бир тури бўйича тахлилий ҳисоб кўрсаткичлари журнал-ордерлар ва ҳисобнинг бошқа регистрлари, Бош китоб ва баланснинг 6400, 6500-сонли счетлари гуруҳи маълумотлари билан солиштирилади.

Текширув вақтида аниқланган камчилик ва хатоликлар аудиторнинг ишчи ҳужжатларида ва аудиторлик ҳисоботида қайд этилади.

Мақсадли Давлат жамғармалари ва суғурта бўйича ҳисоб-китобларни текшириш.

Молиялаштириш манбаидан қатъий назар барча асослар бўйича ходимлар фойдасига ҳисобланган, пул ва (ёки) натура шаклдаги тўловларнинг барча турлари ушбу фондларга суғурта бадалларини ҳисоблаш учун объект бўлиб ҳисобланади.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш учун кўлланиладиган базанинг ишончлилигини текширишда қуйидагиларни бажариш зарур:

ҳисобот даврида ҳисобланган ва тўланган меҳнат ҳақи ҳамда бошқа тўловлар турларини аниқлаш;

ҳақиқатда суғурта бадаллари ҳисобланган тўловлар турларини, тегишли ижтимоий суғурта фондига суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўловлар

рўйхатига мувофиқ улар ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги лозим бўлган тўлов турлари билан таққослаш;

тегишли фондлар бўйича суғурта бадалларининг тўлиқ тўланмаган (ёки ошиқча тўланган) миқдорини аниқлаш.

Олдин ҳисобланмасдан, корхона кассасидан берилган ҳар хил тўловларни (моддий ёрдам, мукофот) махсус эътибор билан текшириш керак.

Сўнгра ҳисобланган ва тўланган суғурта бадалларининг ҳисобда тўғри акс эттирилишини аниқлаш зарур. Бунда ходимларга тўланган тўловларнинг суғурта бадалларини ҳисоблаш молиялаштириш манбаси ҳисобидан акс эттириляётганлигига эътибор қаратилади. Текширув натижалари ишчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Текширув якунида аудитор аниқланган тафовутларнинг ҳисобот кўрсаткичларига (таннарх ва молиявий натижага, ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар миқдорига), жиддийлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, қандай таъсир кўрсатишини аниқлайди.

Суғурта тўловлари ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммалари суғурта ва давлатнинг мақсадли жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)нинг кредит томонида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Суғурта тўловлари ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммаларининг тўланиши суғурта ва давлатнинг мақсадли жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)нинг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Суғурта ва давлатнинг мақсадли жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500) бўйича аналитик ҳисоб суғуртачилар ва алоҳида суғурта шартномалари, шунингдек корхона тўловчи деб ҳисобланган ҳар бир давлатнинг мақсадли жамғармалари бўйича алоҳида юритилади.

Суғурта ва давлатнинг мақсадли жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғлиқ хўжалик муомалаларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилишига доир счётлар корреспонденцияси аудитор томонидан синчиклаб текшириб чиқилади:

Аудитор давлатнинг мақсадли жамғармалари ва суғурта ва таъминотга доир ҳисоб-китобларни текшириш жараёнида меъёрий ҳукуқий ҳужжатлар, уларга хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида қандай амал қилинаётганлигини текшириб чиқади, хусусан ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низом бўйича ҳисоб-китоблар амалга ошириляётганлигига алоҳида эътибор беради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўловчилари бўлиб юридик шахслар ҳисобланади. Юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида алоҳида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берувчи, шунингдек, ўз мустақил баланси ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган барча турдаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар тушунилади.

Корхоналар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов ва фуқаролар

мажбурий суғурта бадалларининг ҳисоблаб ёзилиши ижтимоий суғурталаш татбиқ этиладиган барча тоифадаги ходимларга ҳақиқатда ҳисоблаб ёзилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (даромад) ва иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текшириш.

Аудитор, биринчи навбатда, ички назорат тизими ҳолатига баҳо бериши лозим. Бунда у юқорида қайд этилган саволлар асосида тайёрланган тестлардан фойдаланиши мумкин. Бунинг асосида у аудиторлик текшируви дастурини тайёрлайди.

Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни текширишда куйидагиларни аниқлаш лозим:

кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрилиги, шартномалар мавжудлиги, харидорлар топшириқнома-мажбуриятларининг тақдим этиш муддатлари, кредитни қоплаш тартиби ва бошқалар. Кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати 4700-сонли “Ходимнинг бошқа операциялар бўйича қарзи ҳисоби счет” счетлар гуруҳи бўйича, шунингдек, 4710-сонли “Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимнинг қарзи” счет кўрсаткичлари асосида ўрганилади. Энг муҳими, харидорларнинг муддати ўтган қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар ўрганиб чиқилади ва муддати ўтган қарзлар пайдо бўлиши сабаблари аниқланади. Уларнинг асосийларидан бири – кредит бериш қоидаларига риоя қилмаслик ҳисобланади;

ижро варақалари бўйича бошқа корхоналар ёки жисмоний шахслар фойдасига суммалар тўғри ва асосли ушлаб қолинганлиги, шунингдек, ушлаб қолинган суммалар олувчиларга ўз вақтида ўтказилганлиги;

корхона ихтиёридаги хонадонларда истиқомат қилувчилар ва ётоқхоналарда, меҳмонхоналарда яшовчи шахслар билан корхона ҳисобидаги хонадонлардан фойдаланганлиги ва маиший хизмат кўрсатилганлиги учун ҳисоб-китоблар тўғри ҳисобланганлиги.

Аудиторлик текшируви вақтида хонадонларда ва ётоқхоналарда истиқомат қилувчилар билан ҳисоб-китоблар кўрсаткичларини касса ҳисоботлари ва банк ҳужжатлари кўрсаткичлари билан муқобил текширувини ўтказиш қўлланилади. Маиший хизматлар бўйича тўловлар тўғри ва тўлиқ ҳисобланганлиги ва ушбу суммалар касса ёки ҳисоб-китоб счетга кирим қилинганлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим, чунки, амалиётда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқи бўлмаса ҳам, ходимларга бепул хонадонлардан фойдаланиш ва маиший хизматлар кўрсатиш, шунингдек, хонадонларда ва ётоқхоналарда яшовчи шахслардан келиб тушган тўловлар тўлиқ ҳолда кирим қилинмаслик ҳоллари учрайди;

меҳнат жамоасига берилган фоизсиз ссудалар тўлиқ ва тўғри ҳисобланганлиги. Ссудалар асосли равишда берилганлиги, ссудалар бериш учун ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш керак (суммадан ташқари, ссудани тўлов муддати ва қоплаш тартиби белгиланган бўлиши лозим). Ссудалар тўлиқ ва ўз вақтида қопланаётганига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Амалиётда ссудалар атайлаб ўз вақтида қопланмаслиги ва даъво муддати тугаши билан корхона харажатларига ҳисобдан чиқариш ҳолатлари

учрайди;

хусусий уй-жой қурилиши учун берилган ссудалар тўлиқ ва тўғри ҳисобланганлиги. Аудит вақтида улар асосли равишда берилгани, миқдори, қоплаш муддатлари ва олинган суммалар амалда қопланаётганлиги аниқланади;

болаларни мактабгача муассасаларда бўлганликлари учун ота-оналардан олинадиган тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобланганлиги ва олинishi. Аудит қилинаётган вақтнинг маълум бир саналарида ушбу муассасаларда болалар мавжудлиги тўғрисидаги ёзувларни (болалар мактабгача муассасаларида бўлишлари тўғрисида табел) улар учун тўловлар ҳисоби (болаларни болалар мактабдан олдинги муассасаларда бўлганликлари учун ота-оналар билан ҳисоб-китоб бўйича қайдномалар) ва улар корхона кассасига тушганлиги (касса дафтари) солиштириб чиқилиши лозим;

дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ўтказмалари тўғри тузилганлиги;

- 4700, 4800, 6900-сонли счетлар гуруҳи бўйича таҳлилий ҳисоб тўғри юритилаётганлиги;

ушбу счетлар бўйича таҳлилий ҳисоб ёзувлари 8-сонли журнал-ордер, Бош китоб ва Балансдаги ёзувларга мувофиқлиги (ҳисоб журнал-ордер шаклида олиб борилганда).

Мажбурий тарзда ҳисоб-китобларнинг ҳар бир тури бўйича счетлар тўғри корреспонденцияланиши, улар бўйича таҳлилий ҳисоб ташкил қилинганлиги, ушбу операциялар бўйича ҚҚСасосли равишда ҳисобланганлиги (ёки қопланганлиги) текширилиши лозим. Зарур бўлган ҳолда аудитор фикри бўйича шубҳали бўлган дебитор - корхоналар билан алоҳида ҳисоб-китоб операциялари бўйича солиштирув ўтказилади. Шунингдек, балансда кредиторлик ва дебиторлик қарзлар тўғри акс этилганлиги текширилади. Аниқланган хатоликлар ва четга чиқишлар ишчи ҳужжатларда қайд этилади.

3.4. Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни текшириш.

Аудиторлик текшируви ўтказишдан асосий мақсад – харидорлар, буюртмачилар ва корхона ўртасида корхона томонидан сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида БҲМСга мос ҳисобга олинганлигини ва молиявий ҳисоботларида тўғри акс этирилганини текширишдан иборат.

Самарали аудит стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида аудит таваккалчилигини белгилаш ва харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудитининг дастурини тайёрлаш учун аудитор ушбу ҳисоб бўлимига нисбатан ички назорат тизими мавжудлигини текшириши ва ушбу тизимни сифат нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим

Қўшимча назорат тестларини қўллаш. Бу вазифани амалга ошириш орқали аудитор мижоз корхона ички назорат тизими амалда талаб даражасида ишлаётганига ишонч ҳосил қилишдан иборат. Бу мақсадда харидор ва буюртмачилар билан амалга оширилган бир неча операциялар статистик ёки ностатистик услубда танлаб олинади ва махсус аудит дастурлари орқали ёки

қўлда таҳлил қилинади.

Назорат рискинни қайта баҳолаш ва асословчи тестларни ишлаб чиқиш. Юқоридаги вазифани ўз ниҳоясига етказгач аудитор ички назорат тизимига нисбатан якуний баҳони беради (назорат рискинни аниқлайди) ва молиявий ҳисоботларга нисбатан ўтказилиши лозим бўлган аудит текширувининг кўламини белгилайди. Белгиланган кўламга мос равишда молиявий ҳисобот элементларига нисбатан асословчи тестларни ишлаб чиқилади.

Асословчи тестларни қўллаш ва дебиторлик, кредиторлик қарзлари ва ҳисоб-китоблар юзасидан ички назорат тизими бўйича ҳисобот тайёрлаш. Бу мақсадда харидорлар билан ҳисоб-китобларнинг аудити жараёнида мол етказиб бериш учун шартномалар тузилганлиги, харидор томонидан қабул қилинган маҳсулотлар учун корхонага тегишли бўлган суммалар (сотиш муддатлари, маҳсулот сифати ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда) тўғри ҳисобланганлиги, 15% миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилмасдан туриб маҳсулот берилмаганлиги, 4010, 6230, 6310-сонли счетларда кўрсатилган харидорлар қарзи ҳақиқийлиги аниқланади. Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича қарзларнинг ҳақиқийлиги, қонунийлиги ва ишончилиги дастлабки ҳисоб-китоб-тўлов ҳужжатлари, ҳисоб-китобларни инвентаризация далолатномалари ва ҳисоб регистрларидаги кўрсаткичлар асосида текширилади.

4010-сонли “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счетлар” счет бўйича таҳлилий ҳисоб тўғри олиб борилаётганлиги текширилиши лозим.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг турли шаклларида фойдаланган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларни текширишда барча асос бўлган ҳужжатлар мавжудлиги текширилади, агар зарурият бўлса, банкда ёки харидорда муқобил солиштирувлар ўтказилади.

Харидор ва буюртмачилар билан улар қабул қилиб олган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тўғри ва ўз вақтида амалга оширилганлигини текшириш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун ҳисоб-китобларни инвентаризация амалга оширилади.

Бошқа шаҳарлардаги харидорлар билан инвентаризацияни ўтказиш учун уларга ҳисоб-китобларни таҳлилий ҳисоби варақасининг нусхаси (контокоррект кўчирма) юборилади. Бунда, кредитор-корхоналар мазкур кўчирмаларни дебитор-корхоналарга юборилиши кераклиги тўғрисидаги қоидага амал қилиш лозим. Ушбу кўчирма дебитор-корхона томонидан текширилиши ва керакли бўлган тузатишлар киритилиши, имзоланиши, муҳр билан тасдиқланиши ва олингандан кейин 10 кун муддатда қайтарилиши лозим. Агар харидорлар бир шаҳарда жойлашган бўлса, ҳисоб-китобларни инвентаризацияни ўтказишда ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро солиштира далолатномаси тузилади.

Агар текширув натижасида айрим корхоналар бўйича муҳим қарзлар мавжудлиги аниқланса, унинг асосланганлиги, пайдо бўлишини акс этувчи дастлабки ҳужжатлар (счет-фактуралар, юк хатлари), ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро солиштира далолатномалар кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади, харидорни аудит ўтказилаётган корхона билан ўз вақтида ҳисоб-китобни

амалга оширишга тўсқинлик қилаётган сабаблар ва бунга айбдор шахслар аниқланади.

Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни инвентаризация далолатномасида умуман балансида ҳисобда бўлган қарзларни ва алоҳида қарздорлар бўйича, жумладан, улар томонидан тасдиқлангани ва тасдиқланмаганини ҳам, шунингдек, инвентаризация комиссияси томонидан муддати ўтган деб тан олинган қарзлар ўрганиб чиқилиши лозим. Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни инвентаризация далолатномасига илова қилинган, текширилаётган корхона бухгалтерияси томонидан тайёрланган маълумотнома асосида қарзлар нима учун ва қачон пайдо бўлганлиги, шунингдек, улар ҳақиқий эканлиги аниқланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилган шартномаларга асосан ҳисоб-китоблар бўйича мажбуриятлар ижро этилишининг чегараланган муддати товар олингандан кейин уч ой муддатда деб белгиланган. Қайд этилган мажбуриятлар бўйича кредитор томонидан талаб қилиб олинмаган суммалар, йил охирида ҳисоб-китобларни инвентаризация натижалари асосида даргумон дебиторлик қарзлари деб ҳисобга олиниши ва корхона-кредитор зарари деб ҳисобдан чиқарилиши лозим (ушбу қарзлар суммаси солиққа тортиладиган фойдага киритилади). Агар корхонанинг ҳисоб сиёсатида даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил этиш кўзда тутилмаган бўлса, уч йил ўтгандан кейин улар корхона зарари тариқасида ҳисобдан чиқарилади.

Текширув якунида харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтерия ўтказмалари тўғри тузилганлиги, шунингдек, 4010-сонли счет бўйича таҳлилий ҳисоб ёзувлари 11-сонли журнал-ордер, Бош дафтар ва балансидаги ана шундай ёзувларга мувофиқлиги аниқланади (ҳисоб журнал-ордер шаклида юритилишида).

Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб-китобларни текшириш.

Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб китобларни аудит текширувидан ўтказишдан мақсад – корхона ва унинг филиаллари, қарам корхоналари ўртасида амалга оширилган ҳисоб – китоб опреациялари белгиланган қонун-қоидаларга мос равишда амалга оширилганлигини текшириш ва бу ҳисоб – китоб операциялари молиявий ҳисоботларда БҲМСга мос равишда акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб – китоб операцияларини ўрганиш жараёни барча бошқа ҳисоб – китоб операциялари билан бўлгани сингари ички назорат тизимини текширувдан ўтказиш билан бошланади. Бу мақсадда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

Корхонанинг шўъба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб-китоб операцияларига нисбатан мавжуд ички назорат тизими билан танишиш. Бунинг учун аудитор мижоз корхонанинг қандай шўъба ва қарам корхоналари мавжудлиги, уларнинг иш фаолияти, улар ва мижоз корхона ўртасида амалга ошириладиган операциялари мазмуни ва тартиби билан танишади. Шундан сўнг икки тараф ўртасидаги ҳисоб – китоб операцияларига нисбатан қандай

ички назорат тизими ташкил этилганлиги унинг иш сифати ўрганилади. Бу вазифани самарали амалга ошириш мақсадида аудиторлик фирмалари томонидан шўъба ва қарам хўжалик жамиятларилари билан ҳисоб – китоб операцияларни текширишга мўлжалланган, биз аввалги бўлимларда кўрган, махсус саволномалар тайёрланиши мақсадга мувофиқ.

Асословчи тестларни ишлаб чиқиш.Ички назорат тизимининг сифати бўйича зарурий маълумотларни қўлга киритгач аудитор бевосита молиявий ҳисоботларда шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ҳисоб – китоб операциялари бўйича келтирилган маълумотларни текширишга ўтади. Бу босқичда аудитор томонидан мижоз корхона ҳамда шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ўртасида ҳисоб – китоб юритиш жараёнида тузилган барча ҳужжатлар (аудит далиллари) тўпланади ва аудитор томонидан таҳлил қилинади.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-модул. Аудитнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари

СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ

Ишдан мақсад: Аудиторлик текширувининг стратегияси аудитор томонидан ёзма равишда тузилган режа шаклида боғлиқи лозим ва унинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- 1) тестларнинг ҳажми, тури ва кераклилигини олдиндан белгилаб олиш;
- 2) улар ўтказилиши муносабати билан сарф-харажатларни баҳолаш;
- 3) текширув бошлангунга қадар барча асосий масалалар бўйича мижоз билан ўзаро ҳамфикрликка эришиш;
- 4) мазкур мижозда аудиторлик текшируви ўтказиш асосланганлиги ва унинг сифати тўғрисида исботларга эга боғлиқ.

Масаланинг қўйилиши: Ўзбекистондаги ва хориждаги аудиторлик компанияларининг текширувни ташкил этиши жараёнлари.

Ишни бажариш учун намуна: “KPMG” аудиторлик компаниясининг текширувларни ташкил этиш ёндашувлари. “PWC” аудиторлик компаниясининг текширувларни ўтказиш жараёнлари

Назорат саволлари

1. Мижоз билан олдиндан танишиш жараёни?
2. Аудитор ҳуқуқшунослар, бошқа аудиторлик фирмалар, тадбиркорлар ва бошқалар томонидан тақдим етилган маълумотдан фойдаланиши?
3. Аудитни режалаштиришни аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишнинг умумий қоидаларига, шунингдек қуйидаги хусусий қоидалар?
4. Аудиторлик ташкилоти умумий режада ички аудит роли?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Karla Johnstone. Auditing: A Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.
2. Timothy Louwers: Auditing and Assurance services. 5th Edition 2012.
3. Michael C. Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.
4. Mark S. Beasley. Auditing Cases: An Interactive Learning Approach. 5 th Edition. 2011.

2-амалий машғулот. Активлар аудити.

Ишдан мақсад: Корхона ва ташкилотлар активларининг аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнлари батафсил ёритиш.

Масаланинг қўйилиши: ҳар бир актив турлари бўйича учрайдиган ҳато ва камчиликлар ва қўлланиладиган назорат усуллари.

Ишни бажариш учун намуна: “PFK МАК ALIYANS” аудиторлик ташкилотининг активларни текшириш услуги.

Назорат саволлари:

1. Асосий воситалар ва номоддий активлар аудити жараёни тартиби?
2. Товар моддий бойликлар аудиторлик текширувидаги назорат усуллари?
3. Пул маблағлари аудити жараёнида эътиборли жиҳатлар?
4. Дебиторлик қарзларини инвентаризацияси жараёнини ташкил этиш?

Фойдаланилган адабиётлар:

Махсус адабиётлар

1. Karla Johnstone. Auditing: A Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.
2. Timothy Louwers: Auditing and Assurance services. 5th Edition 2012.
3. Michael C. Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.
4. Mark S. Beasley. Auditing Cases: An Interactive Learning Approach. 5 th Edition. 2011.

Интернет ресурслари

1. www.iaa.org.uk - (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom).
2. www.apb.org.uk - (Auditing Practices Board).
3. www.nao.gov.uk - (UK National Audit Office).
4. www.iasc.org.uk - (International Accounting Standards Committee).
5. www.aicpa.org - (American Institute of Certified Public Accountants).
6. www.aaa.us – (American Accounting Association)
7. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>

3-амалий машғулот. Мажбуриятлар аудити

Ишдан мақсад: Корхона ва ташкилотлар мажбуриятларининг аудиторлик текширувини утказиш жараёнлари батафсил ёритиш

Масаланинг қўйилиши: ҳар бир мажбурият турлари бўйича учрайдиган ҳато ва камчиликлар ва қўлланиладиган назорат усуллари.

Ишни бажариш учун намуна: “PFK МАК ALIYANS” аудиторлик ташкилотининг активларни текшириш услуги.

Назорат саволлари

1. Банклардан олинган кредитларни аудити жараёни тартиби?
2. Бюджет билан ҳисоб китоблар бўйича аудиторлик текширувидаги назорат усуллари?
3. Харидор ва бюртмачилар билан ҳисоб китоблар аудити жараёнида

эътиборли жиҳатлар?

4. Кредитор қарзларини инвентаризацияси жараёнини ташкил этиш?

Фойдаланилган адабиётлар:

Махсус адабиётлар

1. Karla Johnstone. Auditing: A Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.
2. Timothy Louwers: Auditing and Assurance services. 5th Edition 2012.
3. Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.
4. Mark S.Beasley. Auditing Cases: An Interactive Learning Approach. 5 th Edition. 2011.

Интернет ресурслари

1. www.iaa.org.uk- (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom).
2. www.apb.org.uk - (Auditing Practices Board).
3. www.nao.gov.uk - (UK National Audit Office).
4. www.iasc.org.uk - (International Accounting Standards Committee).
5. www.aicpa.org - (American Institute of Certified Public Accountants).
6. www.aaa.us – (American Accounting Association)
7. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Хорижда аудиторлик фаолияти

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Сиз хорижда аудиторлик фаолияти деганда нимани тушунасиз?
2. Хорижда фаолият юритишда қандай меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш лозим, уларни қайси ташкилотлар ишлаб чиқади?
3. Хорижий аудиторлик компанияларидан рейтинг юқори бўлганларидан ўнтасини сананг:
 - МДХда;
 - Европада;
 - АҚШда;
 - Осиё мамлакатларида?
4. Маҳаллий аудиторлик ташкилотларидан қайсилари ҳозирги кунгача хорижда аудиторлик фаолиятини кўрсатиб келмоқда ва улар интеграциясини таъминлаш (хорижга ўз хизматларини таклиф қилиш имкониятига эга бўлиши) учун Сиз қандай таклиф бера оласиз, бу борада қандай чора-тадбирлар кўрилиши лозим?
5. Хорижда ташкилотларни текширишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
6. Хориж фирма ва ташкилотлари ҳисобини аудит қилишда қандай ва қайси ҳужжатлар, бухгалтерия счётлари текшириш манбалари бўлиб хизмат қилади?

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: Хорижда аудиторлик фаолиятини шаклланиши, аудиторлик фирмалари, трансмиллий фирмалар, аудитнинг халқаро стандартлари, аудиторларнинг халқаро ташкилотлари, IASC, FEE, AICPA, SEC, GAO, AAA, NAA, FEI, AGA.

1-амалий машғулот.

1-Масала. Хорижий аудиторлик ташкилоти Республикамизда фаолият юритаётган “Шаҳри-Кеш” Ўзбек-Туркия қўшма корхонаси билан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартнома тузди. Ушбу аудиторлик текшируви халқаро аудиторлик стандартлари асосида ёки миллий аудиторлик стандартлари асосида ташкил қилиниши лозимлигини айтинг.

Топширик: Аудиторлик текширувининг хусусиятларини ва усулларини аниқланг?

Асосий воситалар аудити

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Асосий воситалар ҳисобини аудит қилишда қандай меъёрий ҳужжатларга асосланилади?
2. Асосий воситаларни тўғри баҳоланганлигини қандай текшириб кўриш мумкин?

3. Асосий воситаларни мавжудлиги ва сақланишини текшириш учун қандай аудиторлик процедуралари қўлланилади?

4. Асосий воситалар ҳисобини аудит қилишда қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текшириш манбалари бўлиб хизмат қилади?

5. Асосий воситаларни кирим қилиниши қандай текширилади (текинга, жисмоний ва юридик шахслардан сотиб олиш, куриш, ҳисса қўшиш орқали ва ҳоказо)?

6. Транспорт воситаларини сотиб олишни текшириш хусусиятлари нимадан иборат?

7. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиши (тугатилиши) қандай текширилади?

8. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни тўғрилигини текшириш қандай амалга оширилади?

9. Асосий воситаларни таъмирлаш бўйича муомалаларни текширишда нималарга эътибор берилади?

10. Текинга берилган асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилишини текшириш хусусиятлари нималардан иборат?

11. Ижарага берилган асосий воситаларни текшириш қандай амалга оширилади?

12. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда қандай меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади?

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: Асосий воситалар, уларнинг аудитини ўтказиш бўйича дастур тузиш, аудитда фойдаланадиган маълумот манбалари, асосий воситалар ҳисобини ҳужжатлаштириш, асосий воситаларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби аудити, асосий воситаларни солиққа тортишни текшириш, лизинг муносабатлари ва ижара мажбуриятлари аудити, хўжалик ва пудрат усулида бажарилган ишлар аудити.

1-амалий машғулот

Асосий воситалар аудитининг асосий вазифалари

1. Асосий воситаларни ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилиши, уларнинг бутлиги ва ҳаракатининг тўғрилигини текшириш.

2. Асосий воситаларни баҳолаш ва қайта баҳолашнинг тўғрилигини текшириш.

3. Асосий воситаларни кирими чиқими муомалалари бўйича проводкаларни тўғри берилганлигини ва тўлиқлигини ҳамда ҳисоб регистрларида тўғри акс эттиришни текшириш.

4. Асосий воситаларни сақланиши ва улардан фойдаланишни назорат қилиш.

5. Ҳисобланган амортизация ажратмаларини ва таъмирлаш харажатларни тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

6. Асосий воситалар муомалалари бўйича ҳисобланган солиқларнинг тўғрилигини текшириш.

2-амалий машғулот.

1-масала. Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор 2460 минг сўмлик асосий восита сотилганлигини аниқлади. Бу муомалалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этган:

Асосий воситанинг баланс қиймати:

Д-т 9210 К-т 0130 2460 минг сўм

Асосий воситанинг эскириш суммасига:

Д-т 0260 К-т 9210 1200 минг сум

Асосий восита учун пул келиб тушган:

Д-т 5110 К-т 9210 2460 минг сум

Асосий воситани сотишдан молиявий натижа аниқланган:

Д-т 9430 К-т 9210 2340 минг сум.

Талаб қилинади: Йул қўйилган хатони аниқлаб, тўғри бухгалтерия проводкаларини беринг. Аудиторлик ҳисоботининг асосий воситалар бўлими учун маълумот тайёрланг.

2-масала. Бухгалтерия ҳисобини тиклаб бериш юзасидан хизмат кўрсатаётган вақтда аудитор қуйидаги ҳолатни аниқлади:

Корхонада ишлаб чиқариш учун мўлжаллангин асосий восита сотиб олинган бўлиб, унинг қиймати ҚҚС билан биргаликда 12 миллион сўмни ташкил этади. Асосий воситани монтаж қилиш учун монтаж ташкилотига ҚҚС билан бирга 1200 минг сўм пул тўланган. Асосий восита учун амортизация меъёри 15%. Аудитордан асосий воситани киримга олиш, уч ойлик амортизация ҳисоблаш ва 2 коэффициент асосида асосий воситанинг қийматини ошириш (қайта баҳолаш) талаб қилинади.

Талаб қилинади: Ушбу муомаларни амалга оширинг ва бухгалтерия счётларида акс эттиринг. Асосий воситаларни қабул қилишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни айтинг?

3-масала. Корхонада муддатидан аввал эскириши оқибатида иккита бошланғич қиймати 135000 сўмдан бўлган музлатгич ҳисобдан чиқарилган. Музлатгичлардан бирининг амортизация ажратмалари 118000 сўмни, иккинчисиники эса 120000 сўмни ташкил қилган. Тугатиш далолатномасида амортизация тўлиқ ҳисобланмаганлигининг сабаби уларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар йўқлиги деб кўрсатилган. Музлатгичларни ҳисобдан чиқариш учун ишчиларга демонтаж учун 3750 сўм иш ҳақи ҳисобланган, 4000 сўм металалом ҳамда 9500 сўмлик эҳтиёт қисмлар корхона омборига кирим қилинган. Корхона бухгалтерии томонидан музлатгичларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган молиявий натижани 30650 сўм деб баҳолаб, уни 9590 сўмга ҳисобдан чиқарган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

4-масала. Аудиторлик текшируви жараёнида шу нарса аниқландики, текшириш даврида тасдиқланган далолатномага мувофиқ эскириш натижасида

2 дона юк кўтарадиган ускуналар ҳисобдан чиқарилган. Улар бўйича амортизация суммаси 140000 сўмни ташкил этади. Ҳисобдан чиқариш натижасида 3000000 сўмлик металл киримга олинган. Юк кқтаргич ускуналарини демонтаж қилиш учун ишчиларга 280000 сўм иш ҳақи ҳисобланган ва 2010-«Асосий ишлаб чиқариш счётига» ўтказилган. Киримга олинган металл бухгалтерия ҳисобида 1090 счётнинг дебети ва 9320-счётнинг кредитига ёзув қилинган. Ҳар бир юк кўтаргич ускунасининг тугатиш натижалари бухгалтерияда алоҳида ҳисобга олинмаган ва тегишли аналитик счётларда акс этирилмаган. Далолатномада кқрсатилишича юк кқтариш ускуналарини муддатидан илгари ҳисобдан чиқарилишига асосий сабаб ундан узлуксиз равишда фойдаланилганлиги ва юқори намлик жойда ишлатилиши эканлиги кқрсатилган.

Корхона бухгалтерии томонидан бухгалтерия ҳисоби регистрларида юқоридаги муомалалар қуйидагича акс этирилган:

Д-т 9210 сч, К-т 0130 сч -180000 сўм

Д-т 0230 сч, К-т 9210 сч -140000 сўм

Д-т 9431 сч, К-т 9210 сч -403000 сўм

Д-т 1040 сч, К-т 9210 сч -300000 сўм

Д-т 2010 сч, К-т 6710 сч -280000 сўм

Талаб қилинади: Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, ушбу муомалалар бўйича аудиторлик далолатномасини тузинг.

3-амалий машғулот.

5-масала. Корхона томонидан жорий йилда бинонинг реконструкцияси учун 3 йил муддатга хорижий валютада кредит олинган. Лойиҳа бўйича ўтган йилнинг декабр ойида ишлар тугатилган ва объект ишга туширилган. Ҳисобот йилида мазкур шартнома бўйича банк хизмати учун ва унинг фоизи учун тўловларни амалга оширган. Лекин ўтган йилларда олинган кредитор қарзлар ўз вақтида тўлаб берилмаган. Бухгалтерия ҳисобида валюта бўйича кредитлар қуйидагича акс этирилган:

Д-т 2010 счёт - 132000 сўм.

к-т 5210 счёт - 132000 сўм.

(Шу жумладан 120000 сўм - кредит учун фоиз 12000 сўм - банк хизмати).

Талаб қилинади: Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўлиқ ва тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, ушбу муомалалар бўйича аудиторлик далолатномасини тузинг.

6-масала. Корхонада асосий воситаларни танлов асосида инвентаризация қилишда дастлабки нархи 800000 сўм, амортизацияси 300000 сўмлик объект етишмаслиги аниқланди.

Ҳисобот йилининг декабр ойида бу объект шартномага кўра унинг нархи 156000 сўм инвентаризация ўтказиш пайтида аудиторга шартнома ва қабул топшириш акти тақдим этилган. Аудиторлик текшируви жараёнида корхона асосий воситаларидан бир қисмини сотиб юборганлиги ва бу муомалалар

бухгалтер томонидан ўз вақтида ҳисобга олинмаганлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу хўжалик муомалалари ҳисобот йилининг 31 декабригача бўлган ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттирилмаганлиги текширув жараёнида маълум бўлди.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўлиқ ва тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, ушбу муомалалар бўйича аудиторлик далолатномасини расмийлаштиринг.

Номоддий активлар аудити

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Номоддий активлар ҳисоби қайси меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солиниб турилади?
2. Номоддий активлар баҳоланишининг тўғрилиги қандай текширилади?
3. Номоддий активлар реаллигини текширишда қандай аудиторлик процедуралар қўлланилади?
4. Номоддий активларни ҳужжатларда расмийлаштиришни ва киримга олинишини тўғрилигини қандай текширилади?
5. Номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши қандай текширилади?
6. Номоддий активларни аналитик ҳисобини текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
7. Номоддий активларга амортизация ҳисоблашни тўғрилигини қандай текширилади?
8. Номоддий активларни аудит қилишда қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия сўтлари текширишни манбалари бўлиб хизмат қилади?

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: номоддий активлар, уларни аудиторлик текширувидан ўтказиш дастури, аудитнинг маълумот манбалари, номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг тўғрилигини текшириш, номоддий активлар синтетик ҳисоби ва солиққа тортишнинг тўғрилигини текшириш, номоддий активлар аудити натижаларини баҳолаш.

Номоддий активлар аудитининг асосий вазифалари

1. Активларни номоддий активларга тўғри киритилганлигини текшириш.
2. Номоддий активлар ҳаракатини ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилишини текшириш ва уларнинг бошланғич қиймати тўғри шаклланганлигини текшириш.
3. Номоддий активлар кирими ва чиқими муомалалари бўйича проводкаларни тўғри берилганлигини ва тўлиқлигини ҳамда ҳисоб регистрларида тўғри акс эттирилишини текшириш.
4. Ҳисобланган амортизация ажратмаларини Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилганлигини текшириш.

5. Номоддий активлар муомалалари бўйича ҳисобланган солиқларни тўғрилигини текшириш.

1-амалий машғулот.

1-масала. Корхона жисмоний шахсдан хусусийлаштирилган квартирани сотиб олди ва уни номоддий актив сифатида 0490 «Номоддий активлар»счётига ўтказилди. Нотариал идорасига сотиш ва сотиб олиш шартномасини расмийлаштириш учун унинг хизматида 52100 сўм нақд пул тўланди.

Харидор билан ҳисоб-китоб муомалалари корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан харидорнинг омонат кассасидаги шахсий счётига 11000000 сўм ўтказиб берилди? Бу муомала учун омонат банкининг хизматида 78000 сўм тўлаб берди.

Нотариал идорасига ва омонат Банкнинг хизмати учун тўланган 130100 сўм чет ташкилотлар хизмати харажатларига ҳисобдан чиқарилган.

Бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув қилинган:

Д-т 2010 сч, к.т 5010 сч - 52100 сўм - нотариал идорасининг хизмати.

Д-т 0490 сч, к.т 5110 сч - 11000000 сўм - сотиб олиш қийматида.

Д-т 2010 сч, к.т 5110 сч - 78000 сўм - банк хизмати учун.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудит ҳисоботини тузинг.

2-масала. Корхона программа таъминотини ҚҚС билан биргаликда 246000 сўмга сотиб олди. Маслаҳат учун фирма томонидан ҚҚС билан биргаликда 36000 сўм тўланган. Корхона бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган.

Д-т 6010 К-т 5110 240000-Программа таъминотида тўлов қилинди.

Д-т 0830 К-т 6010 200000-Программа таъминоти сотиб олинди.

Д-т 6410 К-т 6010 40000-ҚҚС суммасига

Д-т 9429 К-т 6010 30000-Маслаҳат хизмати суммасига

Д-т 0430 К-т 0830 200000-Программа таъминоти киримга олинди

Д-т 6010 К-т 5110 36000-Маслаҳат хизмати учун тўлов амалга

оширилди

Талаб қилинади: Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудит ҳисоботини тузинг.

3-масала. Ташкилот товар белгиси ишлаб чиқади. Реклама агентлигига товар белгиси ишлаб чиқиш юзасидан фирма харажатлари 100000 сўм шу жумладан ҚҚС-20000 сўм. Товар белгисини рўйхатга олиш харажатлари 18000 сўм. Ҳисоб регистрларида қуйидагига бухгалтерия ёзувлари қилинган.

Д-т 6010 К-т 5110 120000

Д-т 0830 К-т 6010 100000

Д-т 6410 К-т 6010 20000

Д-т 6990 К-т 5110 18000

Д-т 9429 К-т 6990 18000

Д-т 0410 К-т 0830 100000

Д-т 6010 К-т 5110 20000

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудит ҳисоботини тузинг.

4-масала. Корхона товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини 5-йилга 100000 сўмга ҚҚС суммаси 20000 сўмга сотиб олди. Бухгалтерия ҳисобида берилган Хўжалик муомалалари қуйидагича акс этди:

Д-т 6010 К-т 5110 120000

Д-т 0420 К-т 6010 120000

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудит ҳисоботини тузинг.

Молиявий қўйилмалар (инвестициялар) аудити НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасида касса муомалаларини юритиш тартиби қайси меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тартибга солиниб турилади?
2. Касса муомалаларини текширишнинг вазифалари ва кетма-кетлиги нималардан иборат?
3. Касса муомалаларини текширишнинг қандай усуллари қўлланилади?
4. Касса қоидаларига риоя қилинишини текширишга нималар киради?
5. Кассадаги нақд пуллар ва қимматли қоғозларни тўғри сақланишини қандай текширилади?
6. Банк муомалаларини текширишнинг вазифалари ва кетма-кетлиги нималардан иборат?
7. Банкдаги счётлар бўйича муомалаларни ишончлилигини ва мақсадга мувофиқлигини текширишда қандай аудиторлик процедураларидан фойдаланилади?
8. Касса ва банк муомалаларини аудит қилиш учун қайси ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текшириш манбалари бўлиб ҳисобланади?
9. Юридик ва жисмоний шахсларга нақд пулга маҳсулотлар реализация қилишни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
10. Ҳисобдор шахсларга берилган нақд пулларни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
11. Касса муомалаларини расмийлаштириш тартибини текшириш қандай амалга оширилади?
12. Кассадан бериладиган нақд пулларни назорат қилиш қандай амалга оширилади?
13. Касса дафтарини юритиш тартиби ва нақд пулларни сақлашни тўғрилигини назорат қилиш қандай амалга оширилади?
14. Хорижий валютадаги пулларни қабул қилиш ва тарқатишни назорат қилиш қандай амалга оширилади?
15. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қайси меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тартибга солиниб турилади?
16. Хорижий валютада амалга оширилган ҳисоб-китобларни аудит қилишда қайси ҳужжатларни текшириш зарур бўлади?

17. Валюта счётини аудит қилишнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

18. Молиявий қўйилмаларни назорат қилишда қандай меъёрий ҳужжатларга асосланиб амалга оширилади?

19. Молиявий қўйилмаларни аудит қилиш қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текшириш манбалари бўлиб хизмат қилади?

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: молиявий инвестициялар, уларнинг турлари, инвестицияларни текширувидан ўтказиш дастури, маълумот манбалари, молиявий инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботини тўғрилигини текшириш, инвентаризациядан ўтказиш, молиявий инвестицияларни солиққа тортилишини, даромадлигини текшириш.

1-амалий машғулот.

Аудитнинг мақсади. Молиявий қўйилмалар тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботини ҳаққонийлигини ва унинг самарадорлигини тасдиқлаш.

Аудитнинг асосий вазифалари:

1. Узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар, активлар тўғрисида маълумотларни олиш.
2. Молиявий қўйилмаларни юридик жиҳатдан ҳаққонийлигини аниқлаш.
3. Қимматбаҳо қоғозлар муомалаларини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилишини ва қонунийлигини текшириш.
4. Қимматбаҳо қоғозлар муомалалари бўйича ҳисоб-китобларни солиқ қонунчилигига амал қилинишини текшириш.
5. Қимматли қоғозлар бўйича олинган дивидендларнинг тўлаш бўйича муомалаларини текшириш.

2-амалий машғулот.

1-масала. Ўтган йили «Молия» компанияси 50000 сўмлик векселни 2500 сўм дисконт билан сотиб олди. Векселни амал қилиш муддати 1,5 йил. Бухгалтерия ҳисобида вексел сотиб олиш қийматида кирим қилинган, сўнгра векселдан сув таъминоти бўйича тўловни амалга ошириш учун фойдаланилди.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

2-масала. Июнь ойида №1384 гувоҳномага асосан ташкилотнинг бошқа ташкилотга қарашли бўлган акциялари товар-фонд биржасида сотилди.

Гувоҳномада кўрсатилишича:

Акцияни сотиш қиймати - 8000

Аукционда хизматлар учун тўлов - 1600

Бухгалтерия ҳисоби маълумоти бўйича акция қиймати - 1800

Ташкилот бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган:

Д-т 5010 К-т 0610 - 6400

Д-т 0610 К-т 9320 - 4600

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

3-амалий машғулот.

3-масала. Корхона қимматли қоғозлар сотиб олиш мақсадида уч ойга йиллик ставкаси 55% 300000 сўм кредит олди. Ремолиялаштириш ставкаси 60%.

Тўланиши шарт бўлган кредитдан фойдаланиш фоиз суммаси қуйидагича ҳисобланган.

$$300000 \cdot 55\% / 12 \cdot 3 = 41250$$

Қимматли қоғозлар 300000 сўмга сотиб олинган бухгалтерияда қуйидагича проводкалар берилган.

Д-т 5110 К-т 6810 300000 Олинган кредит суммасига

Д-т 0610 К-т 5110 300000 Киришга олинган акцияларга тўланган
сумма

Д-т 9439 К-т 6810 41250 Кредит фоизи ҳисобланган

Д-т 6810 К-т 5110 41250 Кредит фоизи тўлаб берилган

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

Товар-моддий заҳиралар аудити НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Материал қийматликларни текширишда қандай меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади?

2. Тўғри баҳолаш қандай белгиланади:

- материалларга;
- товарларга;
- инвентар ва хўжалик жиҳозларига?

3. Инвентар ва хўжалик жиҳозларининг киришга олиниши ва ҳисобдан чиқарилишини тўғрилигини текшириш қандай амалга оширилади?

4. Инвентар ва хўжалик жиҳозларига эскириш ҳисобланадими?

5. Материал ресурсларни мавжудлиги ва сақланишини тўғрилигини қандай текширилади?

6. Ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳаракати бўйича муомалаларни ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилишини текшириш қандай амалга оширилади?

7. Ишлаб чиқариш заҳираларидан келган камомад ва нобудгарчиликларни ҳисобдан чиқарилиши бўйича муомалаларнинг тўғри акс этирилганлигини текшириш қандай амалга оширилади?

8. Ишлаб чиқариш заҳираларининг аудитини текшириш манбалари бўлиб қайси дастлаб ҳужжатлар ва бухгалтерия сўралиши ҳисобланади?

9. Ишлаб чиқариш заҳираларининг инвентаризация натижалари қандай расмийлаштирилади ва унда кимлар иштирок этишлари лозим?

Қуйидаги атамаларга изох беринг: ТМЗлар, унинг таркиби, ҳақиқий таннарх, инвентар карточкалар, лимит-забор карталари, талабномалар, материал ҳисобот, хўжалик шартномалари, ишончномалар, ТМЗларнинг камомоди ва нобудгарчилиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш.

1-амалий машғулот.

Аудитнинг мақсади. Балансдаги материал қийматлар «Ишлаб чиқариш заҳиралари» (Материаллар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари, тайёр маҳсулот, товарлар) моддаси бўйича кўрсаткичларни ишончлилигини текшириш ва бу кўрсаткичларни бош дафтардаги, журнал-ордерлар ва бошқа бухгалтерия ҳисоби регистларидаги маълумотлар билан боғлиқлигини аниқлаш.

Ишлаб чиқариш заҳиралари аудитининг асосий вазифалари:

1. Ишлаб чиқариш заҳиралари мавжудлигини ва сақланиш ҳолатини текшириш.
2. Ишлаб чиқариш заҳиралари ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштирилишини текшириш.
3. Ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисоб баҳосини шаклланишини тўғрилигини текшириш.
4. Ишлаб чиқариш заҳираларини тўлиқлиги ва ўз вақтида киримга олинишини текшириш.
5. Ишлаб чиқариш заҳираларини ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга сарфланишини текшириш.
6. Тайёр маҳсулотлар ва жўнатилган товарларни тўғри баҳоланишини текшириш.
7. Ишлаб чиқариш заҳираларини ҳаракатини текшириш.

2-амалий машғулот.

1-масала. Шакар ишлаб чиқариш заводидан темир йўл орқали улгуржи савдо ташкилотига 25 тонна шакар жқнатилган. Юк ортилган вагон белгиланган станцияга 21.12.да келган ва юкларни туширишга берилган. Шакарни қабул қилиш пайтида 23.12 куни далолатнома расмийлаштирилиб, комиссия таркибига омбор мудирини Низомов Т. ва Эгамов О., бухгалтер Қосимов Н.лар киритилган. Далолатномада кўрсатилишича мол етказиб берувчининг ҳужжатида мувофиқ 25000 кг шакар, ҳар бир килограмми 120 сўм дан умумий суммаси 3000000 сўмни ташкил қилади. Шакарни тортиб кўрилганда 150 кг шакар суммаси 18000 сўм кам келганлиги кўрсатилган. Қабул қилиш далолатномасига асосан 24850 кг шакар бухгалтерияда киримга олинган. Камомад суммаси 2010 «Ишлаб чиқариш харажатлари» счётига ҳисобдан чиқарилган. Далолатнома ҳеч ким томонидан тасдиқланмаган. Шакарни ташиш пайтидаги табиий камайиши нормаси 0,15%.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

2-масала. Корхона ўзида ишлаб чиқарилган оқ кийимларни болалар уйига ҳайр-саховат сифатида топширди. Бу муомала бухгалтерия ҳисобида

қуйидагича акс этган.

Д-т 9439 К-т 2810 60000

Бу ҳақиқий таннарх бўйича.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

3-масала. Улгуржи савдо ташкилоти товарларни ҳайр саҳоват мақсадида мактаб интернатига берди. Улгуржи савдо ташкилоти бухгалтерия ҳисобида бу муомала қуйидагича акс этган.

Д-т 9439 К-т 2910 130000 ҳисобга олинган баҳода.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

4-масала. Корхона томонидан хайр эхсон мақсадида болалар касалхонасига дорилар берилди. Бу муомала бўйича сумма чакана баҳо 300000 сўм, савдо устамаси 30% ҚҚС10% ва қуйидагича проводка берилган.

Д-т 8530 К-т 4110 300000

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг ва ҳолатга баҳо беринг.

5-масала. Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор қуйидагиларни аниқлади:

Ҳисобот даври бошига материаллар қолдиғи 2000 минг сўм бўлиб, ҳисобот даврида асосий ишлаб чиқариш учун 1000 минг сўмлик, ёрдамчи ишлаб чиқаришга 200 минг сўмлик, транспорт воситаларининг ремонти учун 50 минг сўмлик, бошқарув эҳтиёжлари учун 10 минг сўмлик, ётоқхонани таъмирлаш учун 70 минг сумлик материал сарфланган. Ушбу муомалаларни акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар килинган:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» 1000 минг сум

Д-т 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» 200 минг сум

Д-т 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» 60 минг сум

Д-т 9410 «Сотиш харажатлари» 70 минг сум

Д-т 9420 «Маъмурий-бошқарув харажатлари» 180 минг сум

К-т 1000 «Материаллар» 1330 минг сум.

Талаб қилинади: Материалларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ нотўғри бухгалтерия проводкаларини аниқланг. Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

18-мавзу: Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг аудити

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, умумий ишлаб чиқариш харажатлари, бевосита ва билвосита харажатлар, устама харажатлар, маҳсулот таннархини аниқлаш усуллари, ишлаб чиқаришдаги брак, тайёр маҳсулотнинг баҳоланиши ва сақланиши, сотиш билан боғлиқ харажатлар, маҳсулот сотишдан тушган тушум ва соф

тушум.

1-амалий машғулот.

1-масала. Ишлаб чиқариш корхонасини аудиторлик текширувидан ўтказиш вақтида қуйидагилар аниқланди:

1) Корхона ходимларига медицина хизмати кўрсатиш учун пул тўланган:
Д-т 2510 К-т 5110 3000 минг сўм.

2) Корхона ходимлари фарзандларининг дам олишлари учун лагерга путёвка олинган:

Д-т 9430 К-т 5110 1500 минг сўм.

3) Оборот маблағларини тўлдириш учун олинган қисқа муддатли кредит фоизи тўланган:

Д-т 6810 К-т 5110 74 минг сўм.

4) 8- март «Хотин-қизлар байрами» муносабати билан совға олинган
Д-т 9420 К-т 5010 270 минг сум.

Талаб қилинади: Харажатларни ҳисобга олишдаги хатоликларни аниқланг.

2-масала. Аудитор томонидан усқунани монтаж қилиш учун сарфланган харажатларни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилганлиги аниқланди. Ушбу монтаж ишлари монтаж қилувчи ташкилот томонидан бажарилган бўлиб, ушбу монтаж амалдаги асосий воситаларни реконструкция (модернизация) қилиш ишлари таркибига киритилади.

Талаб қилинади: Бу ҳолатда қандай меъёрий ҳужжат бузилган? Хатонинг сабабини аниқланг ва ушбу муомалаларни акс эттирувчи бухгалтерия проводкаларини беринг.

Пул маблағлари аудити

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: Касса кирим ва чиқим ордерлари, касса китоби, кассир ҳисоботи, тўлов талабномаси ва топшириқномаси, банк кўчирмаси, инкассо талабномаси, картотека, аккредитивлар, чек дафтарчалари, чет эл валютаси, валюта курсларидан фарқлар.

1-амалий машғулот.

Аудитнинг мақсади: Пул маблағлари бўйича амалга оширилган хўжалик муомалаларини қонуний, ишончли ва хўжалик учун мақсадли тартибда ташкил қилиш.

Касса муомалалари аудитининг асосий вазифалари:

1. Кассадаги нақд пул маблағларини сақлаш шароитини текшириш.
2. Кассадан нақд пуллар кирими ва чиқимини расмийлаштирувчи дастлабки ҳужжатларни тўғрилигини текшириш.
3. Касса муомалаларини юритиш тартибини текшириш.
4. Касса муомалалари ҳисоби, касса дафтари ва аналитик ҳисоб маълумотларини текшириш.

5. Банкдан юридик ва жисмоний шахслардан кассага кирим қилинган нақд пулларни тўлиқлиги ва ўз вақтида киримга олинишини текшириш.

2-амалий машғулот.

1-масала. 10 февралда савдо ташкилоти бош кассаси инвентаризация қилинди. Бош кассир аудиторлар комиссиясига нақд 125000 сўм борлигини эълон қилди. Касса ҳисоботи маълумоти бўйича шу кун бошига нақд пул қолдиғи 25600 сўм бўлган. 10 феврал куни №151 касса кирим ордери бўйича 1-кассага 30000 сўм пул тушган ва шу сумма кирим қилинган. Шунингдек 2-кассага тушган 27000 сўм № 152 касса кирим ордери бўйича кирим қилинган. 10 февралдаги №137 касса чиқим ордери бўйича банкка 44800 сўм топширилган.

Бош кассир қуйидаги шахсларга маошгача пул берганлигини тушунтириш хатида кўрсатиб ўтган:

Сотувчи Ҳамидова С.Г.га 55000 сўм.

Ишчи Аҳмедова А.Ш.га 40000 сўм.

Кассир Абдуллаева Л.А. 35000 сўм

Кассир фикри бўйича бу суммалар иш ҳақи бериладиган кун юқоридаги шахслардан ушлаб қолинади.

Талаб қилинади: Инвентаризация билан боғлиқ тадбирларни амалга оширинг. Холатга баҳо беринг.

2-масала. Банк томонидан корхона кассасига нақд пул қолдиғи меъёри 20000 сўм қилиб белгиланган. Текширилаётган давр мобайнида 5010-«Касса» счёти бўйича регистрда ҳамда касса ҳисоботида нақд пул қолдиғи кўрсатилган.

1-февралда 35000

18-февралда 760000

1-мартда 220000

1-апрелда 286500

15-апрелда 148700

2-майда 137000

15-майда 128000

5- июнда 472700

1-июлда 127000

10-июлда 168000

1-августда 113000

10-сентябрда 157000

10-октябрда 158000

12-декабрда 158000

Савдо корхоналари учун иш ҳақи бериш санаси ҳар ой учинчи ёки ун еттинчи куни қилиб белгиланган.

Талаб қилинади: Кассада инвентаризация коидалари бузилган ёки йўқлигини аниқланг?

3-амалий машғулот.

Аудитнинг мақсади: Хорижий валютада ифодаланган мулклар ва мажбуриятлар ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларини меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тарзда ташкил қилиш.

1. Хорижий валюта бўйича ҳисобот кўрсаткичларини ҳаққонийлигини текшириш.

2. Хорижий валюта муомалалари ҳисоби тўлиқлиги, тўғрилиги ва уларнинг ҳужжатларда тўғри акс эттирилганлигини текшириш.

3. Хорижий валюта ҳисоби меъёрларига амал қилинаётганлигини текшириш.

4. Хорижий валюта муомалалари бўйича бухгалтерия ҳисоби регистрлари тўғри юритилаётганлигини текшириш.

1-Масала. 6-феврал куни корхона валюта счётига & 1000 долл. умумий сўмдаги қиймати 240000 сўм тушди. Бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган:

Д-т 5220 - 240000

К-т 9010 - 240000

& 700 долл. 169000 сўм учун жорий йилнинг 24 феврилида аналогик ёзув қилинди. Валюта счёти бўйича банк кўчирмасига ҳеч қандай ҳужжат илова қилинмаган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

2-Масала. Апрель ойида корхонада 400 долл. валюта сотилди. Бу муомала корхона бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилган.

1. Реализация қилинган валюта суммаси жорий счётидан ҳисобдан чиқарилди.

Д-т 5710 23840

К-т 5220 23840

2. Реализация қилинган валюта суммаси бўйича ҳисоб-китоб счётига пул кирим қилинди.

Д-т 5110 24000

К-т 5720 24000

3. Валюта сотилгани учун банкнинг коммиссион хизмат ҳақи ҳисобдан чиқарилди.

Д-т 9439 265

К-т 5110 265

4. Валютани сотиш бўйича фойда суммаси акс эттирилди.

Д-т 5720 160

К-т 9220 160

Д-т 9220 160

К-т 9320 160

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

3-Масала. Контракт бўйича Полшага 6120 долл. га ускуналар сотилди. Валютага сотилган асосий воситалар бўйича бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган:

1. Д-т 9210 400000 К-т 0130 400000
2. Д-т 0230 392000 К-т 9210 392000
3. Д-т 4010 979200 К-т 9210 979200
4. Д-т 4710 195840 К-т 6410 195840

Харидор тўловни икки марта амалга оширади.

1) 15.08. санада 35000 долл. 868000 сўм. Шу санада 1 долл.= 24,8 сўм.

2) 06.09. санада 5000 долл. 126000 сўм. Шу санада 1 долл. = 25,2 сўм.

Ускуна жўнатиш қабул-топшириш акти бўйича 10.09.да амалга оширилди.

Шу санада долл. курси 25,4 сўмни ташкил этган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

4-Масала. Аудитор бош дафтар ва касса дафтарини счётлари оборотларини текшириб бир неча хўжалик муомалаларига ойдинлик киритди. Бош дафтар ҳамда касса дафтарида қуйидагича проводкалар келтирилган.

Д-т 5010 К-т 2310

Д-т 5010 К-т 9030

Бошланғич ҳужжатлар ва унга илова ҳужжатларида кассага нақд пул тушганлиги маълум бўлди. Нақд пул қуйидагилар учун тушган.

А) Корхона автотранспортларидан фойдаланганлик учун 8500 сўм;

Б) Омборда баъзи товарларни сақлаганлиги учун 12000 сўм;

С) Ортиш тушириш хизматлари учун 10800 сўм.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

5-Масала. Корхона ҳисоб сиёсати буйруғига асосан реализация бўйича тушум фақатгина маҳсулот жқнатилганда 21-мартда чет эллик ҳаридорга 5000 долл.га счёт ёзилди. Шу санада 1 долл.=248 сўмга тенг бўлган. Бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзуви қилинган.

Д-т 4310 К-т 9220 1240000

Ҳақиқатда маҳсулот 5-апрелда ортиб жўнатилган. Шу санада 1долл. =248,55 сўмга тенг бўлган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

6-Масала. Бухгалтерия ҳисоби регистрида 5010-счёт бўйича ҳисобот йилида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган:

Сана	Муомала мазмуни	Счётлар корреспонденцияси				Жорий қолдиқ
		Дебет		Кредит		
		Ссчёт	Сумма	счёт	сумма	
25.01	Мижозлар томонидан ксероксдан фойдаланилди	5510	18000	2010	18000	201000
25.01.	Материаллар сотилди	5510	10800	10	10800	219000
						327000

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар

тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

Ҳисоб-китоблар аудити НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Берилган кредитларни таъминланишини текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
2. Сафар хизматига жқнатилган ходимлар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
3. Кредит ва қарзлар бўйича муомалаларни текшириш тартиби қандай амалга оширилади?
4. Ҳисоблашиш муомалалари қандай меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солиниб турилади?
5. Ҳисоблашиш ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби қандай?
6. Ҳисоблашиш ва кредит муомалаларни аудит қилишда қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текшириши манбалари бўлиб хизмат қилади?
7. Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
8. Берилган ва олинган аванслар бўйича ҳисоблашишлар аудитининг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
9. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар аудитининг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
10. Даъволар бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
11. Бюджет билан ҳисоблашишлар аудитининг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
12. Бюджетдан ташқари фондларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
13. Меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
14. Моддий жавобгар шахслар бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
15. Моддий зарарларни қоплаш бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
16. Таъсисчилар билан ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
17. Турли дебитор ва кредиторлар бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
18. Шўъба корхоналар билан ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлари мавжуд?
19. Кредитлардан мақсадли фойдаланишни текшириш қандай амалга оширилади?
20. Банк кредитлари ҳисобининг хусусиятлари қандай?

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва уларни олиш шартлари, хизмат сафари учун берилган бўнақлар,

харидор ва буюртмачилар, мол етказиб берувчилар, даъволар бўйича ҳисобкитоблар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, моддий жавобгар шахслар, таъсисчилар билан ҳисоблашишлар.

Аудитнинг мақсади. Дебитор ва кредиторлик қарзлар бўйича ҳисобот кўрсаткичларини ишончилиги учун етарли далиллар олиш.

21. Ҳисоблашиш ва кредит муомалалари аудитининг асосий вазифалари.

22. Вақтида ундирилмаган ва корхона томонидан талаб қилмаган қарзлар мавжуд бўлса уларга чора-тадбирлар кўриш ва ундириш чораларини кўриб чиқиш.

23. Ҳисоб маълумотларидаги кредит ва қарзларини ҳужжатларини ва уни реаллигини назорат қилиш.

24. Олинган қарзларни мақсадга мувофиқ ишлатилишини ва уни ўз вақтида қайтарилишини текшириш.

25. Кредитлар бўйича фоизларни тўғри тўланишини назорат қилиш.

26. Олинган кредитларни асослигини ва қонунга мувофиқлигини текшириш.

27. Ҳисоблашиш ва кредит муомалалари бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб юритилишини тўғрилигини текшириш.

1-амалий машғулот.

1-Масала. Банк ққчирмаси бўйича 15.10 санада 230000 сўм материаллар учун тўланган қурилиш материаллари базасига тўланган счётага юк хати илова қилинмаган. Ҳисоб регитрида юқоридаги сумма қуйидагича акс этган.

Д-т 6010 К-т 5110 230000

Материаллар ҳисоби регитрида ҳамда материал ҳисоботида материаллар кирими счёти ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

2-Масала. Шартнома бўйича корхона келгусида материал етказиб бериш шarti билан 180000 сўм бўнак олди. 6310-«Олинган бўнақлар бўйича ҳисобкитоблар» счёти бўйича регитрда январ ва март ойларида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган.

Д-т 5110 К-т 6310 180000

Д-т 6310 К-т 6010 180000

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

3-Масала. 14.03 санадаги №25-сонли касса чиқим ордери бўйича ҳисобот йилида корхона касасидан котиба Муратова К.Н.га 2000 сўм ҳисобдор сумма берилган. Аванс ҳисоботи расмийлаштирилмаган ва кассага пул қайтариб берилмаган. Бухгалтернинг тушунтириши бўйича берилган сумма менеджер Собиров А.Н.га ҳисобдор сумма қилиб бериб юборилган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар

тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

4-Масала. Корхонада ҳисобот йилида 10.08 куни 109-сонли буйруққа асосан ўзининг ходими Ахмедов Р.С. Фарғона шаҳрига сафар хизматида жўнатилди. Сафар хизмати учун 60000 сўм берилган.

Ахмедов Р.С. сафар хизматидан қайтиб келгандан сўнг аванс ҳисоботи топширган. Аванс ҳисоботи 26.08 куни 58000 сўмга тасдиқланган 2000 минг сўм кассага қайтариб топширилган. Аванс ҳисоботида меҳмонхона квитанцияси 17400 сўм бўлган. қолган хизмат харажатларига тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд.

Шунга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинган:

Санаси	Муомалалар мазмуни	Ҳужжат	Счётлар корреспонденцияси		Сумма
			Дебет	Кредит	
10.08	Ахмедов Р.С.га сафар хизмати учун ҳисобдор сумма берилган	10 август 109-сонли буйруқ, 94-сонли касса чиқим ордери	6870	5010	60000
26.08	Фойдаланилмаган сафар хизмати суммаси кассага қайтарилган	ҳисоб-китоб расчёти, 185-сонли касса кирим ордери	5010	6870	2000
26.08	Ахмедов Р.С.нинг сафар хизмати харажатлари "Давр харажатларига ҳисобдан чиқарилди".	Аванс ҳисоботи	9429	6870	58000

Талаб қилинади: Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

5-Масала. Оборот ведомостида 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти кредит қолдиғи 500700 сўм. Дебет қолдиғи 70350 сўм. Баланс маълумотлари бўйича мол етказиб берувчилар счёти кредиторлик қарзлари 430350 сўмни ташкил қилган.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

6-Масала. Корхона бош директор муовинининг Германияда ўқиши учун 2700000 сўм тўлаб берди. Ўқиш учун тўланган сумма унинг йиллик даромадига қўшилмаган. Ўқиш учун тўланган сумма мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланди.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

7-Масала. Корхона томонидан жорий йилда бинонинг реконструкцияси учун 3 йил муддатга хорижий валютада кредит олинган. Лойиҳа бўйича қтган йилнинг декабр ойида ишлар тугатилган ва объект ишга туширилган. Ҳисобот йилида мазкур шартнома бўйича банк хизмати учун ва унинг фоизи учун

тўловларни амалга оширган. Лекин ўтган йилларда олинган кредитор қарзлар ўз вақтида тўлаб берилмаган. Бухгалтерия ҳисобида валюта бўйича кредитлар қуйидагича акс эттирилган:

Д-т 2010 счёт, к-т 5210 счёт - 132000 сўм.

(Шу жумладан 120000 сўм - кредит учун фоиз 12000 сўм - банк хизмати).

Талаб қилинади: Корхона бухгалтерии томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

2-амалий машғулот.

1-масала. Ишбай иш ҳақи олиб ишловчи ходим Алиев А. белгиланган ишлаб чиқариш меъёрини 120%га ошириб бажарди. Меъёрни 100% бажарган вақтда тўғри ишбай иш ҳақи учун ойлик иш ҳақи миқдори 200 минг сўм. Корхонанинг Ички Низомига асосан ишлаб чиқариш меъёрини 105%дан юқори бажарган ишчиларга ҳар бир ошириб бажарилган % учун маҳсулот расценкаси 1,4 баробар юқори тўлаш кўзда тутилган. Ушбу ойда ишчи Алиев А.га ҳисобланган иш ҳақи 215 минг сўмни ташкил қилган.

Талаб қилинади: Ҳисобланган иш ҳақининг тўғрилигини аниқланг.

Корхона хусусий капитали аудити

Аудитнинг мақсади. Устав капиталини шаклланиши тўғрисидаги маълумотларни ҳисоботда тўғрилигини текшириш.

Устав капитали аудитининг асосий вазифалари

1. Устав капиталини меъёрий ҳужжатлар талабаларига мувофиқлигини текшириш.
2. Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни текшириш.
3. Устав капиталини шаклланишини тўғрилигини текшириш.
4. Устав капитали бўйича ҳисоб ва ҳисоботини текшириш.

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: Хусусий капитал, унинг таркиби, устав капитали, акциядорлар, акциядорлар реестри, кўшилган капитал, заҳира капитали, эмиссион даромад, мулкларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар, текинга олинган мулк, келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви, тақсимланмаган фойда.

1-амалий машғулот.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Устав капитали ва таъсисчилар билан ҳисоблашишларни аудит қилишда қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади?
2. Устав капиталини шакллантиришни текшириш қандай амалга оширилади?
3. Устав капитали ҳисоби ва ҳисоботи аудити қандай ўтказилади?
4. Аудитор таъсис ҳужжатлари билан таништиришида қандай маълумотларни текшириши лозим?
5. Устав капиталини аудит қилишда қандай ҳужжатлар ва бухгалтерия счётлари текшириши манбалари бўлиб хизмат қилади?

6. Устав капиталини шакллантиршида ва таъсисчилар билан ҳисоблашишларда солиққа тортиш текшириш хусусиятлари қандай амалга оширилади?

1-масала. Таъсис шартномасига мувофиқ ташкилотнинг устав капитали бир нечта юридик шахслар томонидан ташкил этилган. Таъсисчилардан бири ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказиш йўли билан 2000000 сўм миқдорда 10 йил муддатга ўз ҳиссасини ққшди.

Бухгалтерия ҳисобида ҳиссаларни расмийлаштириш қуйидагича акс этирилган.

Д-т 6610 К-т 8310 2000000

Устав капиталига қўшиладиган ҳиссаси

Д-т 0480 К-т 6610 2000000

Шундай қилиб, янги ташкил этилган ташкилот бу ҳуқуқни ўзининг номоддий активлар таркибига киритади.

2 йилдан сўнг аудиторлик текширувлари давомида аниқланадики, кўрсатилган номоддий актив таъсисчи баланси ҳисобида бўлмаган, бунинг оқибатида таъсисчи уни устав капиталига ҳисса сифатида ўтказишга ҳақли эмас эди.

Ўтган давр учун ушбу номоддий активга Д-т 2010 К-т 0580 проводка орқали амортизация ҳисобланган. Амортизация ажратмалари суммаси 40000 сўмни ташкил этди.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

2-масала. А ташкилот В корхонанинг устав капиталидаги улуши 25000 минг сўмни ташкил қилади. А ташкилотнинг улушини С корхона 32000 минг сўмга сотиб олди. А ташкилотда бу хўжалик муомалалари қуйидагича акс этирилган.

Д-т 5110 сч., К-т 8330 сч - 25000 минг сўм.

Д-т 5110 сч., К-т 9590 сч - 7000 минг сўм.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

2-амалий машғулот.

Аудитнинг мақсади. Фондлар ва резервларни шаклланиши ва улардан фойдаланишни ҳисоби ва ҳисоботини ҳаққонийлигини таъминлаш.

Аудитнинг асосий вазифалари

Фондлар ва резервларни шаклланиши белгиланган нормаларга мувофиқ келишлигини текшириш.

Фондлар ва резервлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини ва қонунийлигини текшириш.

Фондлар ва резервлар муомалаларини бухгалтерия счётларида тўғри акс этирилганлигини текшириш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Фондлар ва резервларни аудит қилишда қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади?

2. Келгуси давр харажатлари ва тўловлари резервини назорат қилиш қандай ташкил этилади?

3. Резерв фондини ташкил қилиш ва ундан фойдаланишнинг қандай қойидалари мавжуд?

4. Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобининг ҳолати ва юритиш тартиби қанай текширлади?

Фондлар ва резервлар муомалаларини аудит қилишда қайси ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби счётлари текшириш манбалари бўлиб ҳисобланади?

1-масала. Ҳисобот йилининг 4 чорагида ташкилот томонидан хоналарни таъмирлаш ишларини ўтказиш учун 900000 сўм миқдорда келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви ҳисоблаб чиқилган. Бу муомала бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилган.

Д-т 2010 К-т 8910 900000

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

2-масала. Ташкилот сифатида «Жамғариш», «Хусусийлаштирилган инвестицион фонд», «Резерв фонди», «Хайрия», «Саҳоват» каби фондлар яратилди.

Фондларни ташкил этиш тартибини акс эттирувчи ҳужжатлар аудиторга тақдим этилмаган. «Жамғариш» фонди бўйича 9390 счёти дебетда ёзув қилинган. Ҳамда муомалалар қуйидагича акс эттирилган.

Д-т 8910 К-т 6710 860000 иш ҳақиға

Д-т 8710 К-т 8910 200000 ижтимоий соҳалар фондига ажратмалар.

Талаб қилинади: Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текшириб, аудиторлик далолатномасини тузинг.

3-масала. Ташкилотда келгуси давр харажатлари ва тўловлари резерви ташкил этилган.

Йиллик мукофот тўловига;

Таъмирлаш фондини шакллантириш маблағлари жорий ва капитал ремонт бўйича харажатларига ўтказилган.

1-жадвал.

Ҳисоб регистри учети бўйича	Ой бошига қолдик		Оборотлар		Ой охирига қолдик	
	Д-т	К-т	Д-т	К-т	Д-т	К-т
Январ	-	-	-	-	-	-
Феврал	-	-	32000	32000	-	-
Март	-	32000	-	16000	-	48000
Жами 1-чорак	-	48000	-	48000	-	-
Апрел	-	48000	-	-	-	48000
Май	-	48000	-	36000	-	84000

Июн	-	84000	-	-	-	84000
Жами 2-чорак		48000	-	36000	-	84000
Июл		84000	-	46000	-	130000
Август		130000	-	25000	-	155000
Сентябр		155000	-	-	-	155000
Жами 3-чорак		84000	-	71000		155000
Октябр		155000	63000	28000	-	120000
Ноябр		120000	51000	-	-	69000
Декабр		69000	33000	-	-	36000
Жами 4-чорак		155000	147000	28000	-	36000

Молиявий натижалар аудити

Аудитнинг мақсади. Сотишдан тушган тушум кўрсаткичларини ҳисоботда акс эттирилишини ишончлилигига баҳо бериш.

1. Маҳсулот (иш, хизматлар) реализацияси бўйича муомалаларни ҳужжатларда тўғри акс эттириш ҳамда тўлиқлигини текшириш.

2. Маҳсулот (иш, хизматлар) реализацияси аналитик ва синтетик ҳисоби юритилиши тўғрилигини текшириш.

3. Товар ва хизматлар баҳоси тўғри шаклланганлигини текшириш.

4. Сотилган маҳсулот таннархини тўғри акс эттирилишини текшириш.

5. Маҳсулот реализацияси муомалаларини солиқ қонунчилигига мувофиқлигини текшириш.

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: Маҳсулот сотишдан тушган тушум, асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фойдаси, молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатлар, фавқулодда фойда ва зарарлар, солиқ тўлагунга қадар фойда, солиқ базаси, солиқ ва бухгалтерия фойдаси, соф фойда.

1-амалий машғулот.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Молиявий натижаларни аудит қилишда фойдаланиладиган асосий меъёрий ҳужжатларни келтиринг?

2. Харажатларни аудит қилиш қандай ташкил этилади?

3. Ишлаб чиқариш харажатларига ва маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннархига киртиладиган харажатларни тўғри аниқлашни қандай текширилади?

4. Операцион даромадлар ва харажатларни шакллантиришни тўғри текшириш қандай амалга оширилади?

5. Реалициядан ташқари даромадлар ва харажатларни тартибини текшириш қандай амалга оширилади?

6. Корхоналар фаолияти молиявий натижаларни шакллантириш ва фойданинг ишлатилиши қандай текширилади?

7. Харажатлар, Тушумилар ва реализациядан ташқари даромадлар ва харажатларни аудит қилишда қайси ҳужжатлар ва бухгалтерия сўҳтлари текшириш манбалари бўлиб ҳисобланади?

8. Харажатлар сўҳтининг аналитик амалга оширилади?

9. 9000, 9600 "Асосий (операцияли) фаолиятдан олинадиган даромадлар" ва "Молиявий фаолият бўйича харажатлар" счётларининг аналитик ҳисобини текшириш тартибини қандай амалга оширилади?

2-амалий машғулот.

Аудитнинг мақсади. Ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулотларни сотишни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилишини текшириш.

Аудитнинг асосий вазифалари:

Маҳсулот таннархига ққшиладиган харажатларни тўғри аниқлаш ва ҳужжатларда тўғри расмийлаштирилишини текшириш.

Харажатларни элементлари бўйича шаклланишини текшириш.

Маҳсулотлар таннархини тўғри аниқлашни текшириш.

Маҳсулот турларига ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга харажатларни тақсимланишини текшириш.

1-масала. 9400-«Давр харажатлари» ва 5110-«Ҳисоб-китоб» счётларнинг дебети бўйича бухгалтерия проводкаларида акс эттирилган харажатларни ва ҳисоб-китоб счёти бўйича ёзувларни қарама-қарши усулда текшириш пайтида, аудитортомонидан шу нарса аниқландики, жорий йилда корхона автомобил сотиб олган. Автомобилнинг баҳоси 4500 минг сўм ва ҚҚС эса 900 минг сўмни ташкил қилган. Автомобилни киримга олишда 4500 минг сўм баланс баҳоси деб белгиланган 900 минг ҚҚС суммасини 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига олиб борган.

Талаб қилинади: Юқоридаги ҳолат бўйича бухгалтерия проводкаларига баҳо беринг, зарур бўлса керакли тўғрилашларни амалга оширинг?

2-масала. Харажатлар ҳисоби бўйича ёзувларни текшириш пайтида аудитор маҳсулотнинг таннархига қуйидаги хизматлар тўлови киритилганлигини аниқлади.

Проводка Д-т 9430 К-т 6010 ташкилот мулки ҳисобланган хонага янги телефон линияси қрнатиш учун алоқа бўлимига - 18500;

Ёнғиндан сақлаш сигнализацияси ўрнатганлик учун ўт ўчириш ташкилотига 11000 сўм;

Локал компьютер сети ўтказиш ташкилотига - 56000 сўм.

Талаб қилинади: Юқоридаги ҳолат бўйича бухгалтерия проводкаларига баҳо беринг, зарур бўлса керакли тўғрилашларни амалга оширинг?

3-масала. Ички аудиторни тайёрлаш учун ташкилот унинг махсус аудиторлик курсида ўқиш учун ва аудиторлик курслари ва аудиторлар аттестати олиш билан боғлиқ харажатларни тўлади. Бу операция ҳисобда қуйидагича акс эттирилган.

Д-т 9430 К-т 5110 - 400000 сўм

Талаб қилинади: Юқоридаги ҳолат бўйича бухгалтерия проводкаларига баҳо беринг, зарур бўлса керакли тўғрилашларни амалга оширинг?

Молиявий ҳисобот аудити

1-амалий машғулот.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Молиявий ҳисоботни аудит қилишда фойдаланиладиган асосий меъёрий ҳужжатларни келтиринг?
2. Молиявий ҳисоботни аудит қилишда қандай маълумотлар манбаа сифатида фойдаланилади?
3. Молиявий ҳисоботни аудит қилиш қандай ташкил этилади?
4. Молиявий ҳисобот моддаларига нисбатан жиддийлик даражаси қандай белгиланади?
5. Молиявий ҳисобот шаклларидаги маълумотлар қандай ва қайси ҳужжат маълумотларига таққосланади?
6. Молиявий ҳисоботни текширишда аудитнинг қабул қилинган рискнинг юқори ва қуйи чегараси қанча бўлиши талаб этилади, бу қандай белгиланади ва ким томонидан?
7. Молиявий ҳисобот таркиби:
 - 1) «Бухгалтерия баланси» 1-шакли
 - 2) «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот 2-шакли
 - 3) «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот 3-шакли
 - 4) «Пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисобот 4-шакли
 - 5) «Хусусий капитал» тўғрисидаги ҳисобот 5-шакллари қандай аудит қилинади?
8. Молиявий ҳисоботни тузиш тамойилларига мувофиқлиги қандай текширилади?
9. Бухгалтерия баланснинг ҳаққонийлиги қандай текширилади?
10. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ва бошқа шакллари тўғрилигини текширишда нималарга эътибор бериш лозим?
11. Молиявий ҳисоботнинг аудити натижалари қандай, кимга ва қачон ошкор қилинади. Бунда қандай ахлоқ кодекси тамойилларига амал қилинади?
12. Ҳисобот шакллари тўғри тузилганлигини ва ишонлилигини текширишда қандай аудиторлик процедуралардан фойдаланилади?
13. Корхонанинг тўловга қобилиятлилик даражасини текшириш қандай амалга оширилади?
14. Корхонанинг молиявий барқарорлик даражасини текшириш қандай амалга оширилади?

Қуйидаги атамаларга изоҳ беринг: Молиявий ҳисобот, уларнинг турлари ва тўлдирилиши олдига қўйилган талаблар, бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома, ҳисоботга тушунтириш хати.

2-амалий машғулот.

1-масала. Аудиторлик ҳисоботини имзолашдан олдин, аудитор шуни

аниқладики, мижознинг филиалларидан бирига кучли шамол туфайли катта зикн етказилган. Бу ҳодиса молиявий ҳисоб санасидан кейин рўй берган. Зарар суғурта компанияси томонидан қопланмайди.

Талаб қилинади: Бу ҳодиса компаниянинг молиявий ҳисоботига таъсир кўрсатадими? Агар шундай бўлса бухгалтерия ҳисобида нима ўзгаради?

2-масала. Аудит ўтказиш даврида кейинги йилнинг бошида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра сизнинг мижозингиз товар-моддий бойликлар сотади ва ҳисобот йилидагига нисбатан 10 марта кўпроқ даромад олишини аниқладингиз.

Талаб қилинади: Бу хўжалик муомаласи текширилаётган йил ҳисоботи ва аудитор хулосасига қандай таъсир қилади?

3-масала. Асосий воситаларни танлов асосида инвентаризация қилишда дастлабки нархи 800000 сўм, амортизацияси 300000 сўмлик объект етишмаслиги аниқланди.

Ҳисобот йилининг декабр ойида бу объект шартномага кўра унинг нархи 1560000 сўм инвентаризация ўтказиш пайтида аудиторга шартнома ва қабул қилиш-топшириш акти тақдим этилган. Харидор билан ҳисоб китоблар амалга оширилган. Бу хўжалик муомаласи ҳисобот йилининг 31 декабрига бўлган ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисоби сўтларида акс эттирилмаган.

Талаб қилинади: Хўжалик муомаласига аудитор нуқтаи назаридан баҳо беринг, бу корхона молиявий ҳисоботи ва аудитор хулосасига қандай таъсир қилади?

4-масала. Dorman Home Builders компанияси бош бухгалтери касаллиги туфайли, тугаётган ҳисобот даври учун малакаси юқори бўлмаган бухгалтер ёрдамчиси компаниянинг бухгалтерия балансини тузди. Тузилган балансда бир қатор хатоликлар мавжуд. Ёрдамчи бухгалтер қисман баланс тўғрисида тушунчага эга эканлиги ва унинг барча муомалаларнинг натижаларини кўшилиши, яъни йиғиш орқали тузилишини билганлиги боис компания балансини тузди. Лекин натижалар баланс (тенглик)ни келтириб чиқармади ва тенгликни келтириб чиқариш учун у хусусий капитал суммасига коррективки киритиш орқали балансни чиқарди. Баланс моддалари суммалари тўғри акс эттирилган, аммо хусусий капитал суммасида хатолик мавжуд.

**Dorman Home Builders компаниясининг
2015 йил 1 январ ҳолатига
Бухгалтерия баланси**

Актив	Сумма	Мажбуриятлар	Сумма
Касса	\$ 2,000	Олинадиган сўтлар	\$3000
Канцелярия товарлари	1,000	Хизмат кўрсатишдан олинган	35,000

		даромад	
Ер	22,000	Мулк солиғи бўйича харажатлар	800
Реклама харажатлари	500	Тўланадиган счётлар	8,000
Офис мебелли	10,000	Хусусий капитал	
Тўланадиган вексель	16,000		
Ижара харажатлари	4,000	Жами хусусий капитал	8,700
Жами активлар	\$ 55,500	Жами мажбуриятлар ва хусусий капитал	\$55,500

Топшириқ: 1. 2003 йил 1 январ ҳолатига тўғри бухгалтерия балансини тузинг. Активлар ва мажбуриятлар суммасини ҳисобланг. Сўнгра хусусий капиталнинг тўғри суммасини чиқариш учун фарқларни аниқланг.

2. Юқорида келтирилган моддаларнинг айримлари нима учун бухгалтерия балансида акс эттирилмаслиги кераклигини изоҳланг.

5-масала. Аудиторлик ҳисоботини имзолашдан олдин, аудитор шуни аниқладик, мижознинг филиалларидан бирига кучли шамол туфайли катта зикн етказилган. Бу ходиса молиявий ҳисоб санасидан кейин рқй берган. Зарар суғурта компанияси томонидан қопланмайди.

Топшириқ: Бу ходиса компаниянинг молиявий ҳисоботига таъсир кўрсатадими? Агар шундай бўлса бухгалтерия ҳисобида нима ўзгаради?

6-масала. Аудит ўтказиш даврида кейинги йилнинг бошида шартнома тузилган бўлиб, унга кўра сизнинг мижозингиз товар-моддий бойликлар сотади ва ҳисобот йилидагига нисбатан 10 марта кўпроқ даромад олишни аниқладингиз.

Топшириқ: Бу хўжалик муомаласи текширилаётган йил ҳисоботига ва аудитор хулосасига қандай таъсир қилади?

7-масала. Асосий воситаларни танлов асосида инвентаризация қилишда дастлабки нархи 800000 сўм, амортизацияси 300000 сўмлик объект етишмаслиги аниқланди.

Ҳисобот йилининг декабр ойида бу объект шартномага кўра унинг нархи 1560000 сўм инвентаризация ўтказиш пайтида аудиторга шартнома ва қабул топшириш акти тақдим этилган. харидор билан ҳисоб китоблар амалга оширилган.

Топшириқ: Бу хўжалик муомаласи ҳисобот йилининг 31 декабрига бўлган ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилмаган.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “АУДИТ” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан кўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни кўзда тутати.

Фан бўйича тингловчиларнинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган. Тингловчилар аудитория машғулотида профессор-ўқитувчиларни тинглайдилар, амалий мисоллар ечадилар. Аудиториядан ташқарида дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қилади, уй вазифа сифатида берилган топшириқларни бажаради. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгрок ўрганиш мақсадида кўшимча адабиётларни ўқиб реферат (тақдимот)лар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мавзуга доир масалалар, кейс-стади ва ўқув лойиҳаларини Ахборот ресурс маркази манбалари ҳамда изланиш объекти бўлмиш корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларини тўплаган ҳолда бажаради.

Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва амалийлар тайёрлаш кабилар тингловчиларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Шунинг учун ҳам мустақил таълимсиз ўқув фаолияти самарали бўлиши мумкин эмас.

“АУДИТ” фанидан мустақил иш мажмуаси фаннинг барча мавзуларини қамраб олган қуйидаги мавзу кўринишида шакллантирилган:

2. Мустақил таълим мавзулари

1. Аудитнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши
2. Аудитнинг тамойиллари ва функциялари
3. «Аудит» фанининг предмети ва методи
4. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари
5. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари
6. Аудиторлик касбига малакавий талаблар ва аудиторлик фаолиятини лицензиялаш
7. Аудиторлик фаолиятининг ташкилий асослари
8. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари
9. Аудиторлик ташкилотларининг ички стандартлари
10. Аудиторлик касбининг ахлоқий талаблари
11. Аудитор ишининг сифатини назорат қилиш
12. Акциядорлик жамиятларида ички аудитни ташкил этиш тартиби
13. Аудитда жиддийлик даражасини аниқлаш ва қўллаш тартиби

14. Аудиторлик таваккалчилиги ва уни аниқлаш тартиби
15. Аудиторлик текширувини режалаштиришнинг мақсади ва босқичлари
16. Маълумотларни компьютерда ишлаш шароитида аудит ўтказиш тартиби
17. Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш
18. Аудиторлик далиллар ва уларни олиш усуллари
19. Аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллаш усуллари
20. Аудитда эксперт ишларидан фойдаланиш
21. Молиявий ҳисоботда ноаниқликлар аниқланганда аудиторлик ташкилотининг иш тутиши
22. Аудитда товламачилик ва хатони аниқлаш
23. Бошқа аудитор иши натижаларидан фойдаланиш
24. Аудиторлик танлаш ва уни қўллаш тартиби
25. Аудиторлик ҳисоботи ва унинг таркиби
26. Аудиторлик хулосаси ва унинг турлари
27. Молиявий ҳисобот тузилганидан кейинги ҳодисалар ва уларни аудиторлик хулосасига таъсири
28. Махсус масалани текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи
29. Хорижда аудиторлик фаолияти ва унинг методологик асослари
30. Асосий воситалар амортизациясининг аудити
31. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари аудити
32. Ижара муомалалари ва лизинг муносабатлари аудити
33. Номоддий активлар амортизациясининг аудити
34. Ташкилий харажатлар аудити
35. Молиявий инвестициялар баҳоланишинингаудити
36. Капитал қўйилмалар аудити
37. Узоқ муддатли дебитор қарзлар аудити
38. Ишлаб чиқариш захиралари аудити
39. Асосий ишлаб чиқариш харажатлари аудити
40. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари аудити
41. Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар аудити
42. Келгуси давр харажатлари аудити
43. Товар муомалалари аудити
44. Маҳсулот сотилиши ва у билан боғлиқ муомалалар аудити
45. Касса ва касса муомалалари аудити
46. Ҳисоб-китоб счётига доир муомалалар аудити
47. Валюта муомалалари аудити
48. Экспорт-импорт муомалалари аудити
49. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар аудити
50. Бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар аудити
51. Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар аудити
52. Бюджет билан ҳисоб-китоблар аудити
53. Давлат мақсадли фондларига доир ҳисоб-китоблар аудити
54. Мехнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар аудити

55. Банк кредитлари бўйича ҳисоб-китоблар аудити
56. Муддати кечиктирилган мажбуриятлар аудити
57. Муассислар билан ҳисоб-китоблар аудити
58. Устав капитали аудити
59. Қўшилган капитал аудити
60. Резерв капитали аудити
61. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) аудити
62. Грантлар ва субсидиялар бўйича муомалалар аудити
63. Асосий фаолият бўйича даромад ва харажатлар аудити
64. Давр харажатларини аудити
65. Молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатлар аудити
66. Якуний молиявий натижа аудити
67. Бухгалтерия баланси аудитини ташкил этиш босқичлари ва ундаги амаллар
68. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудити
69. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот аудити
70. Корхона ҳисоб сиёсатини аудиторлик текширувидан ўтказиш хусусиятлари
71. Ташқи ва ички аудит.
72. Аудит – замонавий назорат воситаси.
73. Аудиторлик текшируви режалаштириш ва аудиторлик дастури
74. Иш ҳақидан ушланмалар аудити.
75. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари аудити
76. Экологик аудит хусусиятлари
77. Банкдаги бошқа махсус счетлар аудити
78. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ муомалалар аудити
79. Узоқ муддатли қарзлар аудитининг хусусиятлари
80. Аудиторлик ташкилотларининг иш юритиш ҳужжатлари
81. Аудиторлик текширувларининг туркумланиши ва уларнинг вазифалари
82. Аудитда хўжалик юритувчи субъект фаолияти билан танишиш
83. Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари ва уларнинг аҳамияти
84. Ўзбекистонда аудиторлик хизматига эҳтиёжнинг пайдо бўлиш сабаблари

VII. ГЛОССАРИЙ

Терминлар	Ўзбекча	Инглизча
Асосий воситалар	Корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар	the Company's long-term agricultural production activities, works or services or in the process of implementation of the administrative, social and cultural functions in order to hold financial assets
Амортизацияланадиган қиймат	Молиявий ҳисоботларда фараз қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси	Assuming that the financial reports (estimated) discount the value of these assets start to finish (restore) the sum of the value
Амортизация	фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси	useful service life of the asset value of the depreciable fixed assets based on the duties of goods (works, services) costs or the costs of distribution and expression of view, the value eskirishning
Фойдали хизмат муддати	Корхона активдан фойдаланадиган вақт даври ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори	The assets of the enterprise, intending to take the use of the assets of the enterprise or the period of time you use this product (works and services), the amount
Бошланғич қиймат	Тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (йиғимларни), шунингдек активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа	paid and non-refundable taxes (fees), as well as asset-oriented use of which is directly related to the working mode of delivery and installation, installation, commissioning and

	харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатларнинг қиймати	taking into account the cost of any other fixed assets (building and construction) the actual value of the expenses for the purchase
Жорийқиймат	Маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма	the market value of fixed assets effective as of the date of implementation of the agreement or made aware of the implementation of an agreement between independent parties who wish to purchase the asset or the amount which is sufficient to fulfill the obligations
Қолдиқ (баланс) қиймат	Жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати	discount on the amount of depreciation of fixed assets concentrated in the initial (reset)
Тугатиш қиймати	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фарз қилинаётган суммаси	the expected discount on the cost of the withdrawal of fixed assets during the liquidation of fixed assets at the end of the expected useful life, the amount of assets to be assumed
Асосий воситаларнинг инвентар объекти	Сифатида барча қурилмалари ва анжомларига эга бўлган объект ёки муайян мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган алоҳида конструктив асосдаги буюм ёхуд бутун бир яхлитликни ифодаловчи ва муайян вазифаларни бажариш учун мўлжалланган конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуи тан олинади	as all the facilities and equipment to perform tasks independent of a specific object or a constructive basis for representing the unit or the entire integrity and are designed to perform specific tasks constructively together a set of specific recognition
Асосий	Асосий воситалар объектларининг	the value of the objects

воситаларниқ айта баҳолаш	тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир. Асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисоботда жорий қиймат бўйича акс эттирилади	of the basic means in order to adjust the current level of market prices from time to time to be considered. Fixed assets as a result of re-evaluation and the report reflects the current value of the account
Асосий воситалар объекти бўйича	Амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ сўндирилгунга қадар ёхуд бу объектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади	this object is part of the basic tools to calculate the depreciation of the start date of the first of the month following the month of the depreciable cost of the facility, or until the full this item Balance carried
Жорий таъмирлаш	Асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлашдир	The main object of repair works carried out in order to maintain
Ўртача таъмирлашда таъмирланаётган	Агрегатни қисман ажратиш ва деталларнинг қисмларини тиклаш ёки алмаштириш амалга оширилади	unit carried out to replace part or parts of the separation and recovery
Ускуналар ва транспорт воситаларини капитал таъмирлаш	Агрегатни тўлиқ ажратиш йиғиш амалга ошириладиган таъмирлашдир, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш ҳамда агрегатни йиғиш, созлаш ва синаб кўришдир. Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш – базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш амалга ошириладиган таъмирлашдир	unit is fully implemented in the assembly repair and maintenance base and case details and assemblies, repair, restoration or replacement of all worn parts and components and machines to collect, customize, and test to see. Overhaul of buildings and structures - basic and body details and assemblies, repair, or replace all of the old construction details and assemblies made to

		restore repair
Асосий воситаларнинг ҳақиқатда мавжудлигини	Аниқлаш ва уларнинг бутлигини назорат қилиш мақсадида корхоналар томонидан вақти-вақти билан, бироқ икки йилда камида бир марта асосий воситаларни инвентаризация ўтказилади, кутубхона фондларини эса беш йилда бир марта инвентарланади	In order to identify and control the integrity of their enterprises by from time to time, but at least once every two years the library collections of the fixed assets inventory held five years endorses
Узоқ муддатли ижара ижарага берувчи	Ижарачига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кўп муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув	tenant fee property ownership for a period of 12 months and the right to use or deal
Қисқа муддатли ижара ижарага берувчи	Ижарачига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кам муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув	a period of less than 12 months after the tenant fee property ownership and the right to use or deal
Иккиламчи ижара	(иккиламчи лизинг) ижарачи (лизингга олувчи) ижарага берувчи (лизингга берувчи) нинг розилиги билан, ижарага берувчи (лизингга берувчи) нинг олдида ижара (лизинг) шартномаси юзасидан жавобгарликни сақлаган ҳолда ижарага олинган мулкни (лизинг объектини) бошқа шахсга иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг) га топширадиган шартнома муносабати	(Secondary lease) the tenant (lease), the lease (leasing) with the consent of the landlord (leasing) in front of the lease (leasing) agreement, while maintaining responsibility for the leased property (an object) to another person at the secondary lease (secondary lease) due to a contract submitted
Ижара	(лизинг) объектлари истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай буюмлар (ашёлар), шу жумладан корхоналар, мулкий комплекслар, алоҳида бинолар, иншоотлар, усқуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк (муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклар бундан мустасно)	(Lease) facilities are not consumed any of the materials (materials), including enterprises, property complexes, buildings, structures, equipment, vehicles and other movable and immovable property (other circulation or

		circulation limited, except for the property)
Лизинг тўловлари	Лизингга берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки қўп қисмини, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларини лизингга олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизингга берувчининг даромадидир	Leasing costs for the employer to purchase the object of leasing all or part, as well as the object of delivery, and for a purpose, to make it suitable for use with other costs covered by the leasing and lease income from the employer
Лизингга берувчининг даромади	Лизинг тўловлари билан лизинг объектини сотиб олиш, уни етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган, лизингга берувчи томонидан лизинг операциясини амалга ошириш натижасида оладиган даромадидир	leasing costs, the object of the purchase, delivery and intended to make it suitable for use by the employer, determined as the difference between the costs of leasing income as a result of the implementation of leasing operations
Дисконтлаш	Келажакда аниқ бир вақтда олиниши кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлаш	It is expected to be taken at a certain time in the future to determine the cash equivalent

VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Махсус адабиётлар

1. Karla Johnstone. Auditing: A Risk Based-Approach to Conducting a Quality Audit. 6 th Edition. 2013.
2. Timothy Louwers: Auditing and Assurance services. 5th Edition 2012.
3. Michael C.Knapp. Contemporary Auditing. 6 th Edition. 2013.
4. Mark S.Beasley. Auditing Cases: An Interactive Learning Approach. 5 th Edition. 2011.

Интернет ресурслари

1. www.iaa.org.uk- (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom).
2. www.apb.org.uk - (Auditing Practices Board).
3. www.nao.gov.uk - (UK National Audit Office).
4. www.iasc.org.uk - (International Accounting Standards Committee).
5. www.aicpa.org - (American Institute of Certified Public Accountants).
6. www.aaa.us – (American Accounting Association)
7. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>